

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**«МАНБАШУНОСЛИК, ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАХСУС
ТАРИХ ФАНЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

РАҲИМОВ БАҲОДИР САИДМУСАЕВИЧ

**«ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИ
(Сурхондарё вилояти мисолида 1991 – 2005 й.й.)»**

Мутахасислик: 07.00.02 – “Ўзбекистон тарихи”

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:

т.ф.д. профессор С.Н.Турсунов

Термиз – 2008

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3-16
I-БОБ. Сурхондарё вилоятида иқтисодий ислохотларининг амалга оширилиши.....	17
I.1. Мустақиллик йилларида саноат тараққиёти ривожда иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти ...	17-47
I.2. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ташкил этилиши ҳамда саноат иншоотларининг қурилишида чет эл сармоядорларининг иштироқи	48-67
II-БОБ. Вилоятда аграр ва маданий соҳадаги ислохотлар ва унинг натижалари	68
II.1. Мавжуд муаммоларни ҳал этишда қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар жараёни бориши ва натижалар.....	68-90
II.2. Воҳада маданий ҳаётнинг юксалиши.....	91-108
III-БОБ. Халқ таълими ва тиббиёт соҳасининг тубдан ислоҳ қилиниши ва унинг натижалари.....	109
III.1. Халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг натижалари.....	109-140
III.2 Тиббиёт хизматини ислоҳ қилиш ва туб ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилиши	141-165
ХУЛОСА.....	146-174
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	175-187

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги ўзгаришлар кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш натижаси бўлиб, жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб, муҳим янгиланишлар жараёнига асос солди. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишнинг долзарблиги Президент Ислам Каримовнинг 1996 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошидаги «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида ЎЗР ФА Тарих институтига ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича тадқиқотларни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов миллий мафқуранинг шаклланиш жараёнида тарих фанининг ўрнига юксак баҳо бериб: «Миллий мафқурани шакллантиришдаги энг катта манба – бу ҳаққоний ёритилган тарихдир», деб кўрсатган эди ¹.

Республика тарихини айрим ҳудудлар, шаҳарлар, вилоятлар мисолида ўрганиш, шубҳасиз, тарихнинг янада чуқурроқ ёритилиши учун имконият яратади. Республикаимизнинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини таҳлил этиш туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёни ва уларнинг натижаларини ўрганиш имконияти юзага келди. Сурхондарё вилояти салоҳиятига кўра республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу хусусида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов: «Фақат биз озодлик ва

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8 -Б. 505..

эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди..., Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади» деган эди ¹.

Республика ҳукуматининг қарори асосида ишлаб чиқилган «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепсияси», «Ўзбек давлатчилиги тарихининг мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврини ҳар тарафлама кенг ёритиш; ислохотлар ва янгиланиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт» масалаларини ўрганиш вазифаси қўйилди ². Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мустақилликка эришилганидан кейинги ўзига хос ва мос иқтисодий қарор топтириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларини, шу жумладан, оғир ва енгил саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни камайтирмасдан уни барқарор ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг бозор муносабатларига асосланган дастури ишлаб чиқилди.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ³ 1992 йил бозор муносабатларига асосланган ишлаб чиқаришга босқичма-босқич изчиллик билан ўтиш йўли яратилди. Мамлакат миқёсида иқтисодий барқарорликка эришилди. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган саноат маҳсулотларини ва халқ истеъмоли молларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришга мувоффақ бўлинди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий тараққиёт сари дадил қадам ташлади, унинг тараққиёти ривожиди Сурхон воҳасининг ҳам муносиб ўрни бор.

Ўзбекистон Республикаси 1996 йилда ғалла ва нефть мустақиллигига эришиб, ушбу маҳсулотларни экспортга чиқарувчи мамлакатга айланди. Қимматбаҳо ёқилғи нефть, газ ва кўмир конларининг асосий қисми Сурхон воҳасида жойлашган. Ўзбекистондаги кўмир саноатининг йирик заҳира ҳам

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: Ўзбекистон. 2002. Т-10, Б. 310, 311.

² Ўзбекистон тарихи журнали 1999 й. №1. 32-34 бетлар.

³ Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Т.: «Ўзбекистон» 1992. 18-19 бетлар.

Сурхондарё ҳиссасига тўғри келади. Воҳада қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши, туфайли йод, карбит, туз казиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар пайдо бўлди. Сурхон воҳасида чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаш тажрибалари тўпланиб долзарб соҳаларнинг ривожланишига имкониятлар яратилди.

Мамлакатимизда, шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган Сурхон воҳасида иқтисодий ижтимоий ва маданий соҳада қўлга киритилган ютуқларни тарихий илмий таҳлил қилиб, мустақиллик йилларидаги тажрибалардан хулоса чиқариб, тарихий-илмий мулоҳазаларни бериш тарихшунослар олдидаги энг асосий вазифалардан биридир. Президент И.А.Каримов 2008 йил 25 мартда Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганидек; “Сурхондарё вилоятида ноёб табиий бойликларнинг улкан захиралари мавжудлиги уларни ўзлаштириш ва эл юртимиз манфаати йўлида ишлатишга ундайди”¹ деб таъкидлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида Республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутиб келаётган саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий-маиший соҳаларда ислохотларни амалга ошириш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларни ўрганиш, уларни бартараф этиш жараёнини таҳлил қилиш энг долзарб масалалардан биридир.

Шунингдек, масалаларга собитқадамлик билан риоя қилиш туфайли мамлакатнинг иқтисодий юксакликка эришиши таъминлайди ва Ўзбекистон иқтисодиётини янада юқори поғонага кўтариш имкониятлари яратилди.

Мавзунинг долзарблигини қуйидаги масалаларни илмий таҳлил этишни асослади:

Биринчидан, Ўзбекистон тарихини ўрганиш жараёнида Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларидаги ривожланишнинг хусусиятларини илмий таҳлил этиш;

¹ Халқ сўзи, 2008 йил, 26 март, 1-бет. Президент И.А.Каримовни сессиядаги нутқи.

Иккинчидан, совет ҳокимияти даврида Сурхондарё вилоятининг иқтисодий-маданий жиҳатдан қолоқлиги сабаблари, муаммолари ва оқибатларининг мазмун – моҳиятини тарихий жиҳатдан кўрсатиб бериш;

Учинчидан, мустақиллик йилларида вилоят саноатидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда саноат корхоналарини қайта таъмирлаш, янги саноат корхоналарини қуриш ҳамда такомиллаштириш масалаларини таҳлил этиш;

Тўртинчидан, мустақиллик йилларида вилоятда кичик ва кўшма корхоналарнинг пайдо бўлиши, уларнинг иқтисодий таянч сифатида мамлакат иқтисодиётига қўшган хиссасини ёритиш ва таққослаш;

Бешинчидан, аграр соҳада амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, унинг натижалари, аграр хўжалик тизимидаги ерга эгалик қилиш, бошқарув соҳасидаги ўзгаришларнинг хусусиятларини тарихий жиҳатдан асослаш;

Олтинчидан, маданий турмуш тарзидаги ўзгаришлар, шунингдек, маданият ривожидagi миллий ҳис-туйғулар ҳамда унинг маънавият ривожидagi ўрнига алоҳида эътибор бериш;

Еттинчидан, мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида маориф, маиший турмуш ва тиббиёт йўналишидаги ислохотлар самараси, уларнинг инсон манфаатларини ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш, муаммоларни бартараф этиш уринишлар ва уларнинг натижаларни илмий-тарихий таҳлил этиб, мукамал илмий хулосалар чиқариш.

Сурхон воҳаси Республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан айрим ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, унинг қадимийлиги, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тутган тарихий ўрни, қулай географик ҳудудда жойлашганлиги, сиёсий маъмурий бошқарув, илм-маърифат, дин марказларидан бири бўлганлиги, мамлакатимизнинг энг жанубидаги чегара ҳамда жаҳон мамлакатларига чиқувчи жанубий дарвоза эканлиги билан унинг тадқиқот объекти сифатида танлаб олинисига асос бўлди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган – 1991 йилдан 2005 йилгача бўлган давр

диссертациянинг даврий чегарасини белгилаб беради. Чунки айти шу йилларда бутун республикада бўлганидек, Сурхондарё вилоятида ҳам ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Мавзуни ўрганишда 1991-2005 йилларда мустақиллик туфайли эришилган тараққиётини илмий тадқиқотнинг даврий доираси сифатида белгиланди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақилликнинг ўтган қисқа даври ўзининг мазмун-моҳияти, амалга оширилган ишларнинг кўлами, онгимиз, тафаккуримиз ва турмуш тарзимизга кўрсатган таъсири нутқтаи назаридан бир неча ўн йилликларга тенг.

Тадқиқ этилаётган мавзунинг тарихшунослиги республикамизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиётга доир иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий ҳаётига бағишланган манбалар иқтисодчи ва тарихшунослар ва бошқа илмий соҳа вакиллари томонидан маълум даражада ўрганилиб, мавзуга доир масалаларга қисман тўхталиб ўтилган.

Ушбу асарларга қуйиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: «Ўзбекистоннинг янги тарихи». «Мустақил Ўзбекистон тарихи» учинчи китобининг ¹ «Иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос тамойиллари»-деб аталган IV-бобида бу ишларда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти, бозор муносабатларига ўтиш йўллари, енгил саноатнинг тараққий эттирилиши, пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши, хусусийлаштиришга имконият яратилиши, мулкдорлар синфининг шакллантирилиши, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида қишлоқнинг ўрни ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари баён этилган. «Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш. Миллий қадриятларнинг тикланиши»-деб номланувчи VII-бобида эса Миллий истиқлол мафкурасини яратиш масалалари, маънавий инқироздан чиқиш йўллари, янги жамият куришда таълим ва тарбиянинг тутган ўрни, маданий ҳаётда эришаётган ютуқлармиз ва бошқа масалалар миллий истиқлол ғояси ва мафкураси

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-китоб. -Т.: «Шарқ», 2000. 557-бет.

асосида ёритилган. Республика бўйича умумлашма рақамлар ва ҳудудлар бўйича мисоллар келтирилган.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида нашр этилган илмий ишлар қаторига А.Ҳазратқулов ва А.Мавруловнинг китобларини киритиш мумкин¹. Ушбу нашрларда муаллифлар республикада, жумладан вилоятларда кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил этиб, асосан йирик шаҳарлардаги иқтисодий ривожланиш муаммоларига эътибор берганлар. Ижтимоий-маданий соҳа эса иккинчи даражали масала сифатида четда қолиб кетган. Бу ишларда ўрганилган масалалар танқидий, муаммовий тарзда ёритилган бўлсада, коммунистик мафкуранинг таъсири яққол сезилиб туради.

Шунингдек, мустақиллик йиллари тарихини яхлид тарзда ўрганишга дастлабки уринишлар ҳам бўлди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Янги тарих маркази “Ўзбекистоннинг янги тарихи” рўқни остида эълон қилган ва Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги тарихини қамраб олган “Мустақил Ўзбекистон тарихи” номли 3-китоби (тузувчилар: Н.Жўраев, Т.Файзуллаев)² ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти тайёрлаб чиқарган “Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари” монографиясини³ алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Ушбу монографияда Ўзбекистоннинг давлат мустақилигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши каби масалалар кўриб чиқилган. Кейинги монографияда

¹ Ҳазратқулов А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их решения: специфика, опыт, перспективы. 1971-1990 гг. –Т., 1992; Маврулов А. Культура Узбекистана на современном этапе. –Т., 1992.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. К.3. / Тузувчилар: Н.Жўраев, Т.Файзуллаев... –Т., 2000.

³ Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари / Маъсул муҳаррир Д.А. Алимова. –Т., 2001.

Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланишининг илмий асосларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишига кўшган улкан ҳиссаси кўрсатилган, жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги туб ислохотларнинг ғоявий жиҳатлари чуқур таҳлил этилган.

Бироқ бу асарларда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тикланиши ва ривожланиши жараёнидаги муаммоларга кам эътибор қаратилган ҳамда Сурхондарё вилоятидаги туб иқтисодий ўзгаришлар алоҳида тадқиқ этилмаган.

Мустақиллик йилларида республиканинг айрим ҳудудлари, хусусан шаҳарлари тарихини тадқиқ этиш ишлари ҳам самарали давом этди. Жумладан, бир қатор олимлар томонидан республиканинг айрим шаҳарлари ёки ҳудудларнинг тарихи илмий ишларнинг объектига айланди¹, лекин улар тадқиқот объекти ва даври жиҳатидан мавзуга тўғри келмайди.

С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқаларнинг «Сурхондарё тарих кўзгусида» деб номланувчи китобининг еттинчи бўлими мустақиллик даврига бағишланган бўлиб, бу бўлимда Сурхон воҳаси саноатининг Ўзбекистон вилоятлари саноатлари орасида орқада қолганлигининг сабаблари, мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида кичик ва ўрта саноат корхоналарининг ташкил топиш жараёни, қўшма корхоналарнинг вужудга келиши, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, санъат, адабиёт, маориф, маданият ва тиббиёт соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг бажарилишига оид бунёдкорлик ишларига тааллуқли қисқа тарихий манбалар келтирилган².

Э.О.Қобиловнинг «Сурхондарё саноатининг илк одимлари» рисоласида Сурхондарё саноат корхоналарининг мустақилликнинг дастлабки икки

¹ Турсунов Ж.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Байсун, Шаргун, Шурчи). 1971–1990: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Т., 1995; Каршиев Р.М. Экономическое и социально-культурное развитие г.Навои: опыт проблемы (1958-1990 годы); Автореф. Дис. ... канд. Ист. наук. –Т., 1996; Рахматуллаев Ш.М. Социально экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости. (1991–1996 гг.): Автореф. Дис. ... кад. Ист. Наук. –Т., 2000; ва бошқа.

² Турсунов С.Н. Қобилов Э.О. Пардаев Т.Р.Муртазаев З.М., Сурхондарё тарих кўзгусида Т., «Шарк» 2001. 313 - 377 бетлар.

йилидаги фаолияти, хусусийлаштириш ва мулк шаклининг ўзгартирилишига доир манбалар баён қилинган. Ушбу рисолада манбалар Сурхондарё вилоятининг 1991 – 1992 йиллардаги иқтисодий тараққиёти даражаси таҳлил этилиб, умумлашма хулосалар берилган¹.

3. Мирзаев ва Э.Қобиловларнинг «Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи» китобининг «Пахта саноати комплексининг муаммолари» номли бешинчи бобида 1991–1996 йилларга оид пахтачиликнинг ривожланиши, пахтани қайта ишлаш соҳасига мустақиллик йилларида чет эл сармояларининг киритилиши, пахта толасини сотиш масаласида дуч келаётган муаммолар, тажриба алмашув ва ҳамкорликка доир далиллар келтирилади². «Сурхондарё» альбомида вилоятдаги шаҳар ва туманлар ҳақида маълумотлар берилган ва ишда альбомдаги саноатга доир 1991–1997 йилларга тааллуқли материаллардан диссертацияда маълум даражада фойдаланилди³.

«Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар» китобининг мустақиллик даврига бағишланган 69–73 бетларида Термизнинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти, саноат маҳсулоти ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда йўлга қўйилган ҳамкорлик, иқтисодий ўсиш ҳақида қисқа муълумотлар берилган⁴.

Ж.Мирзаевнинг «Термиз тарихи» китобида мамлакатимиз жанубидаги таянч шаҳарнинг ўтмиши ва мустақиллик йилларидаги тараққиёти қисқа мазмунда баён этилган. Муҳаммад Азимовнинг «Термиз тарихи» монографиясида Термизнинг қадимги даврдан бошлаб 2000 йилгача бўлган ўтмиши, шаҳарнинг бугунги мустақиллик давридаги истиқболига доир манбалар 173-176 бетларда баён этилган⁵.

«Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси»нинг 639-641 бетларида Сурхондарё вилоятида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши,

¹ Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. Термиз.; Жайхун, 1993. -114 -б.

² 3.Мирзаев З.М. Қобилов Э.О. Сурхондарё пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. Термиз.; 1996., 64-75 бетлар.

³ Сурхондарё альбоми. Т.: Шарқ, 1997., -220 бет

⁴ Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар «Шарқ», 2001., -108 бет.

⁵ Мирзаев Ж. Термиз тарихи китоби. «Шарқ» 2001.-120 бет.

мустақилликнинг дастлабки йилларида воҳада қўлга киритилган ютуқларга доир маълумотлар келтирилган¹.

Н.Ўроқованинг «Ўзбекистон жанубидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг фаолияти» мақоласида Қашқадарё ва Сурхондарёдаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг шаклланиш жараёни, уларнинг sanoat, қишлоқ хўжалиги хом ашёларини қайта ишлашдаги тутган ўрни ёритиб берилган. Шунингдек, муаллиф тарих фанлари номзод илмий даражасини олиш учун ёзган «Ўзбекистонда мустақиллик даврида sanoat соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (жанубий вилоятлар мисолида)» мавзусидаги диссертациясида Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган sanoat корхоналарини барпо этишга қаратилган сиёсатидаги эришилган натижалар, Сурхон воҳасида кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ташкил этилиши, воҳада мулкдорлар синфининг вужудга келиш жараёнлари, sanoat иншоатларини қуришда чет эллик сармоядорларнинг фаол иштироки каби масалалар таҳлил этилган².

З.Даминованинг «XIX аср охири XX асрда Термиз шаҳри тарихи» мавзусида ёзилган диссертациясида XX асрнинг 90-йилларда Термиз шаҳрининг ижтимоий - иқтисодий, маданий ривожланиши таҳлил этиб, шаҳар тарихида ушбу даврнинг тутган ўрни, хусусияти ва ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, Термиз шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти деб номланиб, Термиз шаҳрида иқтисодий ислохотлар натижасида sanoatнинг юксалиши, халқ таълимининг узлуксиз ривожланиши ва маданий юксалиш самараси, шаҳарда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий-манавий соҳаларда эришилган тараққиёт натижалари қисқа баён этилган³.

Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларига бағишланган С.Турсунов ва бошқалар томонидан нашр этилган «Сурхондарё тарихи»

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўзбекистон қомуслар бош таҳририяти. Т., -639-641 бетлар

² Ўроқова Н. Ўзбекистонда мустақиллик даврида sanoat соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида), т. ф. н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Т.,2004.- 56-95 бетлар.

³ Даминова З.Ш. XIX аср охири - XX аср Термиз шаҳри тарихи. т. ф. н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2004, 3 бет.

монографиясининг 7-бобида «Мустақиллик йилларида саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, ижтимоий-маънавий ҳаётга тааллуқли манбалар ҳақида фикр юритилган. Бироқ ушбу монографияда мустақиллик йиллари қисқа, умумий йўналишда таҳлил этилган.¹

Тадқиқотимизга доир чоп этилган тарихий манбаларни тарихшунослик нуқтаи назардан илмий-ҳолисона таҳлил этиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Чоп этилган асарлар ва илмий ишларда мустақиллик йиллари қисқа мазмунда баён этилган.

2. Мазкур манбаларда Сурхон воҳасининг ҳудудлари тўлиқ қамраб олинмай, унинг баъзи бир туманилари, шаҳарлари ёки улардаги корхоналар ҳаётини ўрганиш билан чекланган.

3. Таҳлил этилган ишларнинг кўпчилиги ушбу мавзуга бевосита тааллуқли бўлмасдан унинг баъзи бир томонларига қисқа тўхталиб ўтилган.

4. Тадқиқот ишида мустақиллик даврининг дастлабки 15 йилини қамраб олиб, ушбу даврни илмий тарихий жиҳатдан ҳолисона таҳлил этиб, мавзуга оид кенг қўламли тадқиқот ишларини ўтказиб, амалий-илмий натижага эришилди.

Тадқиқотда юқорида келтирилган манбаларни назарда тутиб, ушбу мавзу махсус тадқиқот объекти сифатида илмий таҳлил этилди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз Давлат Университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган Сурхон воҳасида янги саноат корхоналарининг бунёд этилиши, иқтисодий ислохотларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва бошқа соҳаларда амалга оширилиши, чет эл сармояларининг киритилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва сифатини оширишга эришиш, халқ хўжалиги соҳасида мулкдорлар синфининг шаклланиши, мамлакат

¹ Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: 2004, Шарқ, 605-бет

иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ишчи-хизматчиларнинг фидокорона ва самарали меҳнатларини умумлаштирган, миллий истиқлол гоёси ва мафкурасига мос келадиган, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, халқимизнинг маънавиятини бойитишга хизмат қиладиган иш яратиш тадқиқотнинг асосий мақсади қилиб олинди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги илмий тадқиқот вазифалари амалга оширилди:

Ўзбекистон ҳукуматининг Сурхондарё воҳасида жаҳон андозаларига тўғри келадиган саноат корхоналарини барпо этишга қаратилган сиёсатининг моҳиятини илмий тарихий жиҳатдан ёритиш;

саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига чет эл сармояларини киритишнинг мақсади, чет элликлар билан ўзаро ҳамкорлик натижаларини илмий ҳолисона тавсифлаш;

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил этиб, умумлаштириб, муҳим илмий тарихий хулосалар чиқариш;

саноат ва қишлоқ хўжалик соҳаларининг муҳим тармоғи бўлган қўшма корхоналарни ташкил этиш борасида олиб борилган ишлар ва уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган муҳим ўрнини ёритиб бериш;

халқ хўжалигида муҳим ўрин тутган қадимги миллий хунармандчиликнинг қайта тикланиш ва шаклланиш жараёнининг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

саноат ва халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида намоён бўлган қийинчиликлар, муаммолар ва уларни бартараф этишни таъминлайдиган тадбирларнинг моҳиятини очиб бериш;

мамлакатимизда халқ хўжалигида яратилган саноат маҳсулотлари янги турларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини кўрсатиб бериш;

воҳага импорт маҳсулотларини киритишни камайтириш ва унинг ўрнига экспортбоп маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариб мамлакат валюта захирасини кўпайтиришга ҳисса қўшиш жараёнини ёритиш;

янги табиий хомашё манбаларини ўзлаштириб, халқ хўжалиги эҳтиёжи ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида қўлга киритилган бой тажрибаларни умумлаштириш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида муҳим бўлган тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг воҳада қай тарзда амалга оширилаётгани, қийинчиликлар ва муаммоларнинг қандай ечимини топаётганлигини ёритиб бериш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни бунёд қилиш борасида олиб борилаётган ишларни ёритиб бориш;

фан ва таълим тизимида ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ва дуч келинаётган муаммоларни халқ этиш борасида олиб борилаётган ишларни ёритиш;

вилоятнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасини кўрсатиб, уни янада ривожлантириш; маҳсулот сифатини ошириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмушини яхшилашга қаратилган тақлиф ва мулоҳазаларни баён этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг назарий ва методик асослари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ватанимиз тарихини илмий-ҳолисона, ҳаққоний манбаларга таянган ҳолда ўрганиш ва таҳлил этиш ҳақидаги кўрсатмалари, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш масалларига бағишланган асарлари, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш масалаларига бағишлаб Олий Мажлиснинг ва вилоят халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида қилган маърузаларида илгари сурилган фикр ва мулоҳазалардан мавзуга оид йўналишларда фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иқтисодий тараққиёт масалаларига доир қабул қилган қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тадқиқотнинг назарий ва методик асосини ташкил этди.

Тадқиқотда Ўзбекистонда амалга ошаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва миллий истиқлол ғояси ҳамда мафкурасига асосланган назариялар тарихийлик, холислик ва изчиллик тамойилларига амал қилинди.

Тадқиқотнинг манбавий асосларини. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларига бағишланган асарлари, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш масалаларига бағишлаб, Олий Мажлиснинг ва вилоят халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида қилган маърузаларида илгари сурилган фикр-мулоҳазлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иқтисодий тараққиёт масалалари борасида қабул қилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотлар асосида тадбиркорликни амалга ошириш ва уни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш, ишлаб чиқаришга чет эл сармояларини киритиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлари ташкил этди. Ўз навбатида, чоп этилган илмий, ижтимоий – иқтисодий, сиёсий масалаларга бағишланган асарлар, архив материаллари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда халқ таълими, ўрта махсус касб – ҳунар таълими, олий таълим, тиббиёт ва маданият бошқармаларининг жорий архивларида сақланган ҳужжатлар, вилоят саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар бўйича статистика бошқармасида сақланаётган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳам тадқиқотнинг манбавий асосларини ташкил этди. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎЗР МДА) нинг қуйидаги фондларидан фойдаланилди: - М-7 фонд Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, -Ф.837 Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети, Ф.1619 Марказий статистик бошқарма, Ф.93 Ўзбекистон ССР молия министрлиги, шунингдек мавзуни ёритишда Сурхондарё вилоят давлат архиви (СВДА)нинг 1, 45, 95, 313, 404, 454, 455-фондлар ҳужжатларидан

фойдаланилди. Тадқиқотни ёритишда журналлар ва илмий тўпламларда, баён этилган мақолалардан шунингдек, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Маърифат», «Ишонч», «Сурхон тонги», «Чағониён», «Халқ йўли», «Жануб вақти», «Термиз оқшоми» шунингдек туманларидаги газеталарнинг манбаларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мавзуга янгича методологик ёндашув асосида 1991–2005 йилларида Сурхондарё вилоятида янги саноат корхоналарининг барпо этилиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳолати, халқ хўжалигига чет эл сармояларининг киритилиши, иқтисодни юксалтириш соҳасида келиб чиққан муаммоларнинг бартараф этилиши, вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда эришилаётган ютуқлар ва муаммолар, уларни бартараф этиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек таълим, маданият ва тиббиёт соҳасида эришилаётган муваффақиятлар илк бор илмий-тарихий жиҳатдан ҳолисона таҳлил этилиб, умумлашган ҳолатга келтирилди. Сурхондарё вилоятида Мустақиллик йилларида иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар умумлаштирилиб, биринчи марта кўпгина ҳужжатлар, ахборотлар ва материалларга илмий ишлов берилиб, илк бор илмий муомалага киритилди.

Диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида муҳим ўрин тутган Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий тараққиётида қўлга киритилган, умумлаштирилган ушбу тадқиқот иши тажрибалардан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг талабалари, умумтаълим мактаблари, Олий таълим муассасаларининг профессор ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар учун ўқув қўлланма ҳамда Ватан тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси, сайёҳлар, музейлар учун илмий манба сифатида катта хизмат қилади. Шунингдек, диссертация материаллари ғоявий-тарбиявий ва тарғибот ишларида фойдаланишга мўлжалланган. Шунингдек ватанимиз тарихининг мустақиллик даврини ёритишда ҳам диссертация материалларидан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг апробацияси. Диссертация мавзуси ЎзР ФА тарих институти қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашда тасдиқланган. Диссертация иши 2008 йил 27 февралда Термиз давлат университетининг «Манбашунослик, тарихшунослик ва махсус тарих фанлари» ҳамда «Ўзбекистон тарихи» кафедраларининг кўшма мажлисида муҳокама қилинган. Шунингдек, тадқиқот иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети тарих факультети тарихга ихтисослашган илмий семинарида, Самарқанд Давлат университети тарих факультетининг илмий семинарида ҳамда Тошкент Маданият институти ижтимоий-гуманитар фанлар кафедрасининг илмий семинарларида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация юзасидан жами 6 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 3 та мақола ва 3 та тезисда ўз аксини топган. Асосий мазмуни-муаллиф томонидан эълон қилинган илмий ишларда, Республика илмий журналлари ва амалий конференцияларда, Термиз давлат университети профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференция-ларида қилинган маърузаларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириши, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 189 бетни ташкил этади.

I-БОБ. Сурхондарё вилоятда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши.

I.1. Мустақиллик йилларида саноат тараққиёти ривожидда иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти.

Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига ўтиш Президентимиз И.А.Каримов тақдим этган “Ўзбек модели” асосида ва бозор иқтисодиётининг умумий қонуниятларига қатъий амал қилган ҳолда ислохотларнинг амалга ошириш ва унинг натижалари асосида муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар бажарилди. Мамлакатимизда ислохотлар куйидаги асосий йўналишларда яъни: мулкий ислохотлар, институтцион ислохотлар, аграр ислохотлар, ташқи иқтисодий фаолият ислохотлари, ижтимоий ислохотлар асосида амалга оширилди. Ўзбекистонда ислохотларнинг асосий мақсади бозор муносабатларига ўтиш, унинг стратегик мақсадларини белгилаш тамойилларига жиддий эътибор бериб, Ўзбекистон халқлари турмуши ва фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни барпо этиш; республикада кўп укладли иқтисодиётни, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар томонлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликни вужудга келтириш, унинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш; корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлат йўли билан аралашмаслик; иқтисодиётга чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, моддий ва табиий ресурслар ҳамда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишни таъминлаш; жаҳон иқтисодиёти интеграциялашиб бориш; аҳолининг дунёқарашини ўзгартириш, уларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш.

“Бозорга ўтиш муқаррар, деб таъкидлаган эди республикаимиз Президенти И.А.Каримов. –Бу- давр амири, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги кадриятларни шакллантириш,

одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатдан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир”¹.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш учун иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Аввало, иқтисодий ислохотларнинг узоқни кўзлаган қуйидаги стратегик мақсадлари белгилаб олинди:

- миллий бойликларнинг ўсишини, кишилар турмуши ва фаолияти учун муносиб шароитни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб борувчи тизим яратиш;
- кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келтириш, кишининг мулкдан бегоналашуви бартараф этиш, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар бир тарафлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувидан воз кечиш, иқтисодни бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини йўқ қилиш, иқтисодий воситалар ва рағбатлантириш ишларини кенг қўллаш;
- Моддий табиий ва меҳнат ресурсларининг унумли фойдаланишни, рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жаҳон иқтисодиёт тизимига кириб боришини таъминлайдиган чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш;
- Кишиларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини қўллаш соҳалари ва шаклларини ўзи мустақил белгилаб олиши учун имконият яратиш.²

Юқорида таъкидлаганимиздек Ўзбекистонинг бозор муносабатларига ўтишда собитқадамлик ва изчиллик билан босқичма-босқич ҳаракат қилиш йўли асос қилиб олинди. Бунинг моҳияти шундаки, зарур шарт-шароитларни яратиб бўлгандан кейингина ривожланишнинг янги босқичига ўтилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. Т.1-Т.; Ўзбекистон, 1996, 63 бет.

² Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун. –Т., “Ўқитувчи”, 2003, 129 бет.

Умуман, ислохотларни даврлаштириш уларнинг устун йўналишлари, уларда ҳал этилган вазифалар миқёсига, улар киритган янгиликларга қараб бўлиши мумкин. Шу мезонларга таянадиган бўлсак, Ўзбекистонда ўтиш даври иқтисодий ислохотлари уч босқичли бўлди, биринчи босқич-1991 йил 1 сентябрдан 1994 йил ўртасига қадар; иккинчи босқич-1994 йил ўрталаридан 1999 йилга қадар; учинчи босқич-1999 йилдан кейинги давр. Ислохотларнинг биринчи босқичида бозор муносабатларига ўтиш учун илк қадамлар қўйилди. Бу босқичда, Президент И.А.Каримов ибораси билан айтганда иккита муҳим масалани бирданига ҳал қилишга тўғри келди; “Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;-республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш...”.¹ Мазкур босқичда айtilган муаммоларни ечиш мақсадида, ислохотларнинг қуйидаги устун йўналишлари белгилаб олинди: ислохотларнинг қонуний базасини яратиш, уни мустаҳкамлаш; янги мулкчилик шаклига ўтишни дадил бошлаш; иқтисодий-молиявий барқарорликка эришиш.

Бу босқичда институционал, мулкий ва аграр ислохотлар бошланди. Қонунларнинг устунлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Умуман, биринчи босқичда жами 26 та қонун қабул қилинди. Булар орасида мулкчилик, тадбиркорлик, хорижий инвестициялар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, банклар тўғрисидаги қонунлар асосий ўрин тутди. Бу қонунлар бозор тизимининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Унга ўтишнинг чора-тадбирларини белгилади. Бу босқичда, қонунлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни таъминловчи 82 та фармони қабул қилинди. Маъмурий-буйруқбозлик бошқарув ўрнига демократик бозор бошқарув қарор топа бошлади. “Иқтисодиёт барқарор амал қилиб турган тақдирдагина, -деб ёзган

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: 1996 йил, 184-бет.

эди И.А.Каримов,-бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин”.¹ Мустақил Ўзбекистон иқтисодиёт дастурининг бу даврдаги старатегик вазифаси-иқтисодиёт таркибини қайта қуриш, яъни республикадаги мавжуд корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, уларга эркин фаолият кўрсатиш учун имконият яратишдан иборатдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1991 йил 18-21 ноябрда бўлган VIII-сессиясида қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Ижара тўғрисида”ги қонунлари катта аҳамияга эга бўлди. Бу қонунлар асосида корхоналари мустақил фаолият кўрсатиши, корхоналарни акционерлик жамиятларига айлантириш, корхоналар қошида ижара жамоалари ташкил этиш имкониятига эга бўлдилар. Республика саноатининг ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш учун биринчи навбатда қуйидагиларни ҳал қилиш вазифаси қўйилди: биринчидан, қишлоқ хўжалиги хомашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш; иккинчидан, ақли салоҳият негизида юксак техникага эга бўлган корхоналарни вужудга келтириш; учинчидан, корхоналарнинг илғор технологияларига замонавий ишлаб чиқаришга ўтишни таъминлаш, минерал ресурсларини комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини шакллантириш. Бу иқтисодий дастурни амалга ошириш ва бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги муҳим вазифалардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1991 йил 27 декабридаги “Ўзбекистон Республикасида Биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги фармони асосида товарлар бозорини шакллантирувчи биржалар тизими шакллантирилди. 1991 йила республикада биринчи бўлиб, “Республикада кўчмас мулк биржаси, товар хомашё биржаси”, республика “Меҳнат биржаси” ташкил этилиб, дастлабки ким ошди савдолари йўлга қўйилди. Ушбу биржалар Сурхондарё вилоятида ҳам фаолият кўрсатди. Натижада Собиқ иттифоқ давридаги иқтисодий ночор аҳволдан қутилиш мақсадида корхоналар ўзини ўзи тиклаш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. –Т., 1995 йил, 20 бет.

хамда бозор талабидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш эвазига ўзларини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятига эга бўлди. Сурхондарё вилоятининг иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, бутун республикада бўлганки каби, икки йўл билан, яъни, биринчидан, мавжуд корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш; иккинчидан, янги корхоналар қуриш орқали амалга оширилди. Янги корхоналар барпо этиш, ишлаб турган корхонани қайта жиҳозлаш халқимиз учун зарур бўлган кўплаб истеъмол моллари ишлаб чиқаришга қаратилди. “Халқ истеъмоли моллари,- деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов,- Энг аввало ички истеъмол бозори тўлдириш..., ўсиб бораётган истеъмол талабларини қондириш ва эмиссияни кескин қисқартириш..., пулнинг кадрсизланиши камайтириш, миллий валютаминнинг барқарорлигини таъминлаш..., пировард натижада кўшимча иш жойлари демакдир”¹. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларида Сурхондарё вилояти саноатида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Собиқ иттифоқ даврида таракқиёт жиҳатидан энг кам ривожланган Сурхондарё вилояти саноати ривожланиши жиҳатидан 1990 йилда Республикада ўнинчи ўринда турар эди. Сурхондарёда 1990 йилда жами 23 та саноат корхонаси бўлиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1345 млн сўмлик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, аҳоли жон бошига 1011, 63 сўмлик саноат маҳсулотлари етказиб берилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 млн сўмга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 2,1 млн сўмга камайди. Вилоят бўйича 11 корхона халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш даражасини кескин камайтирди. Жумладан Термиз гўшт комбинати корхонаси 6,4 млн сўмлик, Денов ёғ заводи 1,6 мн сўмлик, Денов вино заводи 1,8 млн сўмлик, вилоят дон маҳсулотлари бирлашмаси 1,2 млн сўмлик жами 11 ярим млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади².

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. –Т., 1996. 94-95 бетлар.

² Ленин байроғи, 1991 йил, 28 июн, 1-бет. Бозор иқтисодиёти янгича иш юритишни тақозо этмоқда.

Вилоятда саноат қоқоқлигини баргараф этиш учун аниқ чора тадбирлар амалга оширила бошланди. Енгил саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари олиб борилиб, пахта тозалаш саноати соҳасида муҳим ишлар амалга оширилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида собиқ иттифоқ давридаги алоқалар узилгач, таъминот издан чиқиб, кўпгина пахта тозалаш заводларида эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар етишмаслигидан анча қийинчиликлар пайдо бўлди. Бу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун корхоналарнинг ички имкониятларидан фойдаланилди.

1990 йил вилоятда мавжуд 11 та пахта тозалаш заводи 143,5 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлса¹, 1991 йилда бу рақам 145,4 минг тоннани ташкил этди. Вилоят енгил саноат корхоналарида 1992 йил умумий узунлиги 1.247 000 метр шойи газлама, 99,5 млн сўмлик тикувчилик буюмлари, 20,1 минг жуфт пойафзал, 19,2 минг дона трикотаж буюмлари, 5,2 минг дона пайпоқ, 2,3 тонна йигирилган ип тайёрланди².

Саноат корхоналарининг эркин фаолият кўрсатишга кенг йўл очиб берилиши ва нархларнинг эркинлаштирилиши корхоналар тақдирини, уларнинг раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг тадбиркорлиги ва ишбилармонлигига боғлиқ қилиб қўйилди. Ислоҳотлар натижасида мулкчилик масаласида саноат соҳасида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш талаб қилиниши билан биргаликда давлат тасарруфидаги корхоналарни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларни моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда янги замонавий техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш давлат назоратига олинди. Вилоятда мавжуд 11 та пахта тозалаш корхоналарини давлат тасарруфида сақлаш билан биргаликда уларни замонавий асосида қайта жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор берилди. Сурхондарё енгил саноатининг етакчи тармоқларидан бири бўлган пахта тозалаш заводларини янги технология билан қуроллантириш ишлари

¹ Сурхондарё ВДА 1-ж, 3-р, 4-иш. 55-в.

² Сурхондарё ВДА 95-ж, 12-р, 22-иш. 62-в .

жадал олиб борилди. Агарда 1980 йилларда мавжуд пахта тозалаш заводларида «Мехнат» агрегатлари ишлатилган бўлса, энди уларнинг ўрнини УХК машиналари эгаллаб, иш унумдорлиги ошиб, цехлардаги чанг миқдори ярмига камайди. «ВЦ-12» ва «УВЦ-12» русумли вентиляторлар ўрнатилиб, «ОВМ» ўрнини «ВТМ» механизмлари эгаллади. Тукли чигитни ушлаб қолиш мақсадида «РХ» механизми, аррали цехда эса янги «5-ЛП» шитерлари иш бошлаб, бажарилган ишлар ўз натижаларини бериб, пахта тозалаш саноати бирлашмаси 1994 йилни муваффақиятли якунлаб, пахта тозалаш заводлари 131,6 минг тоннадан кўпроқ тола ишлаб чиқариб, режани 102,2 фоизга бажарди¹. Вилоят саноатида рўй берган ўзгаришлар туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб борди.

Тола ишлаб чиқариш ҳажми 1993 йилга нисбатан 3,7 фоизга кўпайди, момик тайёрлаш ҳажми салкам 108 фоизга уддаланиб, 237 минг тонна чигит тайёрланди. Пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган тола сифатига алоҳида эътибор берилди. Чунки Иттифоқ даврида тола қаерга, қанчадан сотилишини фақат Марказ (Москва) ҳал қилар эди. Энди бу масалани ҳар бир корхонанинг ўзи мустақил ҳал қила бошлади. Маҳсулотнинг жаҳон бозорида харидоргир ва сифатли бўлиши учун ҳаракат бошланди. Масалан, 1993 йилда ишлаб чиқарилган толанинг 82,5 фоизи сифат белгиси талабига жавоб берган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 94,2 фоизни ташкил этди².

Момикнинг 98,6 фоизи Давлат стандарти талабларига жавоб бериб, 10,9 миллион сўм фойда олинди ва 1993 йилга нисбатан қарийб ўн бир баробар ўсишга эришилди. 1993 йилда Хайробод, Музрабод, Шўрчи, Қизирик пахта тозалаш заводлари жамоалари яхши натижаларга эришди. Узун пахта тозалаш заводида нотўқима материал ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, янги цех 1993 йилда 90,3 минг погон метр мато ишлаб чиқарди. Бу

¹ Сурхондарё ВДА 95-ж, 1-р, 115-иш, 26-в.

² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1993. 15-бет.

эса заводларда чиқарилаётган пахта тойларини ўровчи материалларга бўлган талабни қондириш имконини берди.¹

Сурхондарё «Пахтасаноатсотиш» хиссадорлик бирлашмаси корхоналарининг жамоалари иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берди. 1994 йилда 131,6 минг тонна тола ва 6723 минг тонна момиқ ишлаб чиқариб, 11 млн сўм фойда олди, бу соҳада 1993 йилга нисбатан 11 баробар ўсишга эришилди².

Вилоят пахта тозалаш заводи саноати бирлашмаси мутахассислари тайёрланаётган тола сифатини янада ошириш мақсадида туманлардаги пахта тозалаш заводларини янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни йўлга қўйдилар. Денов, Шўрчи, Ҳайробод ва Жарқўрғон пахта тозалаш заводларида толанинг пишиқлигини ва унинг узилиш кучини яхшилаш мақсадида толани хўллайдиган махсус ускуналарни ўрнатдилар. Натижада заводларда тайёрланган толанинг пишиқлиги оширилиб, унинг узилиши йигирма фоизга камайди.

Вилоят пахта тозалаш заводларида янги замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш жорий этилиб, Ангор пахта тозалаш заводида нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган цех ўрнатилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг эни 90 сантиметр, бўйи 180 сантиметр узунликда чиқариладиган бўлди. Заводда 2,5 минг ўрнига 6 минг метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга сотилди. Ҳатто чиқиндилар ҳам қайта ишланиб, тайёр, маҳсулот олина бошланиши туфайли ҳар ойда режадагидан 50–60 тонна кўп момиқ ишлаб чиқарилди, чунки бир тонна момиқ жаҳон бозорида 5000 долларга баҳоланади. 1993 йил Сурхондарё вилоятида янги пахта тозалаш заводлари ҳам қурилиб ишга туширила бошланди. Жумладан, Жарқўрғондаги «Бунёдкор-2» хиссадорлик жамияти жамоаси Қумқўрғон пахта тозалаш цехларини замонавий серунум

¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1993. 18-бет.

² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1993. 21-бет.

машиналар билан жихозлаб, йилига 30 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган корхонани фойдаланишга топширди¹. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Сурхондарё вилояти саноат корхоналари, қатор завод ва фабрикалар электр энергиясига сарфланадиган харажатларнинг ошиб бориши муносабати билан электрни тежаш йўлларини излаб топишди. Бундай корхоналар ҳисобига 1993 йилга қадар Термиз пахта тозалаш заводи 100 квли қувват берадиган ўнлаб электр моторларидан фойдаланиб келинган, 1993 йилда бу моторлар 55-70 квли моторлар билан алмаштирилди. Тозалаш цехидаги аввалги йигирма еттита машинадан 1993 йилда ўнтаси ишлатилиб кўплаб электр қуввати, асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларни тежаши билан бирга пахта тозалаш корхонасида миллион сўмлаб маблағни тежаб қолиш имконини яратиб, 1993 йилда бир тонна пахта ишлаб чиқариш учун 450 квм/соат электр энергияси қуввати сарфланди.² Умуман олганда, воҳада пахта тозалаш саноати борасида жиддий ижобий ўзгаришлар бўлди.

Ўзбекистон аҳолисининг ош тузига бўлган эҳтиёжини, асосан, қондириб келаётган Хўжаикон туз саралаш заводи 1993 йил ушбу заводда 550 минг тонна туз ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Мазкур туз кони захираси тозалиги, софлиги жиҳатидан дунёда ягона ҳисобланади. Шунинг учун унинг маҳсулотларига талаб ошиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун эса корхонанинг қуввати етмас эди. Шу ҳолатни ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида махсус қурилиш ташкилоти тузилди. Корхонага АҚШдан 1,1 млн долларлик замонавий янги линия олиб келиниб 1993 йилнинг охирида ўрнатилди³.

Жарқўрғон ип-йигирув фабрикаси 1994 йилда хиссадорлик жамиятига айлантирилиб, натижада кишиларнинг меҳнатга, мулкка муносабатда сезиларли ўзгаришлар юз берди. 1996 йил давомида амалдаги нархларда 190,1 миллион сўм ўрнига 236,6 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқариб режага қўшимча тарзда 49,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

¹ Сурхондарё ВДА 313-ж, 1-р, 11-иш, 13-в.

² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1993. 42-бет

³ Шеробод туман ҳокимлиги жорий архиви, 7-баённома, 14-ҳужжат, 1993. 27 май, 3-бет.

Йил давомида 257,2 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1995 йилга нисбатан қарийб икки баробар, маҳсулот сотиш ҳажми эса салкам 2,8 баробарга кўпайди. Хиссадорлик жамияти 1996 йил 1309 тонна калава ишлаб чиқариб салкам 6,9 миллион квадрат метр мато тўқиш билан яқунлаб, меҳнат унумдорлиги 113 фоизга ўсди¹.

Бундай ютуқларга мавжуд тўқув ва йигирув дастгоҳларидан унумли фойдаланиш туфайли эришилди. 1996 йили тўқув ишлаб чиқаришда корхона янги техника билан қайта жиҳозланди.

Корхонада «АТ 100-5 М» русумли тўқув дастгоҳлари ўрнига, 77 дона «СТБ 2-180» русумли тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Натижада 90 см бўлган «Миткаль-32» хом сурпи ўрнига жаҳон андозаларига мос келадиган эни 164 см «Бязь-4794» артикулли мато тўқиш имконияти яратилиб, 1996 йили 1 миллион 335 минг кв метр мато тўқилди².

Бу дастгоҳларнинг моҳияти шундаки, улар серунум, сифатли маҳсулот тайёрлаши, шовқинсиз ишлаши ва ишчи кучини кам талаб қилиши билан аҳамиятлидир. Бу дастгоҳлар Россиянинг Чебоксари шаҳридан шартномага биноан келтирилиб корхонада ўрнатилди. Янги серунум дастгоҳлар туфайли 1996 йили тўқув ишлаб чиқаришида қувватлардан фойдаланиш даражаси 1995 йилга нисбатан 9 фоизи, йигирилаётган ипнинг 65 фоизи сифат белгиси талабларига тўлиқ жавоб берди. Натижада корхона 1996 йил давомида 257,2 миллион сўмдан кўпроқ ялпи даромад олиб, олинган соф фойда 7 миллион 862 сўмни ташкил этди, шундан 5 миллион 584 минг сўм маблағ корхона ишчиларини моддий рағбатлантириш ва хайрия жамғармасига ажратилди³.

1996 йилда жамоанинг 23 нафар мутахассислари Китоб шаҳридаги ип-йигирув фабрикасида бўлиб қайтдилар. Й.Қурбонов, Г.Янгибоев, Ғ.Тўхлиев каби ишчилар эса Тошкент тўқимачилик комбинатида замонавий

¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1993. 24-бет.

² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1996. 13-бет.

³ «Жарқўрғон ҳақиқати» газетаси, 2002. 9 январ.

тўқимачилик машиналарида ишлаш тажрибасини орттириб келишди. Яна тўрт нафар йигит Бухоро шаҳрида худди шундай машиналарни ишлатишни ўрганиб қайтишда.¹

Вилоятда саноат корхоналарини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан биргаликда, техникавий жиҳатдан эскирган ва ишлаб чиқариш жараёнида талаб даражасида маҳсулот ишлаб чиқармаётган ҳамда деярли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини йўқотиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган саноат корхоналарини қайта тиклаш мақсадида бир қатор муҳим тадбирлар амлга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорларни ривожлантириш кўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги фармони асосида давлат назоратида турган корхоналарни хусусийлаштириш асосида ишлаб чиқариш қуввати қайта тиклаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Натижада Сурхондарё вилоятида бир қатор маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштириш асосида ишлаб чиқариш технологияси қайтадан таъмирланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, Бойсун шойи тўқиш фабрикасида маҳсулот ишлаб чиқариш 1972 йил -927500 сўмни, 1985 йил -5 миллион 354 минг сўмни, 1991 йил -17 миллион 235 минг сўмни ташкил этиб, ишлаб чиқариш қуввати ўсиб борди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши муносабати билан Бойсун шойи матолар ишлаб чиқарувчи фабриканинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб, янги-янги типдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтилди.²

Шойи, атлас ва беқасамни бежирим мато қилиб турадиган сунъий толалар Москва ва Киев шаҳарларидан олиб келинар эди. 1993 йилга келиб, Бойсун шойи тўқиш фабрикаси ҳам бозор иқтисодиётига аста-секин мослашиб, фабрика «Ишонч» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Натижада фабрикада тадбиркорликка алоҳида эътибор берилиб, сочиқлар, мебель жилдлари, аҳоли эҳтиёжи учун зарур тикувчилик маҳсулотлари

¹ «Жарқўрғон ҳақиқати» газетаси, 1996. 16 май.

² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1993. 24-бет.

ишлаб чиқарилди. Иқтисодий аҳволни яхшилаш мақсадида, 1995 йилда пиллакашлик цехи қурилиб, бунинг натижасида 30 тонна пиллани қайта ишлаш имкони яратилди. Пилла цех ишлаб чиқарган маҳсулотини Корея, Японияга экспорт қилди¹. 1996 йили корхона янги технолоияни жорий этишга қарор қилди, Тошкент шаҳридаги «Бойтун» фирмаси билан шартнома тузиб, 20 миллион сўмлик дастгоҳларни келтириб, ўрнатди. Натижада хом ашё масаласи ҳал этилди. Бойсун тумани чорвачиликка ихтисослашгани тумани бўлгани учун жун хом ашёси йиғиб олиниб, фабрикада жун маҳсулотларидан аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари корхона жамоаси хотин-қизлар учун турли хажмдаги жун рўмоллар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Шу билан бирга яна қўшимча «Ч-11-200 Ш» русумли иккита пахта қавийдиган, сават тайёрлайдиган дастгоҳлари ҳам ўрнатилиб, корхона жамоаси қайта ишлаган жун қолдиқларидан куртка, палто, телпак, тунларга пахта ўрнида ишлатиладиган ваттани тайёрлашга киришди. Бу материалнинг 30 фоизи жун қолдиғидан, 70 фоизи эса пахта тозалаш заводлари, саноат корхоналари чиқиндиларидан тайёланди².

Умуман олганда, 1991–1995 йилларда вилоят енгил саноат корхоналарида техника янгиликларини жорий этиш кенг қўламда олиб борилди. Деярли барча корхоналарда эски жиҳозлар ўрнига янги техника ва технологиялар олиб келиб ўрнатилди. 1991-2005 йилларда бу ишларнинг ҳаммаси вилоят аҳолисининг енгил саноат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, маҳсулотлар сифатини яхшилашга эришиш, оғир қўл меҳнати шароитида ишлаётган цех ва устахоналарни янги замонавий техника билан жиҳозлаш мақсадида амалга оширилди.

Президент Ислон Каримовнинг «2001 йил Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг

¹ «Жарқўрғон ҳақиқати».газетаси 2001. 21 март.

² «Сурхон тонги» газетаси. 1997. 3 январ.

боришини баҳолаш, ҳамда 2002 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йуналишлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг йиғилишида: «Замонавий технологиялар асосида халқ хунармандчилиги ва касибчилик анъаналарини ривожлантириш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар» деган кўрсатмасини ўрганиб чиқиш ва амалий таклифлар бериш учун кўйидаги муаммоларни бартараф этиш зарур бўлди.

Вилоят хунармандчилик соҳасида тарғибот ва ташвиқот ишлари кўнгилдагидек йўлга қўйилиб, вилоят шаҳарлари, туманлари ва қишлоқларида хунармандлар уюшмасини ташкил этиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш ва уларни моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш масаласи алоҳида эътибор берилди. Хунармандчилик соҳасида тарихимиз ва ҳозирги кунимизни ўзида акс эттирадиган, хунармандчилик маҳсулотлари рангли, чиройли календарлар, альбомлар шаклидаги бадиий тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қишлоққа саноатни олиб киришга қишлоқ жойлардаги коммуникацияларнинг паст даражада ривожланганлиги асосий тўсиқлардан бири саналади.

Шунинг учун ҳам қишлоқларга юқори кучланишдаги электр қувватларининг деярли кириб бормаганлиги, ичимлик сув ва табиий газ билан етарли таъминланмаганлиги каби муаммоларни ҳам ҳал этиш муҳим масаладир.

Вилоятда ташкил этилган хунармандлар марказини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсулотларини четга экспорт қилишнинг қонуний жиҳатларини нодавлат ташкилотлари билан биргаликда ҳал қилиш натижасида, хунармандлар халқаро сайёҳлик ташкилотлари билан ҳамкорлиги ўрнатилиб, Маркетинг хизматини яхшилаб, хунармандлар ишларини интернет тизими орқали дунё халқларига таништириш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Термиз шаҳридаги нон комбинати 1991 йилдан бошлаб, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни кўпайтириб, унинг сифатини

яхшилаш мақсадида янги асбоб-ускуналар билан таъминланди. Асосий қуввати 32,0 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган заводда 1991 йилдан бошлаб беш хил турдаги нон, етти хил турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. 1995 йил заводда уч юз эллик нафар киши меҳнат қилди. (шулардан бир юз ўттиздан ошиқроғини хотин-қизлар ташкил этади). 1995 йил 24 мартда вилоят хусусийлаштириш қўмитасининг 154-сонли қарорига асосан Термиз нон комбинати очиқ турдаги «Термиз нон» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, ҳиссадорлик жамиятида еттита нон цехи ва бешта нон дўкони ишга туширилди. «Термизнон» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган нонлардан қанд ва қандли диабет нонлари ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди¹.

Булар: 720 граммлик Тарицкий, 200 граммлик Ахларид, яъни кепакдан ҳамда сут зардобидан тайёрланадиган нонлардир. Бундан ташқари иккинчи сортдан 780 граммлик, олий сортли ундан 400-700-800 граммлик нонлар тайёрланиб, қандолат маҳсулотларидан: печенье, торт, биксвит, рулет, трубочка, земленика, шакар гурен, пряник ва бошқалар ишлаб чиқарилди. Жамоа шаҳар меҳнаткашлари ва ҳарбий қисм хизматчилари учун сифатли нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Мустақиллик йилларида «Термиз нон» ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги нуфузли корхоналардан бирига айланиб, корхона фаолияти янги босқичга кўтарилди. 2000 йилда 464 минг АҚШ доллари сарфланиб, Италиянинг «ТЕКНАГРИ-ПРЖЕКТ» фирмаси билан ҳамкорликда макарон ва печеньеелар ишлаб чиқарадиган иккита янги цех ишга туширилди. Цехда қадоқланган ҳолда беш хил турдаги бир ярим тонна макарон ва бир ярим тонна печенье маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Янги цехларнинг очилиши туфайли янги ишчи ўринлари яратилиб, жамоа аъзоларининг сони саксон беш нафар кишига кўпайди².

Термиз шаҳридаги гўшт комбинатида 1991 йил Голландиянинг «Супе-матик» фирмасидан келтирилган сосиска ишлаб чиқариш цехи

¹ Термиз шаҳар ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома 1995 йил, 4 апрел, 3-бет.

² Термиз шаҳар ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома 2000 йил, 18 декабр, 22-бет.

фойдаланишга топширилди. Икки юз минг долларга сотиб олинган бу линия соатига икки тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, гўшти кадоқлаш учун уч жуфт арра ускунаси Голландиядан сотиб олинди.

Бу арра ускуналарнинг ҳар бири сменада олти-етти тонна гўшти майдалаб, кадоқлаб беради. Шунингдек, корхонага АҚШдан 137 минг доллар турадиган калбаса ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги линия сотиб олинди. 1992 йилд соатига 880 дона пирожний пиширадиган ва 2 минг дона комлет тайёрлаб берадиган иккита аппарат Украина Республикасидан олиб келтирилиб, ишга туширилди¹. Мустақиллик йилларида мавжуд имкониятлардан фойдалана олмаётган раҳбарлар эътиборсизлиги оқибатида баъзи корхоналар ҳозирги замон талабларига ва бозор иқтисодиёти шароитларига жавоб бера олмай қолди. Республика Президенти И.А.Каримов 2000 йил март ойида Сурхондарё вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам «кечаги билим, кечаги тажриба ва кечаги дунёқараш билан бугун ишлаш мумкин эмас»лигини, муаммолар ечимини топиш йўлларини вилоят ва корхона раҳбарларига кўрсатиб берган эди. Ушбу танқид Термиз гўшт корхонасига ҳам тааллуқли эди. Чунки корхона 1991 йили Голландиядан олиб келиб ўрнатилган машиналар занглаб, моғар босиб бекор туриб қолди, 1991 йилда 400 нафар ишчи ишлаган бу корхонада 2000 йилга келиб 40 нафарга яқин киши ишлади холос. Термиз шаҳар гўшт комбинати 2000 йил «Сурхонгўштеусаноатсавдо» акционерлик компанияси тасарруфида бўлиб, компанияга Ангор, Жарқўрғон, Музрабод, Денов туманларидаги чорвачилик ҳиссадорлик жамиятлари Сариосиё, Узун, Бандихон, Бойсун, Қумқўрғон туманларида, мол тайёрлов идоралари, иккита сутни қайта ишлаш заводи, Учқизил ва Ҳаким Эшонов номли жамоа хўжаликлари қарайдиган катта бир корхона бўлишига қарамасдан, корхона 2000 йилда 236 тонна гўшт ишлаб чиқарди. Корхона 2000 йилда Қассоблар уюшмаси билан биргаликда 1597 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

¹ «Халқ сўзи» гезетаси, 2000. 1 апрел.

Термиз шаҳридаги сут корхонаси 1991 йилдан бозор иқтисодиёти шароитига ўтиб ишлай бошлайди. Корхонада 1999 йилда Голландия технологияси асосида Эдем пишлоғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Цехнинг ускуналари Германиянинг «Актини» фирмаси ҳамкорлигида жиҳозланди. Заводда бир сменада бир ярим тонна сут қайта ишланиб, юз килограмм юқори сифатли пишлоқ ишлаб чиқарила бошлади.¹

Шўрчи туманида 1980 йилда ташкил этилган йирик ун заводи 1991 йилда дастгоҳларнинг бир маромда узоқ ишлаши, туфайли технологик жиҳатдан эскиришига олиб келди. Шу сабабли эҳтиёт қисмлар Россиядан келтирилди. Корхона ўз имкониятларидан келиб чиқиб, шартномада кўрсатилган эҳтиёт қисмлар ва керакли дастгоҳларнинг ярмини олишга муваффақ бўлди. Натижада корхона 1994 йилда 133 минг тоннадан кўпроқ ун ишлаб чиқарди. Омукта ем ишлаб чиқариш 5 минг 459 тоннага етказилди. Макарон тайёрлаш ҳажми 1993 йилга нисбатан бир ярим баробар кўпайиб, 1998 йилга келиб Швейцариядаги «Бюллер» фирмасининг лицензияси асосида Россияда ишлаб чиқарилган янги техникалар, асбоб-ускуналар олиб келиниб, корхонанинг олти қаватли тегирмони республикада биринчи бўлиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Янги технологиялар билан жиҳозланган, бир кеча кундузда 600 тонна донни қайта ишлайдиган тегирмонлар автомат тарзда бошқарила бошланди.

Таъмирлаш ишлари учун 280 миллион сўм жамият захираси ҳисобидан маблағ сарфланди². 2003 йилга келиб корхонада салкам саккиз юз нафар ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилган «Шўрчидон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти 2003 йил 3 миллиард 302,4 миллион сўмдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. 2003 йилда 21596 тонна, жумладан, салкам 1915 минг тонна биринчи, 772 тонна «Ўзбекистон» навли ун, 259 тонна макарон уни ишлаб чиқарди. Бундан ташқари салкам 9 минг

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2002. 1 апрел.

² Халқ сўзи, 2002. 1 апрел.

тонна чорвачиликнинг асосий озукаси ҳисобланган омукта ем, 6500 тоннадан зиёдроқ кепак тайёрлади.

Корхона ўз маҳсулотини жаҳон бозорига чиқариб сотиш имкониятига эга бўлиб, 2003 йил май ойидан бошлаб сифатли ун маҳсулотларини кўшни Афғонистон Ислам Республикасига экспорт қила бошлади. Корхона 2003 йил август ойигача 8772 тонна унни экспорт қилиш туфайли 1 млн 21.370 АҚШ доллари миқдорида даромад олди. Корхона бозор иқтисодиётига мослаша бориб бу ерда макарон, кандолатчиллик, нон-булка маҳсулотлари, тикувчилик буюмлари сингари турли йўналишларда маҳсулот ишлаб чиқариб 110 миллион сўм соф фойда олди¹.

1991–1995 йилларда озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхонаси тармоқларида янги ун тегирмонлар ишга туширилиб, 1995 йилда Қизирик туманида 4 тонна ун, 7 тонна кепак ишлаб чиқарадиган, Шерабод туманида эса кунига 20–25 тонна «Ўзбекистон» навли ун ишлаб чиқарадиган тегирмонлари ишга туширилди.

Мустақиллик йилларида корхоналарни янги техника, технология билан жиҳозлаш билан бир қаторда кўплаб янги цехлар ҳам фойдаланишга топширилди. Шўрчи вино пункти 1993 йилгача маҳсулот тайёрлайдиган корхона сифатида фаолият кўрсатган бўлса, энди эса пункт қошида вино куйадиган ва қопқоқлайдиган корхона бунёд этилди. Бу корхона ташкил этилганидан бошлаб, йилига ўртача миллион шишадан ортиқ вино қадоқлади². Денов вино, ароқ заводида янги вино куйиш цехи туширилиб, бу корхонани куриб битказиш учун 5 миллион сўм сарфланди.

Ёғ-мой саноати ҳам, бошқа жойларда бўлгани сингари, Сурхондарё воҳаси иқтисодиётида етакчи ўрин тутди. Бутун Республикада 19 та ёғ-мой корхоналари бўлиб, улар бир кеча-кундузда 11 минг 735 тонна, йилига эса 3 миллион 665 минг тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эгадир³.

¹ Сурхон тонги. 2003. 16 октябр.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 11-баённома. 1993, 6 бет.

³ Денов туман ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 1993, 18 бет.

Деновдаги «Сурхонозиқ-овқатсаноати» корхоналаридан энг йириги ҳисобланган, ёғ-мой корхонасида минг нафар яқин ишчи, хизматчи ва муҳандис-техник ходимлар ишлайди. Корхонада мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотлар дадиллик билан амалга оширилиб, асосий диққат эътибор маҳсулот сифатини ошириш, унинг рақобат бардошлигини ошириш халқимизни шу хил маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилди. Шу мақсадда бу ерда махсус дастур ишлаб чиқилди. Унда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга ишчи-хизматчиларнинг моддий манфатдорлигини ошириб бориш ўз аксини топди. 2005 йилда корхонада янги пресслаш ускуналари, компрессорлар ўрнатилди, «ўз умрини» ўтаб бўлган кўплаб эҳтиёт қисмлар янгилари билан алмаштирилди. Булар маҳсулот ҳажмини ва сифатини оширишга ёрдам берди. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин: Корхонада 2005 йилда 12128 тонна қора ёғ ва 10517 тонна оҳарланган ёғ ишлаб чиқарилди. Ҳар иккала кўрсаткич бўйича ҳам 2002 йилга нисбатан 119 фоиздан ўсишга эришилди. 2002 йил октябрида бор-йўғи 380 тонна «Ўзбекистон» навли ёғ ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилдаги ёғнинг салмоғи 2441 тоннани ташкил этди ёки 6,5 баробарга ўсиш таъминланди. 2005 йилда қадоқланган ёғ ишлаб чиқариш 208 минг шишага етказилди. Бу ҳам 2002 йилдагидан 9 минг шишага кўп деганидир.¹ 2005 йил ичида 23383 тонна шелуха ва 31739 тонна кунжара тайёрлашга эришилди. 2002 йилнинг шу даврига нисбатан шелуха ишлаб чиқариши 2382 тонна (111,3 фоиз)га кўпайиб, совун ишлаб чиқариш 2002 йилдаги 308 тоннадан 2005 йил ичида 442 тонна (143 фоиз)га етказилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 8 миллиард 45,5 миллион сўмни ташкил этди. Амалдаги режа бўйича салкам 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 баробар зиёддир. Ишлаб чиқаришдаги бундай ўсиш ишлаб чиқаришдаги техника жараёнларининг тобора такомиллашиб, янги асбоб-ускуналар ва технологик жиҳозлари ўрнатилиши натижасида 2005 йилда хориждан 5 минг

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома. 2006, 19 бет

тонна соя олиб келиниб, қайта ишланадиган бўлди. Натижада олган даромад ва соф фойда ҳам кўпайди. 2002 йил 9 миллион сўм соф фойда олинган бўлса 2005 йил ичида соф фойда 65 миллион сўмга, яъни 7,2 баробар кўпайишига эришилди. 2005 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақи миқдорини 1,5 бароварга оширишга эришилди. 2005 сентябридан бошлаб ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 34 минг сўмни ташкил этди. Агар ёғ-мой корхонада 1991 йилда солиштирма нархларда 12818 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилда 1 миллиард 681,1 миллион сўмликдан кўпроқни, 2005 йил эса халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 8 миллиард 45,5 миллион сўмни ташкил этди.¹ Шеробод туманидаги Хўжайкон туз кони корхонаси 1942 йилда ўз фаолиятини ҳунармандчилик артели сифатида бошлаган эди.² Саноат асосида туз қазиб чиқариш мустақиллик йилларида ривожланиб, корхонада дастлаб Россиядан келтирилган асбоб-ускуналар асосида цехлар ишга туширилди. 1993 йилда 1 миллион АҚШ долларига АҚШ да ишлаб чиқарилган замонавий тезкор технология келтириб ўрнатилиб, туз қазиб чиқариш уни экспорт қилиш беш-олти йил илгарига нисбатан 20-30 фоизга ошди. Корхона 1999 йилдан бошлаб 500 минг тонна техник, 100 минг тонна ош тузи ишлаб чиқарди. Бундан ташқари, ҳиссадорлик жамияти Жарқўрғон туманида жойлашган «Ховдак» йод ишлаб чиқариш заводи билан шартнома тузди. «Хўжайкон туз» ҳиссадорлик жамияти маҳсулотини 2005 йилда МДХ, Жанубий Корея, Туркия каби кўплаб давлатларга экспорт қилди.³

Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириш мақсадида кўплаб озиқ-овқат корхоналари ҳам ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Сарийосиё консерва заводи 1994 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, мулкчилик шакли ўзгарган корхона қисқа давр ичида бозор шароитининг дастлабки синовидан ўтиб, маҳсулот турлари кўпайтирилиб,

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома. 2006, 12 бет.

² Сурхон тонги. 2001. 2 май

³ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома. 2006, 14 бет

сифати яхшиланди. Бутун корхонада ўндан ортиқ турдаги мева сабзавот маҳсулотлари қайта ишланиб, консерва тайёрланди.

1995 йилнинг ўзида хиссадорлар 5 миллион банка маҳсулот ишлаб чиқариб, қарийб 70 тонна қуруқ мева тайёрланди. Корхонада мураббо тайёрлашнинг янги усули жорий этилиб, хўжаликлардан келтирилган беҳи, узум шарбати билан қайнатилиб, шифобахш қиём олинди. Шунингдек, узум донакларидан ёғ олиш йўлга қўйилди.¹

Мустақиллик йилларида Сурхондарё ўнлаб озиқ-овқат саноати корхоналари фаолият бошлади. мавжудларини эса замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари йўлга қўйилди. Шу сабабли вилоят иқтисодиётида озиқ-овқат саноати етакчи ўринни эгаллай бошлади.

Мустақиллик йилларда вилоят миқёсида амалга оширилаётган ишлар битта масалага яъни барча соҳаларда юз берган турғунлик ҳолатидан чиқишга қаратилди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг камайиб бориши, биринчидан, қишлоқ хўжалигида, иккинчидан, уни қайта ишлашга мослашган тармоқларда туб ўзгаришлар қилинишини обектив заруриятга айлантириб қўйди. Мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабалани қондириш мақсадида 1996 йил апрелда Сурхондарё вилояти кўп тармоқли кичик ва ўрта корхоналар уюшмаси ташкил этилди. Натижада вилоятда аҳолини кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган мой, туз, ун каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Масалан, Термиз шаҳридаги озиқ-овқат саноат корхоналари 37 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарди.² Чунки Собиқ шўро ҳокимияти даврида озиқ-овқат маҳсулотларининг марказлаштирилган тарзда келтирилиши оқибатида кичик корхоналар, хусусан, тегирмон, мойжувоз, хунармадчилик устахоналари каби тармоқлар иши тўхтаб қолган эди. Аммо собиқ иттифоқ парчалангандан кейин

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома. 1995, 14 бет

² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1996. 17-бет.

аҳолининг ун, мой, совун, гугурт сингари кундалик эҳтиёж молларига талабини қондириш оғирлашди. Мустақилликнинг дастлабки даврдан эътиборан корхоналар фаолиятини жонлантириш зарурлигини Республикамиз раҳбарияти алоҳида ҳисобга олиб, хунармандчилик корхоналар иш фаолиятини ривожлантириш учун барча шароитларни яратиб берди.

Маълумки, Ўзбекистонга собиқ иттифоқ давридаги ижтимоий мулкчиликнинг фақат икки шакли, яъни умумхалқ мулки деб аталувчи давлат мулки ва колхоз-кооператив мулки дастлабки даврида мерос бўлиб ўтди.

Ўша даврларда мулк тузилишида давлат мулкининг салмоғи 90 фоизни ташкил этган бўлса, колхоз кооператив мулки ҳиссасига атига 10 фоизига тўғри келган. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин унинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар руй берди, эски чекланишлар ва тўсиқлар бартараф этилди. Мустақил Ўзбекистонда давлатнинг мавжуд имкониятларидан максимал фойдаланишга, халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилди.¹

Бунинг учун, энг аввал, катта салмоқга эга бўлган давлат мулкини шаклини ўзгартириш туфайли самарали ҳамда ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётининг вужудга келиши учун шарт-шароитлар яратилди. Ушбу масала Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган 1992 йил «Мулк тўғрисида»ги қонуни билан янада мустаҳкамланди. Қабул қилинган қонун халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи хусусий ва шахсий мулкка рухсат берилди. Айни вақтда уларнинг барча шакллари даҳлсиз бўлишга ва ривожланиши учун тенг шароит яратилишига кафолат бериш кўрсатилди.

¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, биринчи китоб, -Термиз. 1996. 19-бет.

1990 йилларда Вилоят қишлоқларида кўплаб тегирмонлар қурилиб, Қизирик туманида дон қабул қилиш корхонаси ишга туширилди. Ушбу корхона аҳолининг эҳтиёжига яраша ун ишлаб чиқара бошлади. Денов туманинг Чуқуркўл қишлоғида электр қуввати билан ишлайдиган янги тегирмон, Узун туманинг «Гулистон»жамоа хўжалигида иш бошлаган тегирмон кунига 3-5 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Шўрчи туманинг «Т.Бердиев» номли хўжалигида «Бобоқул» корхонаси ташкил этилиб, ўнлаб кишиларни фойдали меҳнатга жалб қилиб, корхона кунига 25 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди.¹

Вилоят қишлоқларида тегирмонлар қуриладиган бир паллада шаҳар аҳолисининг нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида янги нон корхоналари қурилиб ишга туширила бошлади. Хусусан, Термиз шаҳрининг 5-кичик даҳасида Германия Республикасининг «Венклер» фирмасидан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилган янги иссиқ нон корхонаси ишга туширилди. Ушбу корхона «Сурхондон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш давлат хиссадорлик уюшмаси тасарруфида бўлиб, бир кеча кундузда шаҳарликларга 5 тоннагача ҳар-хил нон маҳсулотлари тайёрлаб берди. Шундай янги нон корхоналари Денов, Жарқўргон, Шўрчи, Музрабод туманлари марказларида ҳам қурилиб ишга тушурилди.²

Шунингдек, вилоятнинг матлубот жамиятлари қошида макарон, қандолат, яхна ичимликлар тайёрлайдиган корхоналари қурилди. Қумқўргон туманидаги «Сафар Бойматов» номли жамоа хўжалигида маҳаллий саноатни ривожлантиришга кенг эътибор берилиб, айниқса мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг бу ерда бир неча корхона бунёд этилди. Агар 1992 йилда консерва заводи қурилиб ишга туширилган бўлса, 1993 йилдан бошлаб жамоа бошқарувининг ташаббуси билан завод қошида шакар ишлаб чиқариш

¹ Сурхондарё ВДА, 454-ж, 3-р, 206-иш, 7-в.

² Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилоят. -Қарши.: Насаф» 1996. 44-бет.

режалаштирилди. Хўжалик вилоятда биринчи бўлиб қанд лавлаги етиштиришга киришди¹.

Мустақиллик йилларида вилоятда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилди. 1994 йилда Денов озиқ-овқат комбинати Германиянинг «Кронисак» фирмаси билан ҳамкорликда салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхона қурилишини бошлади. Бу қўшма корхона қурилиб ишга туширилгач, юзлаб янги иш ўринлари юзага келди².

Шароф Рашидов номидаги «Шўрчи дон маҳсулотлари» хиссадорлик жамиятида 1997 йилда катта ҳажмдаги қайта жиҳозлаш ишлари бажарилиб, 284 миллион 978 минг сўм сарфланди. Ун комбинатида Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси технологияси асосида ишлайдиган 24 та асбоб-ускуна ўрнатилди.

Мазкур корхонада 1997 йилда 86,1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, жумладан, 49 миллион 260,3 минг сўм соф фойда олди. Ҳар бир акцияга 620 сўмдан дивиденд тўланди. 1997 жами 64224,5 минг тонна ун, жумладан, 804,5 тонна макарон уни, 1557,5 тонна олий, 38526,5 тонна биринчи, 3698,3 тонна иккинчи, 14661,7 тонна «Ўзбекистон» навли ун, 723 тонна макарон, 31358 тонна омухта ем тайёрланди.³

1998 йилда Шароф Рашидов номидаги «Шўрчи дон маҳсулотлари» хиссадорлик жамиятида қайта жиҳозлаш ишлари давом эттирилиб, Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси технологияси асосида тайёрланган дон майдалайдиган 24 та асбоб-ускуна келтирилиб ўрнатилиши натижасида корхонада иш самарадорлигини ошириб, тегирмондан чиқарилаётган уннинг 78 фоизини биринчи нав, 40 фоизини олий нав қилиб чиқариш имкониятига эришилди. Ун корхонасининг қуввати кунига 220 тонна донни унга айлантиришга етказилди.⁴

¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, биринчи китоб, -Термиз. 1996. 27-бет.

² «Ишонч» газетаси, 1997, 20 февраль

³ Шўрчи туман ҳокимлиги жорий архиви, 4-баённома, 7-ҳужжат, 1998. 17 апрел, 18-бет.

⁴ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, биринчи китоб, -Термиз., 1998. 30 декабр, 48 бет

Вилоят иқтисодийотидаги муҳим тармоқларидан бири ёқилғи-энергетика мажмуи ҳам иқтисодийотнинг таянчи хисобланади. Чунки халқ хўжалигининг қайси бир тармоғини олманг у энергиясиз, ёқилғисиз фаолият кўрсата олмайди. Иқтисодий тараққийот ёқилғи энергетика балансида нефт, табиий газ, ва нефт маҳсулотлари 81 фоизини, электр энергияси 13 фоизини ва кўмир 6 фоизини ташкил этади.

Сурхондарё вилоятида нефть маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун янги технологиядан кенг фойдаланиб, Лалмикор, Миршоди, Кўштор, Амударё, Ховдак худудларидаги конларда «Жарқўргон нефть» бошқармасининг 400 га яқин ишчилари хизмат қилади. Олтинсой туманидаги Миршоди нефт конида Шўрчи эстакадаси ишга туширилиб, ўртача ҳар куни 200 тонна нефть хом – ашёси темир йўл орқали Бухоро ва Фарғонага етказиб берилди.

Натижада 12 йил давомида мавжуд бўлган ташвишларга чек қўйилиб, тадбиркорлик туфайли махсус машиналар 40-45 км масофа йўл босиб Қумқўргон эстакадасига қатнамайдиган бўлди.¹ Бу эса бозор шароитда самарадорликни оширишга хизмат қилди. 1998 йилда Жарқўргон нефт бошқармаси нефтчилари 78240 тонна ёки белгиланганидан 320 тонна зиёд нефт ишлаб чиқаришди. 1998 йилда жами 134500,0 тонна нефт қазиб олинди. Газ ишлаб чиқариш режаси 102 фоизга, 3 миллион 554 минг сўм зиёди билан уддаланди.

1996 йилдан Сурхондарёдаги нефт конларининг оқова сувларидан йод олиш масаласи илмий асосланиб, 1997 йил Жарқўргон туманидаги Ховдак кудуқларидан 8 тонна оқова сув Тошкентдаги илмий-текшириш марказига олиб борилиб, олимлар, муҳандис-техниклар, тиббийот ходимлари Республика давлат фан ва техник қўмитасида тадқиқотлар олиб борилиб, Ховдак йодни ишлаб чиқаришга эришилди. Натижада йод ишлаб чиқариш ишлари тўхтовсиз олиб борилиши натижасида 1997 йил ноябр ойининг охирида Ховдакдан дастлабки йод олинди. Бу объектда кунига 1 килограмм йод

¹ «Сурхон тонги» газетаси, 1997, 2 декабр.

пастаси олишга эришилди.¹ Республикада биринчи бўлиб, Сурхондарё вилоятида нефт қудуқларидан чиқаётган оқова сувлардан йод олиш йўлга қўйилди.

Қимматбаҳо йод моддасининг Сурхон заминида топилиши ва унинг тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилишида Термиз давлат университети кимё факультети олимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Нефть корхоналарининг оқова сувларидан йод олиш таклифи ҳам дастлаб Университет олимлари томонидан билдирилган эди.² Ховдак нефт конларидаги 2500 метр чуқурликдан чиқаётган нефть сувидан йод пастаси ишлаб чиқадиган асосий воситаларнинг қиймати 20 миллион сўмга етиб, заводнинг ишга туширилиши натижасида йод борасидаги муаммоларни Ховдакдаги йод заводи ҳал қилди. 1997 йилда заводда бир ҳафтада 50 кг йод пастаси олиб, 1997 йил 3,3 ярим тонна кристал йод тайёрланди. Йод пастаси Тошкентга олиб борилиб, кристал йодга айлантирилди. (Бир килограмм кристал йоднинг жаҳон бозоридаги баҳоси 60 минг доллар бўлди). Мутахассисларнинг фикрича, Республикада ҳар бир кишининг кундалик йодга бўлган эҳтиёжи 100-200 мкгга ни ташкил этади.³ Бу миқдордаги йодни у асосан истемол қилган озиқ-овқат маҳсулотларидан олади. Киши организмида йодга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳукуматимиз ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг сайи ҳаракати билан ош тузини йодлаш орқали хасталикнинг олдини олишга ҳаракат қилинди. Мустақиллигимизнинг дастлабки даврида қабул қилинган Республика қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Президент фармони муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Сурхондарё нефть ва газ ходимлари вилоят аҳолисини газ билан таъминлаш ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида, 1991 йил вилоятда 5 миллион кубометр табиий газ қазиб олиб, истеъмолчиларга етказиб берди. 1993 йилда газ олиш бўйича йиллик режа

¹ Сурхон тонги. 1997. 10 декабр.

² Халқ сўзи. 2000. 7 январ.

³ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1997. 124-бет.

101,3 фоизга бажарилди, режадан ташқари 122 минг кубометр газ қазиб олинди.¹

2005 йилда Қумқўргон туманидаги Лалмикор нефть қонида йилига 2 миллион кубометр газ қазиб олиниб, қонларда ишлаётган мутахассиларни қатта билим ва маҳорати ошиб борди. 2005 йил Лалмикор газ қонида 8 нафар, Қўшторда 3 нафар, Миршоди нефть қонида 14 нафар олий маълумотли мутахассислар ишлади. 2005 йили қурилиш бошлаган Шўртон-Шерабод газ магистрали қурилишнинг 1-босқичи 2003 йил августда яқунланди. Шўртандан тортилган қувурлар Бойсун туманидаги газ тармоғига уланди. Бу қалқам 190 километрлик масофани ташқил этди. Газ тармоғи Қелиф-Душанбе магистралига уланди. Шўртон-Шерабод трассаси деб аталувчи ушбу магистрал тўлиқ ишга тушиб, Сурхондарё вилоятида газ таъминоти янада яхшиланди. Магистрал қурилишини амалга оширишган Ўзнефтьгазқурилиш ҳиссадорлик қомпанияси 23 миллиард сўмлик иш бажарди.²

Бу ишда Узтрактгаз, Узавтойўл, Бухорогазсаноат қурилиш қаби қўплаб пудратчи ташқилот ва ҳиссадорлик жамиятлари қурувчиларининг улуши қатта бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Узбекнефтьгаз нефть ва газ саноати миллий қоорпорақиясини Ўзбекнефть миллий Холдинг қомпаниясига айлантириш тўғрисидаги 1998 йил 11-декабрдаги Президент фармониға мувофиқ мамлақатимиз нефть ва газ саноати соҳасида ташқилий ўзғаришлар амалга оширилди. Бу ўзғаришлар нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмларини қўпайтириш, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда ташиш самарадорлиғини ошириш хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, Республика нефть ва газ саноатида бозор муносабатларини ривожлантириш, нефть газ тармоғини бошқариш тузилмасини тақомиллаштиришни мақсад қилиб қўйди. 1999 йил апрелдан бошлаб Сурхондарёгазсаноат қомпанияси Жарқўргоннефть жамиятиға

¹ Сурхондарё вилояти ҳоқимлиғи Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, иккинчи қитоб, -Термиз. 2006. 22-бет.

² «Халқ сўзи» газетаси. 1998. 12 декабр.

айлантирилди. Жарқўрғоннефть жамияти 1997 йилда 9119675 тонна, 1998 йилда 9254175 тонна нефт қазиб чиқарган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 9 млн 9391825 тоннани ташкил қилди¹.

Мустақиллик йилларида воҳада энгил озик-овқат саноати билан бир каторда ёқилғи энергетика мажмуи ривожиди ҳам маълум бир ишлар амалга оширилди. Республикамиз ва вилоятда энг рентабелли соҳа ҳисобланган Шарғун кўмир шахтаси қайта таъмирланиши ва янги ускуналарни ўрнатиш натижасида сифатли кўмир маҳсулотларни қазиб олина бошлади. Шарғун шахтаси Осма сим йўлининг узунлиги жиҳатидан МДХ ва Европада етакчи ўринда бўлиб, ишлаб чиқарилаётган гипс сифати жиҳатидан эса жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Шахта 1958 йилда фойдаланишга топширилган эди.² Шахта кончилари томонидан 1998 йилда истеъмолчиларга 71 минг тонна кўмир етказиб берилди.³

Конда янги замонавий асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши туфайли олдинги йилларга нисбатан кўмир қазиб олиш ишлари анча жадаллашди. 1998 йилга келиб, шахтиёрнинг ойлик иш ҳаққи ўртача 10-15 минг сўмни ташкил қилди.

Шарғун шахтасида ўтган қирқ йил ичида Ҳисор тоғлари бағридан 6 миллион 650 минг тонна кўмир қазиб олиниб, истеъмолчиларга етказиб берилди. 1998 йилда шахтада 400 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилишди. Улар кучи билан ўртача кўмир қазиб олиш ҳажми 400-500 тоннага, брекет ишлаб чиқариш 300-350 тоннага етказилди. Осма сим йўли ва автогараж шахтанинг асосий ёрдамчи хўжаликлари ҳисобланиб, улар ёрдамида қазиб олинган кўмирнинг 1998 йилда 24 минг тоннаси осма сим йўли билан ва 15 минг тоннаси автотранспорт ёрдамида ташиб олинди. Илгари ҳар бир тонна бирикетга 5 минг сўмлик битум аралаштирилиши маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатар эди. 1998 йилда эса битум ўрнига ёғ-мой камбинатлари чиқити гидрондан фойдаланила бошланди.

¹ «Жарқўрғоннефт» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлигининг ҳисоботларидан., корхона жорий архиви, 2000 йил, 3 ҳужжат, 34 бет.

² «Сурхон тонги» газетаси. 1998. 27 август

³ «Правда Востока» газета. 1999. 5 февраль

Унинг ҳар тоннаси 1200 сўмдан харид қилиниб, унга оҳак аралаштирилди. Шунинг учун Шахта Шарғун шахридаги оҳак куйдириш цехи билан шартнома тузди. Шахтанинг «Дальний» учаскасидан гипс ва оҳак учун тош қазиб олиб, ундан қисман оҳак куйдириш цехга етказиб берилиши натижасида жамоа бепул оҳак олишга мувоффақ бўлди. Олинган оҳак ёрдамида гудронни ўртача қаттиқ қотишма ҳолатига келтириб ундан бирикет тайёрланди.

Бундан ташқари шахтада бир неча йилдан буён бозор иқти-содиёти шароитларидан келиб чиққан ҳолда калцийли карбит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Буни яхши йўлга қўйиш учун Горњняк номли кичик корхона ташкил этилди.¹ Унга Ленинград шахридан келтирилган карбит ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилди. 1998 йилга келиб корхона директори Чори Очилдиев кичкина баробанли қуришиш ускунаси ихтиро қилди. Шахтада кўмир майдасининг очиқ ҳавода қолип кетиши туфайли унинг намлиги ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, бунинг олдини олиш мақсадида каттагина бостирма ҳам қуриш ишлари жадал олиб борилди. Шарғун шахтасидан қазиб олинаётган кўмир ва ишлаб чиқарилаётган бирикетга истеъмолчилар талаби тобора ошиб борди. Унга асосий харидорлар: соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва Мудофаа Вазирликлари, Ўзбекистон темир йўллари ва вилоятдаги ғишт заводлари ҳисобланади. Шунингдек, шахтада Шахтиёрлар сулоласи анъанаси давом этиб келмоқда. Бунда Хурсандов, Хасанов, Абдиевларнинг оилалари мисол бўлади. Кончилик саноати ҳақида Президент И.Каримов тўхталиб, шундай деган эди: «Ўзбекистон катта кўмир захираларига эга. Унинг геологик захиралари буйича Марказий Осиёда 2-ўринда туради. Ўзбекистонда Ангрэн, Шарғун ва Бойсун конларида кўмир қазиб чиқарилади. Уларнинг умумий захираси 2 миллиард тоннани ташкил этади.²

1999 йилда Шарғундаги кўмир ишлаб чиқариш корхонасига Франциядан конларни қазиш ва юклашда ишлатиладиган янги жиҳоз ва ускуналар олиб

¹ Сарносиё туман ҳокимлиги, жорий архиви, 2-баённомаси, 1997 й, 4 феврал. 17 бет

² «Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» -Т., «Ўзбекистон» 1997 й. 236 бет».

келиб ўрнатилди. Қисқа вақт ичида Шарғун кўмир кони СССР даврида кунига 5 минг тонна кўмир ишлаб чиқарган бўлса, Франциядан келтирилган жиҳоз-ускуналар фойдаланишга топширилгандан сўнг 50 минг тонна кўмир ишлаб чиқари қувватига эга бўлди.¹

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги янги инвестицион лойиҳаларни танлашда ва уларни жойлаштиришда, саноат жиҳатидан суғуриб бериб келинган жойларда кўпроқ ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан тайёр маҳсулотлар, кўпроқ экспортбоп моллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, Бойсуннинг Тўда кўмир кони ўзининг активлиги билан жаҳонда етакчи ўринларда туради. Кўмирнинг кулчанглиги 10 фоизгача бўлган қисмидан ноёб активлашган хом-ашё ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси қурилиб, зарур хом-ашёни истеъмолчиларга етказиб берувчи корхона 2001 йилда ташкил этилди. Шу вақтга қадар Ўзбекистонга ҳар йили 120 тонна активлашган кўмир четдан валюта ҳисобига сотиб олиб келтирилар эди. Четдан сотиб олинган ҳар бир тонна хом-ашёнинг жаҳон бозоридаги нархи 1200 АҚШ долларига тенг эди. Демак, Бойсунда активлашган кўмирни ишлаб чиқарувчи корхонанинг бунёд этилиши республика олдидаги ҳаётий муаммони ҳал этишда муҳим роль ўйнади.²

2003 йил 28 январдаги Тошғузар-Бойсун-Қумкўргон темир йўлини қуриши ҳақидаги фармони, туфайли салкам асрлар бўйи орзу бўлиб келаётган ишларга қўл урилди. Бойсун туманидаги Тўда кўмир конида 1996 йилда 13 минг тонна кўмир қазиб олиниб, конда 120 кишилик жамоа хизмат қилди.

Конда 3 йўналиш бўйича маҳсулот қазиб олиниб, кунига 40-50 тонна кўмир ишлаб чиқарилиб, Бойсун тумани эҳтиёжи учун йилига 10 минг тонна

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома., 4-ҳужжат, 1999. 23 июн, 18-бет

² «Бойсун овози» газетаси, 2001, 1 сентябрь.

кумир тайёрланади. Асосий истеъмолчилар эса тумандаги ташкилот, корхоналар ва аҳолидир. Конда 2005 йилда асосий муаммо сақланиб турибди. Бу тайёрланган маҳсулотни кондан олиб кетиш ва истеъмолчиларга етказиш муаммосидир.¹

Мутахассислар аниқлаб, харитага тушириб берилган кон захираси 29 миллион тоннани ташкил этиб, бу захира 300 йилга етади. Тўда кўмир конида казиб олинаётган маҳсулот махсус мосламалар ёрдамида портлатилади. Сўнг эса майдаланган кўмир вагончалар билан ташқарига чиқарилади. Натижада маҳсулотнинг 70 фоизга яқини майда кўмир ва кукундан иборат бўлади. Бу эса кўпинча харидларнинг ва истеъмолчининг талабига жавоб бермайди.

Шунинг учун кон маъмурияти Ўзбекистон 1996 йил «АК Кўмир» акционерлик жамияти ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Кимё институти олимлари билан ҳамкорликда ушбу ишнинг техник ва иқтисодий асослари ҳамда технологиясини ишлаб чиқишди ҳамда бунинг учун махсус сертификат олинди. 2002 йилда Тўдада кичик брикет корхонаси қуришга киришилиб, 2002 йил мустақиллик байрами арафасида 58 миллион сўмлик брикет корхонаси бунёд этилди. Натижада 18 киши иш билан таъминланди. Брикет корхонасининг қуввати йилига 8 минг тоннани ташкил қилди.² Брикетнинг қулайлиги шундаки, дунёнинг исталган нуқтасига олиб кетишга мўлжалланган. Ҳар бири 2 кг бўлган брикет ғишлари бугунги кун талабларига тўла жавоб беради. Иккинчидан, бошқа конлардаги Брикетга мазут кўшилади ва ундан қўлланса ҳид чиқади, мўрини тезда қурим босиб қолади. Бу эса экологик жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Бойсун кўмирига эса маҳаллий маҳсулот ва Денов ёғ заводидан совун чиқиндиси «Соалсток» аралашмаси олиб келиб қўшилади. Бу ғишларнинг 18 фоизни, намлиги 7 фоизни, иссиқлик қуввати 6,2 кг. калорияни, оғирлиги 2 кг ни ташкил этади. Бойсун кўмири 8 ярим кг. калориягача иссиқлик бера олади.

¹ Бойсун тумани ҳокимлиги, жорий архиви, 2-баённома, 2006 й, 5 бет. 3-ҳужжат.

² Сурхон тонги. 1997. 4 феврал.

Мамлакатимиздаги Ангрён, Шарғун кўмирлари 3 ярим кг килокалория иссиқлик бериши имконига эга.¹

Хулоса қилиб айтганда, Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида ҳам замонавий, жаҳон андозаларига тўғри келадиган корхоналар қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Мустақиллик йилларида, вилоятда саноат корхоналари мураккаб технологик жараёнлар билан жиҳозланиши натижасида йод, пилла, кўмир, газ ҳамда, енгил ва озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Вилоятда янги-янги корхоналарнинг қурилиши, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлашуви, қишлоқда саноат корхоналарининг кириб келиши натижасида вилоятнинг инфраструктураси тубдан яхшиланди. Вилоят саноатининг ишлаб чиқариш таркиби ўзгариб, қишлоқ хўжалиги хомашёси ва минерал ресурсларини қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш имконияти яратилди. Шунингдек, корхоналар ўзини-ўзи тиклаш имкониятига эга бўлиб, бозор талабидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сотиш эвазига, уларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш имконияти яратилди. Вилоятда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган саноатни ислоҳ қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларга асосланиб, 1991-1995 йилларда саноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш, қайта таъмирлаш, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, саноатни мунтазам ишлаш босқичи таъминланди. 1996-2000 йилларда саноатни мутахассис ва ишчи ходимлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватини оширишда янги технологик жараёнлардан кенг қўлланилди. 2000-2005 йилларда саноат маҳсулотларининг янги турлари яратилиб, жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Саноатнинг ривожланиши соҳасида Сурхондарё вилояти республикада етакчи ҳудудларга айланиб, янги саноат корхоналарини қуриш ва ишга тушириш имкониятлари яратилди.

¹ Бойсун тумани ҳокимлиги, жорий архиви, 2-баённома, 2006 й, 9 бет. 3-ҳужжат

2. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ташкил этилиши ҳамда саноат иншоотларининг қурилишида чет эл сармоядорларининг иштироки.

Иттифоқнинг парчаланиб кетиши шаклланган иқтисодий алоқаларнинг деярли узилишига олиб келди. Моддий-техник таъминот ўзаро банк ҳисоб, китобини мураккаблашганлиги Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлди. Алоқалар узулиши натижасида мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда бир қатор корхоналар қисқартирилган ҳолда ишлади. Айримлари эса бутунлай ишламай қолди. Ишчи ва хизматчилар мажбурий таътилга чиқарилиб, ишсизлар сафига кўшилдилар. Мустақилликнинг дастлабки йилларига юзага келган бу аҳвол, биринчидан, аҳоли орасида ишсизликнинг ортиб боришига; иккинчидан халқ истеъмол молларининг тақчиллигига, дўконлар пештахталарининг бўшаб қолишига; учинчидан эса харид қилинадиган керакли истеъмол молларининг йўқлигига пулнинг кадрсизланиб боришига олиб келди. Ислохотлар жараёнида нархларни эркинлаштириш, бозор иқтисодиёти томон қўйилган жиддий қадам бўлди, чунки бозор нархларига амал қилиш иқтисодиётнинг муҳим шарти эди. Бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шарти кўп укладли иқтисодиётни, яъни мулкчиликнинг турли шаклларни юзага келтиришдан иборатдир. “Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади”- деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов.¹ Бу масала мустабид совет тузумидан кейин бозор муносабатлари йўлини танлаган мамлакатимиз учун долзарб масала бўлиб, янги жамиятда янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиш масаласидаги муҳим қадам эди. Ўзбекистонда хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини яратиш, умумбозор иқтисодиётга ўтишнинг биринчи босқичи (1992-1993 йиллар) кичик корхоналар ва турар жой фондини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., 1995 йил, 43 бет.

минимал нархларда хусусийлаштириш.иккинчи босқичи (1994-1995 йиллар) кичик ва ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштириш, учинчи босқичи хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш жараёнини орқали иқтисодиётга кўп укладликни ва рақобат муҳитини қарор топтиришга эришилди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ва бошқа асарларида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш ва мулкдорлар синфини шакллантириш мамлакат иқтисодиётидаги ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ўрнига юксак баҳо берган.

«Кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағ сарфини кам талаб қилиши, ихчамлиги, зарур тамойилга тез мослаша олиши туфайли ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турларини тез-тез ўзгартира олиши, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга»-дейди Президент Ислам Каримов.¹

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари жамиятда эркин тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривож топишига, иқтисодий тараққиётимизда у ҳал этувчи ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратиб келади. Бунинг биринчи сабаби, ўз вақтида Амир Темур таъкидлаганидек, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир.

Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожини таъмин этадиган табиий ва иқтисодий шарт-шароитлар мамлакатимизда мавжуд. Бу соҳа бирламчи ҳаётий эҳтиёжларни тезкорлик билан ҳал этишда, бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, монополлашган иқтисодиётдан эркин бозор шароитига ўтишда-рақобат муҳитини шакллантиришда бу бирдан-бир самарали ва оқилона йўлдир.

¹ Халқ сўзи. 2002. 17 сентябр.

Мустақилликнинг дастлабки давридан вилоят иқтисодиётида хусусан, энгил саноатда янги тармоқ бўлган қўшма корхоналар ташкил топиб, ишбилармонлик билан шуғулланмоқчи бўлган инсон учун имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII-сессиясида 1991 йил 18-ноябрда қабул қилинган мулкни «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Давлат уй-жой» фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги (1993 йил 7 май) қонунлари ва 20 дан ортиқ махсус давлат дастурлари асосида мулкчилик шаклини ўзгартириш соҳасидаги ишлар босқичма-босқич ишлаб чиқарилди ва амалга оширилиши белгилаб қўйилди.¹

Сурхондарё вилоятида ҳам хусусийлаштириш дастурига асосан амалий ишлар олиб борилиб, 1992-1994 йилнинг 25 майига қадар 1364 та корхона ва 5104 та объект хусусийлаштирилди. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг 1112 таси оилавий шахсий корхоналарга, 113 таси очиқ турдаги хиссадорлик жамиятларига, 115 таси жамоа мулкига айлантирилди.²

Термизда «Турон» номли кичик корхонасида Туркиядан келтирилган дастгоҳларда тўқилаётган гиламларнинг сифати яхши бўлиб, тўқилаётган маҳсулотга талаб катта бўлди. «Турон» кичик корхонасига Шимолий Кавказдаги Минводи, Пятигорск шаҳарларидан ип йигирув машиналари сотиб олиб келиниб ўрнатилди.³ Бундан ташқари кунига юз метрдан зиёд газлама тайёрланиб, ундан эркаклар ва аёллар учун кийим-кечакларини тикиш ҳам йўлга қўйилди.⁴

Хусусийлаштириш жараёнининг биринчи босқичи (1992-1993 йиллар)да вилоятнинг қатор туманларида кичик корхоналар ташкил топди. Булар жумласига Денов туманидаги «Эрк», Қизириқ туманидаги, «Барокат», Шерабод туманидаги «Умид» ва «Орзу», Сариосиё туманидаги «Мукамал» номли кичик корхоналар киради. Бойсунда тикувчилик цехи 1993 йили

¹ Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун. –Т., «Ўқитувчи», 2003 йил, 137 бет.

² Сурхондарё ВДА, 454-ж, 3-р, 412-иш, 29-в.

³ Халқ сўзи газетаси. 1995. 20 январ.

⁴ Халқ сўзи газетаси 1995. 7 феврал.

фойдаланишга топширилиб, бозор муносабатларига ўтиш амалга оширилаётган пайтда бу ерда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари кенгайди. Халқ хўжалиги тараққиётига катта ёрдам берувчи кичик корхоналар сони йилдан-йилга ошиб борди. 1994 йилда Шўрчи пахта тозалаш заводи қошида пиллани қайта ишловчи цех ишга туширилди. Ҳар томонлама қулай бинода ўрнатилган «КС-10» маркали дастгоҳлар ишчи қизларнинг малакасини оширишда жуда қўл келди. Шарғун чинни идишлар цехи, Шарғунда кўмир кони бошқармасига қарашли ишчилар таъминоти буюртмасига асосан беш ой ичида «Тоқчиён» жамоа хўжалиги чинни буюмлар ишлаб чиқариш цехи қурилиб, ишга туширилди. Бу цех қурилишида асосий пудратчи ташкилот Шарғун шаҳридаги иккинчи машиналашган кўчма жамланманинг хизмати беқиёс катта бўлди.

1992 йилда Шерободдаги Э.Бердиев номли давлат хўжалигида «Гулистон» кичик мебель корхонаси иш бошлаб, бу корхона 1992 йил мобайнида 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 1992 йил кичик корхона 3 миллион сўмлик мебель тайёрлади. Бу корхонада ишлайдиган моҳир уста ва тикувчилардан Бахтиёр Бобоқулов, Баҳодир Усмонов, Бибинор Хўжанова, Фазилат Расуловалар салмоқли хисса қўшдилар.¹

Сариосиё туманида саноат савдо ишлаб чиқариш комбинатига қарашли гилам цехи 1993 йил июль ойида ишга тушиб, цехга Хуррам Назаров раҳбарлик қилди. У ерда 6 та дастгоҳ ёрдамида илғор тўкувчилардан М.Соралиева, М.Жабборова, Р.Холова, Н.Исмоиловалар ойлик режаларини 1,52 фоиз билан бажардилар. 1993 йилнинг охиригача яна 4 та дастгоҳ фойдаланишга топширилиб, цех қошида бичиш ва тикиш хоналари ҳам очилди.²

Аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини қондириш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида хусусий кохоналар фаолиятига ҳам воҳада кенг ўрин берилди. «Ўзбекистон Республикасида хусусий

¹ Шеробод туман ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 2-хужжат, 1993. 24 декабрь, 13 бет.

² Сурхондарё ВДА, 95-ж, 1-р, 114-иш, 59-в.

тадбиркорлик тўғрисидаги низомга мувофиқ, хусусий тадбиркорлик алоҳида бир киши ёки кишилар гуруҳи томонидан шахсий даромад ёки фойда олиш учун ўз мулкый жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида, ёлланма меҳнатни жалб қилган ҳолда амалга оширилувчи ташаббускорлик хўжалик фаолиятини англатади. Мана шундай хусусий корхоналар вилоятда ҳам ташкил этила бошланди. Сариосиё тумани «Й.Охунбобоев» номли жамоа хўжалигида 1996 йилда «Шойим» хунармандчилик фирмаси ташкил топди ва у машҳур усталарни ўзига бирлаштирди. Корхона туман аҳолисининг хунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, иккинчидан, усталар томонидан яратилган бежирим маҳсулотларни вилоятдан ташқарига олиб чиқиш, учинчидан, Сурхон воҳаси хунармандларининг қобилиятини, салоҳиятини дунёга таништиришдан иборат вазифаларни бажара бошлади.¹

Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланишга рухсат берилиши натижасида хунарманд усталар учун кенг имкониятлар яратилди. Уларнинг самарали ишлашлари учун эса Ўзбекистонда моддий хом ашёлар етарлича таъминлаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги (1741 сонли) «Халқ бадий хунармандчилигини ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлар ва Қарорлар Ўзбекистон Республикасида хунармандчиликнинг қайтадан ташкил топиши ва ривожланиши учун муҳим омил бўлди. 1997 йил мартда Термиз шаҳрида «Ташаббус-96» кўрик танлови ва вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтиб,² «Энг яхши хунарманд» танлови бўйича Жарқўрғон туманидаги болалар халқ ижодиёти хусусий мактаб раҳбари Галина Бўроновага биринчи ўрин, Шерободлик кулолчилик

¹ С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов Сурхондарё тарих кўзгусида -Т.: «Шарк», 2001. 321 бет.

² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1998. 130-бет.

корхонаси рассоми Қудрат Асроровга иккинчи ўрин, Сариосиёлик ёғоч ўймакорлиги устаси Абдулла Миродиловга учинчи ўрин берилди. Бу танловда биринчи ўринни олганлар учун 6,5 миллион сўм, иккинчи ўринга 3 миллион сўм, учинчи ўринга 2 миллион сўмгача имтиёзли кредит берилди. 1998 йил январида Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси ташкил қилинди.¹ Сурхондарё вилоятида эса «Хунарманд» уюшмаси 1998 йилнинг январида ташкил топиб, уюшма йигирма турдан кўпроқ хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, вилоят, республикамик санатининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Вилоят хунармандлари хунармандчиликнинг сифат даражасини юқори кўтариш мақсадида хунармандчилик буюмларини чиқаришга киришди.²

1993 йилда Қумқўрғон туманида «Қумқўрғон» кичик корхонаси ташкил этилиб, 4 та ихтисослаштирилган савдо дўконлари ва 3 та гилам тўқиш цеҳи ҳам иш бошлади.³

1993 йилда Денов тумани пахта тозалаш заводи қошида ёғ ишлаб чиқариш цеҳи ишга туширилиб, бу цеҳ замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, бир кеча кундузда 5 тоннагача ёғ маҳсулот бериш қувватига эга бўлди.⁴

1994 йилда Шерободда Россия билан ҳамкорликда замонавий автомобилларга газ қуйиш шохобчаси қурилиб ишга туширилди ва шаҳобча бир кеча-кундузда 250 та автомобилни ёнилғи билан таъминлай бошлади.⁵

1994 йилда Узун туманида Хитой билан ҳамкорликда «Азамат» фирмасига қарашли хусусий нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этилди ва корхона ҳар куни 5 тоннадан кўпроқ нон маҳсулотини истеъмолчиларга етказиб берилди.⁶

Мустақилликнинг дастлабки йиллари вилоятда 1700 га яқин хусусий, 700 га яқин кичик корхона фаолият юритди.

¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Термиз. 1998. 148-бет.

² Сурхон тонги, 1997. 4 март.

³ Қумқўрғон туман ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 2 хужжат, 1994, 10 феврал, 7 бет.

⁴ Сурхондарё ВДА, 313-ж, 1-р, 34-иш, 42 в.

⁵ Шеробод туман ҳокимлиги, жорий архиви, 5 баённома, 3 хужжат, 1994. 3 май, 9 бет

⁶ Узун туман ҳокимлиги, жорий архиви, 10-баённома, 1 хужжат, 1994. 24 октябрь 14 бет

1994 йилда Бойсуннинг «Работ» жамоа хўжалигида гилам тўқиш ва кигиз тайёрлаш цехи ишга тушиб, Ишчилар сони эса 18 нафарга етди,¹ Бойсунда 1994 йилда 22 та корхоналар ва 49 та кичик корхоналар, 90 турдан ортиқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарди.²

Деновда «Бахтиёр» кичик корхонаси қошида 30 ўринли тикув цехи ишга тушиб, Тошкентдаги енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинатидан 30 та тикув машинаси олиб келиниб, 30 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. «Бахтиёр» кичик корхонаси 1994 йилда Денов тумани хўжаликлари орасидаги йўлларни таъмирлаш ишига 150 миллион сўм сарфланиб, хўжаликларга 103 миллион сўмлик янги йўл қуриб берди.³

Сурхондарёда 1994 йил 1364 та корхона ва 5104 та объект, 124 та корхона хусусийлаштирилиб давлат тасарруфидан чиқарилди. Хусусийлаштириш корхоналарнинг 1112 таси оилавий шахсий корхоналарга, 113 таси очиқ турдаги хиссадорлик жамиятларига, 115 таси жамоа мулкига айлантилди. 1994 йил Сурхондарёда 700 та кичик ва 25 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб, ишлаб чиқаришнинг янги тузилмалари бўлган кичик ва қўшма корхоналар ҳамда кооперативларда 8 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилиб, улар томонидан 7,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.⁴

Мустақиллик туфайли вилоятда ҳам табиий ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари яратилиб, бутун Республикада бўлгани сингари воҳада ҳам қўшма корхоналар вужудга кела бошлади. 1994 йилда Туркия билан ҳамкорликда «Турон» номли кичик корхона базасида «Турон гуллари» номли қўшма корхона ташкил этилиб, гиламдаги гул нусхалари турлича шаклда муҳрланиб, Германиянинг «Силлерс Эн Ко» фирмаси вакиллари билан корхона ҳамкорликда иш бошлади. Термиз шаҳрида ташкил этилган «Сурхон-Ажанта Фарма Лиметед» қўшма корхона таъсисчилари, Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳридаги «Ажанта фарма ЛТЗ», «Сурхон» заводи

¹ Бойсун овози газетаси, 1994. 6 май

² Бойсун туман ҳокимлиги жорий архиви, 14-баённома, 2 хужжат, 1994. 24 сентябрь, 21 бет.

³ Чағониён, 1994. 7 январ.

⁴ Сурхон тонги газетаси, 1994. 27 май.

ва вилоят ҳоқимлиги беш миллион АҚШ доллари миқдорида Низом жамғармасини шакллантириб, 1993 йилдан қўшма корхона фаолият юритди. Корхона 1996 йил 44 миллион 8000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.¹ 1997 йилда қўшма корхона тўлиқ ишга туширилди. Бу ерда йигирма саккиз турдаги таблеткалар, капсула ва инъекциялар ишлаб чиқарила бошланади.

Корхонада қирқ нафар киши иш билан таъминланиб,² Канада ва Шимолий Ирландия томонидан таъсис этилган «Сурхонпластик ЛТД» қўшма корхонаси³ халқаро бозорда рақобатбардош ҳисобланадиган полипропилен халталари ва полиэтилен плёнкалари ишлаб чиқаради.

Корхона 1997 йил Россия Федерациясига 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилди, 1997 йилда корхонада саксон тўрт нафар киши меҳнат қилди»⁴.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳузурида ташкил этилган комиссия 1998 йилда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида қандай бажарилаётганлигини ўрганиб чиқиб, қўмита йиғилишида бу масала муҳокама қилинди. Комиссия хулосаларида таъкидланганидек, 1998 йилда Сурхондарё вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида бир қадар тадбирлар амалга оширилди, Қонун ижросини текшириш хулосаларида вилоятда корхоналарни замонавий технология билан жиҳозлаш, қишлоққа саноатни киритиш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, малакали мутахассислар тайёрлаш, маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш каби муаммолар ҳали ўз ечимини топмаганлиги ҳам қайд этилди. Таъсис этилган айрим қўшма корхоналар пул маблағлари етишмаслиги, хом ашёларнинг қимматлиги ҳамда аксарият қўшма

¹ С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов Сурхондарё тарих кўзгусида -Т.: «Шарк», 2001. 323 бет.

² Халқ сўзи. 2001. 2 ноябр.

³ Халқ сўзи. 1998. 16 январ.

⁴ Халқ сўзи. 1998. 16 январ.

корхоналар Афғонистон Ислон Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилганлиги туфайли ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлганликлари таъкидланди. «Усто Абду», «Термиз-Мозори Шариф», «Стекло», «Оби ҳаёт» каби қўшма корхоналар Австрия, АҚШ, Индонезия, Ливан, Канада, Шимолий Ирландия, Польша, Ҳиндистон, Хорватия, Афғонистон, Тожикистон, Россия, Қозоғистон каби давлатлар иштирокида вилоятда ташкил этилган бўлса-да, фаолияти тўхтаб қолганлиги қайд этилди. Чунки ушбу қўшма корхоналар фаолияти қонун доирасида ташкил этилмаганлиги, хомашё билан таъминлаш даражаси ҳисобга олинмаганлиги натижасида иш фаолиятини давом эттира олмади. Вилоятда 1992 йилда тўртта қўшма корхона ташкил этилган бўлса,¹ 2001 йилнинг ноябрига келиб эса вилоятда қирқта қўшма корхоналар фаолият кўрсатди.² 1997 йил қўшма корхоналар томонидан 163,5 миллион сўмлик хизматлар бажарилиб, уларнинг экспортдаги улуши 170 минг, импортдагиси эса 1337,3 минг АҚШ долларини ташкил этади. 2000 йилда эса қўшма корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси 2555,4 минг АҚШ долларини ташкил этиб, импорт маҳсулотлари ҳиссаси 2469,2 минг АҚШ доллари тўғри келди. Эътиборли томони шундаки, чет эл сармоялари иштирокида ташкил этилган корхоналар бажарган иш ҳажмининг асосий қисми маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар улушига тўғри келди. Қўшма корхоналарда ишловчи кишилар сони 1996 йилда 539 кишини, 1997 йилда 1917 кишини³. 2001 йилга келиб эса 7700 кишини ташкил қилди⁴. Лекин шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, вилоятда тузилган қўшма корхоналарнинг кўпчилиги бугунги кун талабига жавоб бера олмайдиган корхоналарга айланиб қолган эди. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2000 йил март ойидаги Сурхондарё вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ҳам камчиликлар ҳақида тўхталиб «Қўшма корхона деганда, биз, энг аввало, хорижий сармоя иштирокида қурилган,

¹ Халқ сўзи, 1998. 16 январ.

² Халқ сўзи, 2001. 2 ноябр.

³ Халқ сўзи, 1999. 16 январ.

⁴ Халқ сўзи, 2001. 2 ноябр.

илфор технология асосида жиҳозланган, импорт ўрнини босадиган, янги маҳсулот чиқарадиган замонавий қувватларни назарда тутамиз. Сурхондарёда қўшма корхоналарнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўрнига, олди-сотди йўлига ўтиб олган. Ҳамма қўшма корхона сифатида Сурхондарёда руйхатдан ўтиб, аслида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида тижорат билан шуғулланаётган «ишбилармон»лар ҳам йўк эмас»-деб бу соҳадаги ишни қайта кўриб чиқишни таъкидлаб ўтган эди¹. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан машғул қўшма корхоналарнинг энг кам сони Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари бўлиб қолмоқда. Унинг устига, уларнинг аксарияти савдо-сотик ва воситачилик фаолияти билан шуғулланиб қолмоқда. Шу боис қўшма корхоналарнинг ушбу минтақалар саноатида, экспорт салоҳиятини оширишдаги мавқелари деярли сезилмай келмоқда. Сурхондарёнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда айрим номутаносибликлар сақланиб турибди.

Воҳада саноат ривожланиши паст даражада бўлиб, воҳанинг баъзи туманларида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши суръатлари аҳоли сонининг ўсиши ва ўртача республика кўрсаткичларидан сезиларли равишда орқада қолаётганини кўриш мумкин эди. Масалан, Сурхондарё вилоятида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш нисбатан ривожланган вилоятларга нисбатан тўрт-беш баробар камлиги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича ҳам тафовутлар жуда катта бўлиб қолаётганлиги аниқланди.

Президент Ислон Каримовнинг 2000 йил мартидаги Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида «Сурхондарё вилоятида қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий сармояларни жалб қилишнинг ўзига яраша объектив қийинчиликлари мавжудлигини инкор этолмаймиз. Яъни Сурхоннинг чегара худуди эканлиги, ён қўшнилармиз бўлган баъзи давлатлардаги беқарор вазият ҳам бунга таъсир ўтказиши табиий. Лекин,

¹ Халқ сўзи, 2001. 2 ноябр.

шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди»¹ -деб таъкидлашлари вилоят саноатчиларини янги йўллارни излаб топишга ундади. Шунинг учун 2000 йил Сурхондарё вилоятида янги инвестицион лойиҳаларни танлашда ҳокимлик юқоридаги номутаносибликларни ҳисобга олиб, саноат жиҳатидан суст ривожланган жойларда кўпроқ ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий хомашё ресурсларидан тайёр маҳсулотлар, кўпроқ экспортбоп моллар ишлаб чиқаришга ихтисослаган қўшма корхоналар ташкил қилинди.

Шу йўл орқали нисбатан кам тараққий қилган жойларнинг экспорт салоҳиятини ошириб, янги саноат ривожланишидаги асосий муаммоларни ҳал этиш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда маҳаллий ҳокимиятларнинг ўрни ва масъулиятини янада кучайтириш, маҳаллий бошқарув органларига ташкилотчилик фаолиятини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан тўлиқ воз кечиб, бозор муносабатлари шаклланишини тезлаштириш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини беради.

2000 йил 1 сентябрда Жарқўғон туманида Алпомиш қўшма корхонаси фойдаланишга топширилиб, корхона қурилишига Туркиялик сармоядорлар томонидан 2 миллион, 423.8 минг АҚШ доллари (ёки 367 миллион 351 минг ўзбек сўми) миқдоридан, Ўзбекистон Республикаси томонидан 288 миллион 546,1 минг сўм маблағ сарфланди. Корхона бир кунда 150 тонна ғаллани қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, бу ерда ҳозирга фақат биринчи навли ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу корхонада юз нафарга яқин киши иш билан, таъминланиб, иш турт сменада ташкил қилинди². 2001 йилга келиб Жарқўғон туманидаги қўшма корхоналар сони тўққизтани ташкил қилди³.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат саноатининг салмоғи катта бўлиб, у асосан шу ерда етиштириладиган қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга асосланади. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида

¹ Халқ сўзи, 2001. 2 ноябр.

² Жарқўғон туман жорий архиви, 11-баённома, 1-ҳужжат, 1998. 16 ноябр.3 бет

³ Жарқўғон туман жорий архиви, 1-баённома, 1-ҳужжат, 2001. 16 январ. 5 бет

мазкур тармоққа мансуб у ёки бу корхона жойлашган. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришда республикада озиқ-овқат саноатининг салмоғи 2000 йилда 36,4 фоизни ташкил этган бўлса, Сурхондарёда бу кўрсаткичлар 41,4 фоизни ташкил этиб, воҳада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ривожланди¹.

1995 йил Сурхондарёда 1941 та корхона хусусийлаштирилиб, улар ўрнига 305 та хиссадорлик жамиятлари, салкам 200 та жамоа, 1437 та хусусий мулкчилик шаклидаги меҳнат жамоалари фаолият кўрсатди. Шу давргача 3168 та ёки жами корхоналарнинг 70 фоиздан ортиқроғи мулкчиликнинг нодавлат тизимига ўтиб ишлади. Биринчи ярим йилда 66 та корхона хусусийлаштирилиб, белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Улардан 17,7 миллион сўм маблағ туширилди².

Жарқўрғондаги ип газлама кўшма корхонаси 1997 йилда экспортга маҳсулот сотиш режасини 140 фоизга бажариб, корхона томонидан Чехия, Полша ва Австрия мамлакатарига 312 минг долларлик ип-калава маҳсулотларини сотди.³ 1800 нафардан зиёд ишчилар 1602 тонна калава ип, 8866 минг погонметр мато ишлаб чиқариб, бу борадаги режа топшириқларини ортиғи билан бажариб, корхонанинг 2000 йилдаги соф фойдаси 34,5 миллион сўмни ташкил қилди.

Фабрика қошида «Ўзбекистон-Америка» кўшма корхонаси ташкил этилиб, унинг қуввати йилига 42 тонна калава ип ва 1920 минг погон-метр мато ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, корхонанинг умумий лойиха қуввати 13 миллион 132 минг 036 Евро бўлиб, хорижий таъсисчи бўлиш Американинг улуши 53 фоизни ташкил қилди. Кўшма корхонада Германия, Чехия давлатларининг замонавий йигирув зангоҳлари ўрнатилиб, жаҳон бозорлари талабларига жавоб берадиган юқори сифатли калава ип ва мато ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 70 фоизи экспортга сотилди⁴.

¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, иккинчи китоб, -Термиз., 2001 йил, 34 бет

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома., 1-хужжат 1996, 3 феврал.

³ Халқ сўзи. 1998. 16 январ.

⁴ Сурхон тонги. 1997. 19 март

1996 йилда Жаркўрғонда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш режаси 102,1 фоизга бажарилиб, 643,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 9 та корхона хусусийлаштирилди, туманда 13 та кичик ва қўшма корхона, 200 та хусусий, 50 та деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатди.

1996 йилда Шўрчи туманида «Бобоқул» хусусий кичик корхонаси иш бошлаб, хусусий кичик корхона бир кеча-кундузда 25 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмонни ишга туширди. Бундан ташқари бу корхонада бир кеча-кундузда 4 тоннага яқин сифатли мой ишлаб чиқарилди¹.

1997 йилда Бойсунда бўр ишлаб чиқариш цехи ишга тушиб, ҳар куни 25-30 тонна бўр ишлаб чиқарилиб, тайёр маҳсулотлар Шеробод ва Музrabод донни қайта ишлаш корхоналарига сотилди. Бу ерда бир йилда 10 минг тонна юқори сифатли бўр маҳсулот ишлаб чиқарилди².

1997 йилда Сурхондарёда «Пошхурт-Анжирота» хусусий корхонаси ташкил топиб, кичик корхона 10,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Олинган соф фойда 667,2 минг сўмни ташкил этди. Мазкур корхонада ҳар сменада 3,4-5 мингта шишага сув қуядиган янги цех ишга туширилди. Корхона жамоаси ишлаб чиқариш хажмини кўпайтириш мақсадида 313 минг сўм маблағ сарфлади³.

1998 йилда Қумқўрғон туманининг Лалмикор кўрғонида кичик цех иш бошланиб, бу цехда оҳак, алебастр, ва ёзув бўри ишлаб чиқарилди. Кичик корхона 10 нафар ишчини иш билан таъминлади⁴.

1998 йилда Сурхондарёнинг Денов, Термиз ва Шўрчи туманларидаги пахтани қайта тайёрлаш заводларида чигитни туксизлантирадиган цехлар қурилди. «Сурхон-чигит» қўшма цехи ишга туширилди. Мазкур цехларда замонавий жиҳозлар ўрнатилганлиги учун 500 тонна чигитни туксизлантириш қувватига эга бўлди⁵.

¹ Шўрчи ҳокимлиги жорий архиви, 4 баённома, 2 ҳужжат, 1996. 23 апрел. 18 бет

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 11-баённома, 5 ҳужжат, 1997. 18 ноябр. 22 бет

³ Шеробод ҳокимлиги жорий архиви, 1 баённома, 2 ҳужжат, 1998. 15 январ. 6 бет.

⁴ Қумқўрғон тумани ҳокимлиги жорий архиви, 6 баённома, 2 ҳужжат, 1998. 6 май. 3 бет

⁵ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1 баённома, 6 ҳужжат, 1999. 14 январ. 18 бет

1998 йилда Термиз шаҳрида «Иссиқ нон» цеҳи қуриб битказилди. Тадбиркор Эркин Жўраев раҳбарлик қилаётган мазкур цехда 33 хилда нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди¹.

1998 йилда Шерободда «Дилафруз» хусусий корхонасида жунни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, бу корхона 264 тонна сифатли жун ип ишлаб чиқариб, кичик тўқимачилик корхоналарига етказиб берди².

1998 йил январида Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» ширкатлар уюшмаси ёнида «Сурхон-Салонур» кичик корхонаси қурилди. Корхонада макка донидан қимматли хом ашё-крахмал ва макка дони чиқитларидан чорва ва паррандалар учун омухта ем тайёрлаш йўлга қўйилди. Хориждан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхона бир кеча-кундузда 1 тонна крахмал ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. 25 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган корхонанинг тўла қувват билан ишлаши таъминланди³.

Шўрчи туманида жойлашган Ёишт заводи очиқ турдаги хиссадорлик жамиятига тадбиркор Исмоилхон Насимов етакчилик қилди. 3 та пишиқ ёишт ишлаб чиқарадиган цехни бирлаштирган заводда 1999 йилда кунига 15-20 мингга яқин пишиқ ёишт, йил давомида эса 8 миллион 100 минг дона пишиқ ёишт ишлаб чиқарилди. Қиш мавсумида кунига 25-25 минг дона ёишт ишлаб чиқарилган бўлса, ёзда бу рақам 30-40 мингга ташкил этди⁴.

1999 йилда Сурхондарёнинг Ангор туманида «Гулчеҳра» хусусий фирмаси тикув цеҳида болаларга ва катталарга мўлжалланган турли хил кийим-кечаклар тикилиб, фирмада 14 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди⁵.

1999 йилда Ангор туманидаги «Малика» хусусий тикувчилик корхонаси ишга тушиб, 200 минг сўмлик имтиёзли, қисқа муддатли қарзга 5 та янги «Алисия» русумли тикув машинаси сотиб олиб, кичик корхона Бухородан

¹ Термиз шаҳри ҳокимлиги жорий архиви, 1 баённома, 5 ҳужжат, 1999. 28 январь, 5 бет.

² Шеробод ҳокимлиги жорий архиви, 1 баённома, 3 ҳужжат, 1999. 14 январь, 4 бет.

³ Жарқўрғон туман ҳокимлиги жорий архиви, 4 баённома, 3 ҳужжат, 1998. 16 феврал, 9 бет.

⁴ Шўрчи туман ҳокимлиги жорий архиви, 6 баённома, 11 ҳужжат, 1999. 19 май, 28 бет.

⁵ Ангор туман ҳокимлиги жорий архиви, 5 баённома, 9 ҳужжат, 1999. 21 июнь, 17 бет.

келтирилган пахтадан тайёрланган чит ва сатин материалларидан кўплаб чойшаб тўпламлари тикиб, кичик корхонада бичикдан чиққан қийқимлар ҳисобига куракчилар цехи ташкил қилинди¹.

2000 йилда Термиз шаҳрида 11 та корхона ва савдо дўконлари хусусийлаштирилди. «Пўлат алп» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ва Туркия давлатининг «Метин-Сефил» корхоналари билан биргаликда кўшма корхона тузилиб, гилам тўқиш йўлга қўйилди².

2000 йилда Термиз шаҳрида 12 та кўшма корхона Давлат рўйхатига олинган бўлиб, бу корхоналарда 1668,8 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Кўшма корхоналарда жами 1305 киши фаолият кўрсатди. Умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг 1652,1 миллион сўми (99 фоизи) «Сурхон Ажанта ЛТД», «Уздунробита» ва «Сурхондарётелеком» кўшма корхоналари ҳисобига тўғри келди³.

Сурхондарёда 43 та чет эл инвестицияси иштирокидаги 25 та кўшма корхонанинг устав жамғармаси 15 миллион 572 АҚШ долларини, Республика ичидаги ҳамкорлик улуши эса 2 миллиард 221 миллион сўмни ташкил этди. 2000 йилда бундай кўшма корхоналардан 20 таси фаолият кўрсатди. Улар томонидан ўша йилда 2 миллиард 375 миллион 730 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1999 йилга нисбатан ўсиш 286,1 фоизни ташкил этди. Кўшма корхоналар ишлаб чиқарган жами маҳсулот ҳажмининг 48,8 фоизи саноат соҳасига тўғри келди. 2000 йилда Сурхондарёда кўшма корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси 2555,4 минг АҚШ долларига етди⁴.

2001 йилда Деновда «Гулнора» хусусий фирмаси раҳбари Гулчехра Ҳайдарова мамлакатимизнинг 1998 йилги «Энг яхши тадбиркори» деб топилди. Мазкур хусусий фирма жамоаси сўзана, зардўппи, кашта, чопон, келин либослари каби 20 дан зиёд маҳсулот турларини тайёрлади⁵.

¹ Сурхон тонги, 1999. 21 июль.

² Термиз шаҳар ҳокимлиги жорий архиви, 7 баённома, 8 ҳужжат, 2000 йил 18 июнь, 20-бет.

³ Термиз шаҳар ҳокимлиги жорий архиви, 9 баённома, 3 ҳужжат, 2000 йил 18 сентябрь, 14-бет.

⁴ С.Турсунов ва б. «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.: Шарқ, -2001. -334б

⁵ Сурхон тонги, 2001. 21 май.

2002 йилда Сурхондарё иқтисодиётида ташкил топган кичик, хусусий ва қўшма корхоналарнинг хиссаси айниқса катта бўлди. Сурхондарёда 2700 та хусусий ва 700 га яқин кичик корхоналар, ўнлаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар нафақат вилоят аҳлининг талаб-эҳтиёжлари учун, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўз харидорини топа оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдилар¹.

2002 йилда Ангорда иш бошлаган калиш цехи ойига 3 минг жуфт калиш ишлаб чиқара бошлади. Бу кичик цехга Ражаб Шералиев раҳбарлик қилиб, унда 10 киши фойдали меҳнат билан таъминланди².

2003 йилда Термиз туманида тадбиркор аёл Шарофат Бердиева «Наврўз» маҳалласида «Шаҳзод» номли хусусий дўконни қуриб, ишга туширди. 2003 йилда ишбилармон тадбиркор Абдуҳаким Ҳамидов «Жайронхона» кишлоғида «Ҳилола» хусусий фирмасига қаршли дўкон, сартарошхона ва дорихонани қуриб битказди. Термиз туманида тадбиркор Даврон Турғунбоев ошхона ва новвойхонани қуриб битказди. Турли хил нон ва нон маҳсулотларини харидорларга чиқарди. Маззалик, тўйимли ва бошқа ошхоналарга нисбатан арзонроқ овқатлар тайёрлаб миждозлар сонини кўпайтириб борди³.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун барча манбалар ҳисобидан 5,6 миллиард сўм кредитлар ажратилди⁴.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларда саноат маҳсулотлари, халқ эҳтиёжи моллари, аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг бир қисми бозор иқтисодиёти қийинчиликларига бардош бера олмасдан инқирозга учраб фаолиятини тўхтатган бўлса, уларнинг кўпчилиги қисми ўзининг фаолиятини такомиллаштириб, ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифатини ошириб,

¹ С.Турсунов ва б. «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.:Шарқ,-2001.-323б

² Ангор туман ҳокимлиги жорий архиви, 4 баённома, 12 хужжат, 2002. 8 апрел, 3 бет..

³ Термиз тумани ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 7-хужжат, 2003. 7 май, 19 бет.

⁴ «Чағониён» газетаси, 2003. 26 июль.

таннархини камайтириб, жамиятда ўз ўрнини топа бошлади. Тадбиркорлар маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқаришга эришиб, корхонаси иқтисодиётини мустаҳкамлаб бордилар. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат ва халқ истеъмоли молларининг ҳажми мамлакатда ишлаб чиқарилган турдош маҳсулотлар орасидаги хиссаси йилдан-йилга ортиб борди.

Шаҳар ва қишлоқларда маҳсулотни қайта ишлаш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда кичик ва ўрта бизнес кўшма корхоналарини фаолияти ортиб борди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасидаги моддий бойликлардан юртимиз аҳолиси манфаати йўлида фойдаланиш, иш жойларини кўпайтириш, саноатни қишлоққа олиб бориш, қурилишларга чет эл сармояларини олиб келиб сарфлаш, кўшма корхоналар қуриш масалаларини ҳал қилишни кун тартибига қўйиб, уларни жадаллик билан амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқишга бошчилик қилди.

1992 йилда Сариосиёда «Ўзбекистон-Россия» ҳамкорлигида «Стекло» кўшма корхонаси қурилиши бошланди. Шиша заводи ишга тушгач, бир йилда 40 миллион дона арок, сув шишаси ва 37 миллион дона шиша идиш (банка) ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 600 киши иш билан таъминланди. Завод қурилишига Сурхондарёдаги «Кушон» трикотаж акционерлик ишлаб чиқариш ассоциацияси (33 фоиз), Сариосиё темир-бетон буюмлари заводи (32 фоиз), «Стекло» кўшма корхонаси (28 фоиз) ва «Тўпаланг сув омбори қурилиши бошқармаси» (7 фоиз) ўз улушларини қўшдилар¹.

1993 йилда Сариосиё шиша заводи қурилишида яхши натижаларга эришилди. Цехлар ичида хом-ашё эритиладиган ва идишлар қўйиладиган печларнинг пойдевори қуриб битказилди. Завод қурилишида 140 нафарга яқин ишчи ва Украинанинг Донецк шаҳридан келиб меҳнат қилаётган 20 нафар пудратчи ишчилар ҳам бор эди. Печлар учун юқори иссиқликка

¹ Сариосиё тумани ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 2-хужжат, 1992. 11 июн, 25 бет.

бардошли бўлган ғиштлар ҳам темир йўл орқали вагонларда Украинадан келтирилди. Украиналик усталар қисқа вақт ичида бутилка ишлаб чиқариш цехи печларини териб битказдилар¹.

1994 йилда Денов озиқ-овқат комбинати Германиянинг «Кронисаг» фирмаси билан ҳамкорликда салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхона ишга туширилиб, натижада янги иш ўринлари юзага келди.

1994 йилда Қумқўрғон тайёрлов-савдо харид уюшмасининг савдо базаси қошида Ўзбекистон-Швейцария ҳамкорлигида «Вольфсон-Шарқ-Инстерпрайзис» қўшма корхонаси ишлай бошлади. Бу корхонада пластмассадан минерал сув, вино, кир содаси каби тўкиладиган маҳсулотларни сақлашга ишлатиладиган идишлар, унинг бурама қопқоқлари ва полиэтилен плёнкаси ишлаб чиқарила бошланди. Битон пластмасса идишлари ва полиэтилен плёнкаси ишлаб чиқарадиган, бурама қопқоқ тайёрлайдиган яна учта дастгоҳ ва асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Заводда бир соатда 360 та пластмасса идишлар тайёрлашга эришилди. Келажакда корхонани кенгайтириш эвазига бу ерда ҳар сменада 15 минг донагача пластмасса идишлар тайёрлаш кўзда тутилган. Корхонага хом-ашё асосан, Россиянинг Пермь вилоятидан олиб келиш йўлга қўйилди².

1994 йилда Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманида «Яҳёхон» хусусий корхонаси ташкил топди. Бу корхонани Яҳёхон Бобоҳўжаев Тошкентдаги «Амперколор» Ўзбек-Олмон қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Корхонада кинескоплар хажми ва турига қараб 9 мингдан 21 минг сўмгача нархларда таъмир қилиниб, созлаб бериш йўлга қўйилди. Мазкур иш масканида ойига ўртача 150-180 та кинескоп таъмирланди³.

1997 йил октябрида Қумқўрғон туман деҳқон бозори ёнида янги «Иссиқ нон» корхонаси қурилиши тугалланди. Уни тумандаги 575-машиналашган кўчма жамланма қурувчилари бунёд этишди. Қумқўрғон туман дон қабул қилиш корхонасига қарашли шарқон услубда қурилган мазкур корхонага

¹ Сариосиё ҳақиқати, 1993. 20 январ.

² Қумқўрғон туман ҳокимлиги жорий архиви, 17-баённома, 22-ҳужжат, 1994. 8 декабр, 7-бет.

³ Жарқўрғон туман ҳокимлиги жорий архиви, 9-баённома, 3-ҳужжат, 2000 йил 26 апрел, 16 бет

Германиянинг «Винклер» фирмасидан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилди¹.

1998 йил апрелида «Уздунробита» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ва Сурхондарё вилоят электр алоқа корхонаси Термиз шаҳрида уяли телефон алоқаси мажмуини ишга туширди².

2001 йилда Музробот туман «Чарм» савдо тайёрлов корхонаси 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, пишиқ чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Республика «Ўзбекчарм» ва «Гульмер-Дери» қўшма корхоналари билан шартнома имзоланиб, 4 миллион 500 минг сўмлик юқори сифатли тери хом-ашёси тайёрланиб, корхоналарга жўнатди.

2001 йилда Бойсун карбит заводида Украинанинг «Украгрообъединения» ҳамкорлигида «Комруг» қўшма корхона ташкил этилди. Унинг Низом жамғармаси 18 миллион 735 минг АҚШ долларига тенгдир. Корхона Бойсунда ишлаб чиқарилган карбит ва графитли электродни Жаҳон бозорига чиқарди.

2003 йил 6 май куни Сурхондарёнинг Учқизил темир йўл бекатига яқин жойда Ўзбекистон-Афғонистон давлатлари ҳамкорлигида «Хайдар Жавзоний ЛТД» қўшма корхонасига қаршли ун заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Завод бир кеча кундузда 24 тонна ун тайёрлаш қувватига эга бўлди³.

Хулоса қилиб шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида ҳам кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларда саноат маҳсулотлари, халқ эҳтиёжи моллари, аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг бир қисми бозор иқтисодиёти қийинчиликларига бардош бера олмасдан, инқирозга учраб, фаолиятини тўхтатган бўлса, уларнинг кўпчилик қисми, ўзининг фаолиятини такомиллаштириб, ишлаб чиқараётган, маҳсулот сифатини ошириб, таннархини камайтириб, жамиятда ўз ўрнини

¹ «Сурхон тонги» газетаси, 1997. 25 октябр.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома., 1-ҳужжат, 1998. 1 январ, 108-бет

³ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома., 3-ҳужжат, 2003. 7 май, 19-бет.

топа бошлади. Тадбиркорлар, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга чиқишига эришиб, корхона иқтисодиётини мустаҳкамлаб бордилар. Бу эса мулкдорлар синфининг шаклланишига, халқнинг кичик ва ўрта бизнес томон ишонч билан ўтишига имконият яратди. Шаҳар ва қишлоқларда маҳсулотнинг қайта ишлаш аҳолини иш билан таъминлаш, муаммоларни ҳал этиш мақсадида кичик ва ўрта бизнес ва қўшма корхоналари ташкил этилиб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни янада мустаҳкамланиб борди. Таҳлил қилинган йилларда Сурхондарё вилоятида жаҳон андозаларига тўғри келадиган кичик ва қўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилди. Чет эл сармоядорларининг мамлакатимизга кириб келишига кенг йўл очилди. Хориж сармоядорларининг манфаатлари давлат томонидан тўлиқ кафолатланишига эришилди. Совет мустамлакаси йилларида қолоқ деб эътироф этилган Сурхондарё вилоятида мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига тўғри келадиган маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқарувчи ва ташқи бозорга экспорт қилувчи қўшма корхоналар қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Янги ишчи ўринлари яратилди, жаҳон бозорларига маҳсулот чиқариш йўлга қўйилди..

Қўшма корхоналар бунёд этишга қаратилган сиёсат ва унинг жадаллик билан амалга оширилиб бориши Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли билан ҳамоҳан эканлигига ёрқин мисол бўлди.

Сурхондарё вилоят иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг ривожини, қўшма корхоналарнинг бунёд қилиниши аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан янги ишчи ўринларини ҳам вужудга келтирди. Қолаверса маҳаллий хом-ашёлардан тайёр маҳсулот ишлаб ишга йўл очди. Натижада Жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса вилоят иқтисодиётини янада бойишига олиб келди.

II. Боб. Вилоятда аграр ва маданий соҳадаги ислоҳотлар ва унинг натижалари.

II.1. Мавжуд муаммоларни ҳал этишда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ва унинг ижобий натижалари.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач иқтисодий ислоҳотларни дастлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан бошлади. Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксалишида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагича таъкидлаган эди: «Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш тарзини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, ҳалқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш-хуллас, қандай муаммо қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Ҳалқимизни боқадиган озуқа берадиган-қишлоқ хўжалиги тармоғидир¹.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ўзининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олиш учун бир мунча қийин ҳолатларни бошидан кечирди. Чунки, ишлаб чиқаришни бир тизимга солиб, иқтисодий имкониятларни ҳисобга олиб, давлат томонидан берилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш, техника таъминоти соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга чек қўйиш муҳим масала эди. Мустақиллик йиллари қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган катта ишлардан бири мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, хусусий ва шахсий мулкка ҳаққоний муносабатни шакллантириш бўлди. Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда қишлоқ хўжаликдаги ислоҳотларни аҳамияти ниҳоят даражада юксак эканлиги ҳақида Президент И.А.Каримов тўхталиб: “Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта захиралар мавжуд уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериш мумкин. Бугун

¹ И.А.Каримов. «Деҳқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи» -Т.: «Ўзбекистон». 1994. 3-б.

иқтисодий ўзгаришларнинг якуни барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жihatдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни камраб олишга, кишлоқда ислохотлар қанчалик чуқур боришаг боғлиқ бўлади”¹. Ҳақиқатан ҳам собиқ совет ҳукумати даврида иқтисодиётда бир томонлама сиёсат олиб ориш натижасида кишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг энг муҳим тармоғига айланган эди. Мустақил Ўзбекистон дастлабки йилларда кишлоқ хўжалигидан олинган маҳсулот ҳисобида қийин вазиятдан чиқиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик йилларида кишлоқ хўжалиги ўзининг мавқеини йўқотмади. Чунки мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 4/1 қисми иқтисодиётнинг ана шу тармоқига тўғри келмоқда. Ижтимоий нуқтаи-назардан олиб каралганда республика аҳолисининг асосий қисмини (60 фоиздан ортиқроғи), жумладан Сурхондарё вилояти аҳолисининг (75 фоиздан ортиқроғини) кишлоқ аҳолиси ташкил этиб, уларнинг турмуш даражаси ва моддий-маънавий фаровонлиги бевосита ушбу тармоқ билан боғлиқ дейиш мумкин. Мустақиллик арафасида республика аҳолисининг 6,49 фоизини Сурхондарё вилоят аҳолиси ташкил этиб, аҳолини истеъмол фонди билан таъминлаш, ниҳоятда оғир аҳволда бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қанд 12 фоиз, гўштли консерва 85 фоизини ташкил этган бўлса, кийим-кечак 29 фоиз, пахта газмоллари 75 фоиз, жун матоларни 21 фоиз, телевизор ва музлаткич билан таъминлаш атиги 15 фоизни ташкил этган эди². Кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида 1991-1996 йилларда кишлоқ хўжалик соҳасида раҳбарлик қилишни яхшилаш, аграр ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш чоралари кўрилди. 1991 йил 21 декабрда қабул қилинган «Дехқон фермер хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб қуватлаш» тўғрисидаги фармон кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида ташкил қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Вазирлар Маҳкамаси 1994-1995

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик йўлида. Т.б. –Т., 1998, 172 бет.

² Ленин байроғи, 1991 йил 28 июн, Бозор иқтисодиёти янгича иш юритишни такозо этмоқда.

йилларда қишлоқда ислоҳотлар ўтказишга доир ўндан ортиқ қарорлар қабул қилди. 1996 йилда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаришининг, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган бутунлай янги тизимини яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунга асосан қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари бирлаштирилди. 1996 йил 3-апрелда Президент томонидан имзоланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб қуватлаш чора тадбирлари тўғрисидаги» фармони қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирларни белгилаб берди. Натижада қишлоқда аграр ислоҳотлар ўтказилди. 1992 йилдан бошлаб 1995 йил бошларигача қишлоқ туманларидаги 1137 давлат хўжалиги (совхоз) бошқа мулк шаклига-530 та жамоа хўжалигига, 350 кооперативга, 100 дан ортиқ ижара, шунингдек, бошқа мулк шаклларига айлантирилди. Бундан ташқари вилоят жамоа хўжаликлардаги 1516 та қорамолчилик фермаси хусусийлаштириш йўли билан шахсий тадбиркорларга сотилиб, чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Ушбу сотилган қорамоллар давлат хусусийлаштириш мулкчилиги томонидан назоратга олиниб, аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга эришилди. Натижада вилоятда гўшт етиштириш 1996 йилда 1,7 фоизга, сут маҳсулотларини етказиб бериш 2,4 фоизга ўсди. Энг муҳими чорвани хусусийлаштириш, шахсий чорва хўжаликларининг шакллантирилиши аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш билан бир қаторта хусусий ва шахсий мулкка бўлган манфаатдориги оширди. Сурхондарё вилояти банклари томонидан хусусий ва шахсий чорва хўжаликларига 13 млн сўмлик амалий ёрдам берилди¹.

¹ Сурхон тонги, 1996 йил, 14 декабрь. Чорвачилик ва иқтисодиёт. 1-бет.

Вилоят қишлоқ хўжалигида давлатга қарашли бўлмаган сектор 1994 йилда бутун маҳсулотни деярли 95 фоизини, 1995 йилда эса 97 фоизини ишлаб чиқарди¹.

Ислохот йилларида республикада одамларга шахсий томарқа учун кўшимча равишда 550 минг гектор суғориладиган ер ажратилди ва шахсий томарқа учун берилган ер майдони 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан ортиқ киши томарқа ер ҳосилидан фойдаланди. Сурхондарё вилоятида шахсий томорқалар учун 1992-1995 йилларда 22 минг гектар ер ажратилиб, ерсиз ҳамда кам ерли деҳқонларга берилди. Энг муҳими шахсий томорқа учун ажратилган ернинг асосий қисми қишлоқдаги ёш оилаларга ажратилиб, уларга уй-жой, шахсий хўжаликни шакллантириш учун тақдим этилди. Сурхондарё вилоятида шахсий томорқаларнинг 8 минг гектари асосан собиқ Совет ҳукумати даврида мавжуд бўлган совхозлардаги ерлар ҳисобидан берилди². Чунки совхозлардаги мавжуд ерларнинг эътиборсиз қолдирилиши натижасида, ўзлаштирилган ерларнинг ташлаб қўйилиши туфайли ҳосилдор ерларнинг кўпчилиги шўрланиб, қамиш ва бутазорларга айланиб, ҳосилдорлик кувватига анча зарар етказилган эди. Ушбу ташландиқ ерларнинг шахсий томорқаларга ажратилиши туфайли деҳқонларнинг ерга бўлган муносабати ижобий ўзгариб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўз хўжалаги таъминлаш ҳамда бозор учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш имкониятини яратди. Қишлоқда деҳқон фермер хўжалигини шакллантиришга алоҳида эътибор берилиб, хўжаликлар экин экишда мустақил бўлдилар. Республикада дон мустақиллигига эришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни тиклаш йўли изчиллик билан амалга оширилди, пахта экиладиган экин майдонлари 2 миллион гектардан 1,5 миллион гектарга қисқартирилиб, донли экинлар майдони 1,2 миллионга гектарга кенгайтирилди. Мустақилликнинг дастлабки давридаёқ, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини

¹ И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» -Т.: «Ўзбекистон».1995.64-б.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома., 5-ҳужжат 1995, 10 феврал, 11 бет.

кондириш мақсадида донли экинларга алоҳида эътибор бериб, дон мустақиллигини таъминлаш борасида кескин чоралар кўрди. Донли экин майдонларини кенгайтириш билан бирга, унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида бир қатор муҳим ишлар қилинди. Мамлакатда 1992 йили 52,20 минг гектар майдонга буғдой экилиб, 19,6 центнер ҳосил олинди, суғориладиган экин майдонлари 34,13 минг гектарга етказилиб, ўртача 28,2 центнер ҳосил олинди¹. Бу кўрсаткичларга пахта экиш майдонларини камайитириш ҳамда янги ўзлаштирилган ерларнинг асосий қисмига донли экинларни экиш ҳисобига эришилди. Сурхондарё вилоятида 1994 йили 327 минг гектар суғориладиган ерга экин экиб, шундан 219,3 минг гектари насослар ёрдамида суғорилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, Бандихон, Жарқўрғон, Олтинсой, Сариосиё ва бошқа туманларда 2025 гектар ер ўзлаштирилди. Шунингдек 41,5 километр масофадаги очик коллекторлар тозаланди. 1994 йил ноябр-декабр ойларида секундига 912 кубометр сув чиқариш қувватига эга бўлган 105 та насос станциялари, жумладан, 533 та насос агрегатлари сифатли қилиб тамирланди.

Республика сабзавот, мева, узум етиштириш бўйича ҳам салмоқли ўрин эгаллаб, ҳозир Ўзбекистонда 1995 йил 5 миллион тоннага яқин мева сабзавот етиштирилди. Бу Республикамиз аҳолиси эҳтиёжидан анча ортиқдир. 1994 йили сабзавот экинлари 10,4 минг гектар майдонга экилиб, ўртача ҳосилдорлик 170 центнерни ташкил қилди. Давлатга 177,60 минг тонна сабзавот, 2,9 минг гектар ерга картошка экилиб, ўртача ҳосилдорлик 84,4 центнерни ташкил этиб, давлатга 24,4 минг тонна картошка топширди. Полиз 2,5 минг гектар майдонга экилиб, ўртача ҳосилдорлик 141,8 центнерни ташкил этиб, давлатга 35,6 минг тонна сотилди².

Сурхондарё вилоятида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалик тармоқларида ҳам ижобий силжишлар ўз таъсирини кўрсатди. 1995 йилда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш

¹ Ўзбекистон тарихи 11-синф учун дарслик. -Т.: «Шарқ» 1998. 210-212 б.

² С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида» -Т.: «Шарқ». 2001. 336 б.

анча сезиларли ўсиб, пахта-370,6 минг тоннага, дон-269,0 минг тонна, жумладан, буғдой-200,8 минг тонна, сабзаёт-120,0 минг тонна, картошка-18,4 минг тонна, полиз-32,4 минг тонна, хўл мева-25,1 минг тонна, узум-75,1 минг тоннага етди. Мустақилликнинг дастлабки йилларда чорвачилик соҳасидаги қийинчиликлар, эътиборсизлик, айниқса чорва молларини талон-тарож қилиш, ем-хашак таъминотини издан чиқаришга доир одатларга чек қўйилиб, янги чорва-фермер хўжаликлари, давлат бўрдоқчилик мажмуаларининг ташкил топиши мавжуд муаммоларни бартараф этишга йўл очди. 1995 йили давлатга 73,4 минг тонна мол ва парранда гўшти (тирик вазнда), 307,5 тонна сут, 68,2 миллион дона тухум, 1515,8 тонна жун, 1023,0 минг тонна пилла топширилди. Вилоятда қорамоллар сони 44,3 минг бошга, қўй ва эчкилар сони 906,3 минг бошга, парандалар сони 692,0 мингтага етказилди. Давлат хусусий ва шахсий чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, моддий - маънавий ёрдамни ҳамда ҳуқуқий ҳимояни кучайтирди¹.

Вилоятда 1997 йилда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 32612,5 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб, бу кўрсаткич 48361,6 миллион сўмни ташкил этди². 1996-2000 йиллар Сурхондарё вилоятида ислохотларни амалга оширишдаги маъмурий буйруқбозлик, ишни ташкил этишдаги маҳаллий шароитни ҳисобга олмаслик, ерга эгалик қилишга тўсқинлик ҳолатлари туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштириш бир оз пасайди. Натижада 1996-2000 йилларда вилоят бўйича пахта ҳосилдорлиги 5,5 центрга пасайиб, давлатга пахта сотиш режаси 1995 йили 97,5 фоиз, 1996 йил 94,8 фоиз, 1997 йил 90 фоиз, 1998 йили 88,3 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йили янада пасайиб 181 минг тонна пахтани кам етказиб берди³.

Вилоятдаги 143 та хўжалиқдан 109 таси, жумладан Бандихон туманидаги «Хўжоипок», «Янгиҳаёт», Шерабод туманидаги «Истикбол»,

¹ С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида» -Т.: «Шарқ». 2001. 337-338 б.

² С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида» -Т.: «Шарқ». 2001. 338 б.

³ И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» -Т.: «Ўзбекистон». 1997. 250 б.

Термиз туманидаги «Каттақум», Қизириқ туманидаги «Навоий» номли жамоа хўжаликлари гектаридан шу йилларда 10 центнер пахта ҳосили олдилар. Тажрибадан маълумки, ҳеч қандай ишлов берувсиз ҳам қаралмаган ердан экин экилса 13 центрдан ҳосил олиш мумкин. 1996-2000 йиллар бошоқли дон ҳосилдорлиги 4,5 центрга пасайиб кетди. Давлатга дон сотиш режаси 1999 йилда 54,8 фоизга бажарилган бўлса, бу кўрсаткич Бандихон, Ангор, Қизириқ, Қумқўрғон, Олтинсой, Узун, Шеробод туманларида 38-50фоиз га бажарилди¹.

Олтинсой туманидаги «Ғолиб», «Хўжасоат», Узун туманидаги «Хурсанд», Бандихон туманидаги «Дўстлик», Термиз туманидаги «Уч қизил» сингари хўжаликларда ғалла ҳосилдорлиги 5-10 центрофиди, 41 та хўжаликда 10 центнер, 52 хўжаликда эса 15 центнерни ташкил этди. Сабзавот соҳаси 1999 йилда 1998 йилдагича нисбатан ҳосилдорлик 8 центнерга камайиб кетди, узум етиштириш эса 80 минг тоннадан 55 минг тоннага камайиб қолди. 1996-2000 йилларда боғ майдонлари 1200 гектарга камайиб қолиб, оқибатда вилоятдаги мева ва узумни қайта ишлайдиган 10 га яқин корхоналар тўлиқ қувват билан ишлай олмадилар. Бу корхоналар 1999 йили 34 минг тонна ўрнига фақат 11 минг тонна узумни қайта ишлади холос².

Вилоятда 1999 йилга 700 гектар ўрнига атига 138 гектар майдонга картошка экилиб, айрим хўжаликларда гектаридан олган ҳосили 20 центнерни ташкил этди³. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бу йиллардаги молиявий аҳволи ёмонлашиб, 2000 йилнинг бошларига қадар дебиторлик қарзи 2 миллиард 503 миллион сўмни, кредиторлик қарзлари 6 миллиард 45 миллион сўмга етди. Вилоятдаги 47 та жамоа ва ширкат хўжаликлари 1999 йилни деҳқончилик соҳаси бўйича 713 миллион 315 минг сўм зарар билан яқунлади. Айниқса, Шеробод туманидаги «Владимир Қодиров» номли хўжалик 102 миллион сўм, Денов туманидаги «Амир

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, баринчи китоб, -Термиз. 1996. 1-10 б.

² И.А.Каримов. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш - олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи. Маърифат. 2000. 25 март. 3-6 б.

³ И.А.Каримов. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш - олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи. Маърифат. 2000. 25 март. 1-6 б.

Темур» номидаги хўжалик 60 миллион сўм, Шўрчи туманидаги «Дониёров» номли хўжалиги 36 миллион сўм зарар билан чиқди. Чорвачилик 1996-2000 йилларда Шеробод туманида қора моллар сони 3 мингдан 500 тага, соғин сигирлар сони мингтадан 338 тага камайди. Натижада туман 1999 йилда чорвачиликдан 118 миллион сўм зарар кўрди¹.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги бу нуқсонлар агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилмаганлиги билан боғлиқ бўлиб, кузги шудгорлаш ишларининг кечикиб кетиши, ерга шудгорлашдан олдин фақат 35 фоиз гина минерал ўғит солиниши, 60 фоиз дан ортиқ ерларнинг текисланмай қолиб, уруғ қадашга тайёрланмаганлиги, суғориш ишларининг сифатли ташкил қилинмаганлиги, бир қатор туманларда бошоқли экинлар кучли даражада шўрланган мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларга ғалла экиб келинган, ўт босган майдонларга экин экилиши, техника воситаларининг мавсумга сифатли тайёрланмай келинганлиги сабаб бўлди. Вилоятда уруғчилик масаласига 1996-2000 йилларда жиддий эътибор билан қаралмаганлиги, деҳқончилик учун офат бўлган занг касаллиги, марока чигирткаларни йўқотишнинг олди олинмаганлиги ва бошқа сабаблар билан изоҳланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир хил шароитда чигит экиш муддатининг 10 кунга кечиктирилиши, ўртача ҳосилдорликнинг гектаридан 4-6 центрга паст бўлишига ёки ғалла ўрмининг 10 кунга кечиктирилиши, етиштириладиган ҳосилнинг 20-25 фоиз нобуд бўлишига олиб келади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказмаслик ҳосил чўғининг пасайишининг асосий сабабларидан биридир. Лекин, энг катта камчилик 1996-2005 йилларда вилоят раҳбарларининг ишни тўғри ташкил эта билмаслиги, ҳамон эски тузумдан қолган, маъмурий буйруқбозлик усулининг яшаб келганлиги, мутасадди раҳбарларда мулкка, ерга бўлган муносабат ҳамон ўзгармай келаётганлиги сабаб бўлган бўлса, бундан ташқари вилоятда қишлоқ

¹ И.А.Каримов. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш - олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи. Маърифат. 2000. 25 март. 1-6 б.

хўжалиги ривожига ҳалақит бераётган яна бир муаммо ўрта ва қуйи бўғиндаги раҳбар ходимлар ва мутахассисларни тайёрлаш ҳамда жой-жойига қўйиш масаласи билан боғлиқ¹. 1998-1999 йилларда вилоятда туман ҳокими ўринбосарларидан 32 нафари, жамоа ширкат хўжаликлари раҳбарларининг қариб 50 фоизи алмаштирилди. Деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, мулк эгасига ўзи яратаётган бойликнинг хўжайинига айланмас экан унинг ишида самара бўлмаслиги аниқ.

Бундай интилиш, кайфият ва ҳаракатлар сўзсиз, аввало, халқимизнинг раҳбарларга бўлган ишончини йўқотишга олиб келиши табиийдир. Президент И.А.Каримов бу муаммоларни ечиш йўллари ҳақида тўхталиб, «Агар биз жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириб, давлат идоралари қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти устидан жамоат назоратини ўрната олмас эканмиз юқорида тилга олинган иллатлар олға юришимизга ҳалақит бераверади»².

Жамоат назоратининг моҳияти шундаки, барча ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари, фаоллар, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини, катта кичик раҳбарларнинг ишга муносабатини назорат қилиб, уларнинг камчиликларини рўй рост очиб ташлаш керак³.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини юксалтиришнинг асосий омили меҳнат юмушларининг техник воситалар асосида бажарилишидир. Жаҳон тажрибаси тармоқ ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги, юқори унумдорлиги, ишлаб чиқариш кучларининг комплекс ривожланиши, илмий техника тараққиёти, моддий техника базасининг кучлилиги ва кадрлар учун шарт-шароит яратилганлиги билан бевосита мутаносиблигини кўрсатади.

¹ И.А.Каримов. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш - олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи. Маърифат. 2000. 25 март. 3-6 б

² Сурхон тонги, 2000 йил, 24 март, 1 бет.

³ И.А.Каримов. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш - олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи. Маърифат. 2000. 25 март. 5 б.

Буни фермерлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, АҚШда бир фермерга ўртача 150 гектар экин майдони тўғри келади. Бу кўрсаткич Канадада 190, Буюк Британияда 70, Францияда 35, Ирландия ва Люксембургда 33, Данияда 32, Олмонияда 18, Голландияда 17, Италияда 8 гектарга тенгдир. Лекин ер техника-фан ютуқларидан унумли фойдаланилгандагина натижалар юқори бўлиши мумкинлигини улар амалда исботлашди. Умуман қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий кўрсаткичлар техникададан оқилона фойдаланишга ва унинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ¹.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31-январдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси ташкил этилган эди. Бу тузилма таркибига 16 та корхона, 9 та қўшма корхона, 17 та минтақавий корхона, техника маркази, 72 та туман ва туманлараро бўлинмалар, шу жумладан, машина трактор парклари ва савдо уйлари киради. 2001 йилда жаҳон талабларига жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқармоқда. Улар томонидан 2001 йилнинг ўзида мамлакатимиз агросаноат мажмуига 2760 дона трактор, 971 дона трактор тележка, 100 дона пахта териш машинаси, 118 дона плуг, 994 дона борона, 80 дона пичан ўрадиган комбайн, 1066 дона культиватор ва 1 миллиард 239,6 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа техника воситалари етказиб берилди. Шу жумладан, лизинг асосида 2000 та трактор ва 404 дона тележка етказилган.

Сурхондарё вилояти туманлари марказларида жойлашган машина трактор парклари 2001 йилда ўзларини монополистларча тутиб, сифатсиз хизматлари эвазига жуда юқори тўлов шартлари билан қишлоқ хўжалиги корхоналарини анча ноқулай аҳволга солиб қўйди. Шунинг учун 2001 йилда хусусий муқобил хизматлар барпо этиш йўли билан агросервис тармоғида рақобатчилик муҳитини шакллантириш зарурати сезилди. Бу борада ривожланган давлатларидаги халқ хўжалигида лизинг хизматининг алоҳида

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2002. 11 апрел.

ўрни бор. XX асрнинг 40-50 йиларидан бошлаб Америкада илк бор жорий этилган бу хизмат тури айти пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлланилмоқда¹.

Республикамиз иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар мазкур хизмат турини жорий этиш масаласини кун тартибига қўйди. Кўп маблағ сарфламасдан ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш, замонавий техникага эга бўлиш, унинг афзалликларидан биридир. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30-октябрдаги қарори билан Республикамиз қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш ва тармоқ машинасозлигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «Ўзқишлоқхўжалик-машлизинг» компаниясини ташкил қилди. Компания ўз фаолиятини бошлаган, 2000 йилда лизинг асосида қишлоқ хўжалигига 700 миллион сўм миқдоридagi 471 дона техникани етказиб берди. 1999-2000 йиллар лизинг компанияси ишни тўла йўлга қўйиш, лизинг хизматини кенг миқёсда амалиётга киритиш учун бир қанча масалалар босқисма-босқич ҳал этилди².

2001 йилда компаниянинг жойлардаги 13 та филиали орқали 2339 дона трактор, 10 дона «Кейс-2002» русумли пахта териш машинаси ва 494 дона турли хил техника воситалари ширкат ва фермер хўжаликларига етказиб берилди. Компаниянинг мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга эканлигини кўрсатди. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш соҳаси жорий этилди. Иккинчидан, мулк шаклидан қатгй назар тармоқдаги жамоалар давлатнинг ғамхўрлигини сезишди. Лизинг хизмати жорий этилгач, одамлар иш билан таъминланди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳам жонланди. Лизинг компанияси айти пайтда ўз мижозларига берилаётган қийматининг 15фоиз ни олдиндан тўлашни таклиф қилиб, уларга катта қулайлик яратди. Шу боис лизингга олинган техникадан

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома., 1-хужжат 2002, 20 январ, 26 бет.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, биринчи китоб, -Термиз. 1996. 15 б.

самарали фойдаланиш ва унинг тўғри ишлатилишини назорат қилиш нафақат мижознинг балки компаниянинг ҳам фаолиятига киради. 2001 йилда янги таркибда техника олувчиларнинг учдан бир қисмини фермерлар ташкил қилди. Техникаларнинг лизинг асосида берилиши рақобатнинг кучайишига, хизмат сифатининг яхшиланиши ва етиштирилаётган маҳсулот таннархининг пасайиб кетишига олиб келди. Бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги инфратузилмасидаги барча бўғинлардан ҳисоб-китоб билан ишлашни тақозо этади. Мақсад ички имкониятлармизни ишга солиш ҳисобига импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва лизинг хизматини ривожлантиришга қаратилган¹.

Республикада аграр сиёсатда ерга эгалик қилиш ҳақидаги масала жуда долзарб масалалар бўлиб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданок барча фуқаролар ва юридик шахсларга ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш учун, хўжалик фаолиятини қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида 1998 йил 18 мартда “1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжаликдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида”ги, 1998 йил 22-апрелда «Дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлар, Олий Мажлиснинг янги таҳриридаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ва “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қишлоқ хўжаликдаги ислохотларнинг иккинчи босқичида қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни шакллантириш, мулкый пайлар ва оилавий пудрат тизимини жорий этиш асосида қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, тупроқ унумдорлиги ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, селекция ва уруғчиликни яхшилаш, рақобатбардош қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали меҳнат унумдорлиги ва маҳсулдорлиги ошириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини сезиларли даражада кўтаришга қаратилган. Мазкур ислохотларнинг моҳияти

¹ И.А.Каримов. «Дехқончилик тараққиёти манбаи». -Т.: «Ўзбекистон». 1994.

қишлоқда ер ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳақиқий эгасини аниқлаш имконинини берувчи янги мулкчилик муносабатларини шакллантиришдир. Ушбу фармонлар ҳамда қарорлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни замон талаблари асосида ташкил қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада, ҳукумат қарори билан фермерларга ер ажратила бошланди. Хўжалик раҳбарлари кўпинча янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига ва фермерларга тупроғи унумсиз ёки тошлоқ, сув чиқиши қийин бўлган, шўрланган, унумдорлиги паст ерларни ажратиб бера бошладилар. Бу нарса айрим раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти қонунларни тушуниб етмаганлиги, унинг асл моҳиятини, шарт ва талаблари, маъно ва мазмунини англамай туриб, шунчаки номига, хусусий мулкка айлантириш ҳолатларига дуч келина бошлади. Президент бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш муддати келганлиги тўғрисида тўхталиб «Фермер бугунги жамиятнинг энг фаол азоси. Фаолгина эмас, энг ишончли азоси. Бу ҳақиқатни раҳбарлар ўнг қулоғи билан ҳам, чап қўлоғи билан ҳам эшитиб олсинлар. Агар керак бўлса, айрим хўжалик раҳбарлари иш юритишни фермер ҳалқидан ўргансин», -деб таъкидлади¹.

Ер чинакам хўжайинига тегиб қишлоқда фермер, деҳқон сектори амалда шаклланди. Натижада, 1994 йилда деҳқон фермер хўжаликлари сони 1,9 баробарга кўпайди ва йил охирида 25 мингтани ташкил этди. Шундан 10 минг хўжалик, чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган эди. Фермер хўжаликлари экинзорларининг умумий майдони 1994 йилда 1993 йилга нисбатан 2,7 ортди. Бу ерда дон етиштириш 3, картошка ва сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш 3,3, гўшт етиштириш 3, сут етиштириш 2,1, тухум етиштириш 1,3 кўпайди. Булар фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган амалий натижасидир². Сурхондарё вилоятида фермер хўжаликлари 1995 йилда 49,0 минг тонна пахта, 33,7 минг тонна бошоқли дон, 0,04 минг тонна шоли, 5,4

¹ И.А.Каримов. «Деҳқончилик тараққиёти» манба. -Т.: «Ўзбекистон». 1994. 14-б.

² И.А.Каримов. «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». -Т.: 1995. 68-б.

минг тонна сабзавот, 0,3 минг тонна картошка, 3,2 минг тонна полиз, 3,1 минг тонна хўл мева, 2,1 минг тонна узум, 2,80 минг дона тухум тайёрлади¹.

Дехқон фермерлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб, 1998 йилда 42949 тонна ғалла, 2142 тонна маккажўхори, 161,9 минг дона тухум, 3264 тонна сут, 8456 тонна узум, 9494 тонна сабзавот, 4264 тонна бошоқли дон, 289 тонна картошка, 6398 тонна полиз маҳсулотлари, 1155 тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб давлатга сотилди².

Вилоят бўйича 2000 йилда 3017 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, кичик ва ўрта бизнес субъектлари бўлган фермер хўжаликлари ва ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликларининг сони 413 тага кўпайди. 2000 йилда вилоятда 164 минг 520 та дехқон хўжалиги бўлиб, шулардан 325 таси ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлди. 2000 йили ўртача ҳар бир дехқон хўжалигига тўғри келадиган ер майдони 0,17 гектарни ташкил этди. 2000 йил ҳосили учун фермер хўжаликлари 31153 гектар ерга бошоқли дон, 42000 гектар ерга пахта,³ 113 гектарга картошка, 323 гектарга сабзавот, 107 гектарга полиз, 543 гектар майдонга озуқа экинлари экди. 2000 йилнинг 1 июнь ҳолатида 1999 йил 1 июнь ҳолатига нисбатан қорамоллар сони 125,5 фоиз, жумладан, сигирлар 125 фоиз, чўчқалар 583,3 фоиз, паррандалар 202 фоизга кўпайди⁴. Дехқон ва фермер хўжаликларини икки томонлама шартномалар асосида моддий-техника ресурслари, минерал ўғитлар ва ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича ҳам амалий ишлар олиб борилди. 2000 йилда 1550 та фермер хўжаликлар 112058 тонна пахтага, 995 та фермер хўжаликлари 24108 тонна донга, 685 та фермер хўжаликлари 79,6 тонна пиллага, 43 та фермер хўжаликлари 107 тонна гўштга, 83 та фермер хўжаликлари 2470 тонна сутга, 35 та фермер хўжаликлари 476 тонна

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. биринчи китоб, -Термиз. 1996. 1-3 б.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси. биринчи китоб, -Термиз. 1999. 1-13 б.

³ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, иккинчи китоб, -Термиз. 2001. 15 б.

⁴ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома., 1-ҳужжат, 2001, 3 феврал, 8 бет.

сабзавотларни тўғридан-тўғри заводларга топшириш учун «Ўздонмахсулот» ташкилотлари ва бошқа тайёрлов идоралари билан шартномалар тузди. Шунингдек, нефтбазалар билан 1150 та фермер, минерал ўғитлар олиш учун 1225 та фермер, МТПлар билан 1097 та фермер икки томонлама шартномалар тузди. Вилоятда 2000 йилда 164,520 шахсий ёрдамчи хўжаликлар деҳқон хўжаликлар сифатида қайта рўйхатга олиндилар, жумладан, 2000 йилда 411 та деҳқон хўжалиги ташкил қилиниб, фермер хўжаликларига МТП ташкилотлари 179 млн сўмлик хизмат кўрсатдилар. «Агрокимётаъминот» ташкилотлари томонидан эса 6325 тонна ҳар хил минерал ўғитлар фермер ва деҳқон хўжаликларига 720 тонна бензин, 3200 тонна дизель ёқилғиси етказиб берди¹.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлашти-риш бўйича вилоят комиссияси томонидан 2002 йилда қишлоқда ҳуқуқий мулкдорлар синфини шакллантириш, мулкый пайлар ва оила пудратини жорий этиш асосида қишлоқ хўжалиги ширкат-ларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ва аграр секторда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг ерга ва мулкка эгаллик қилишлари, ўзлари етиштираётган маҳсулотлардан тўлиқ баҳраманд бўлишлари бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда 4 та, Шеробод туманининг «Истиқбол», Бандихон туманининг «Хўжаипок», Музработ туманининг «А.Икромов» ва Шўрчи туманининг «Г.Ниёзов» хўжаликлар негизида 69 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат килиш учун иккита мини банк, тўртта ёнилғи қўйиш, тўртта кимёвий маҳсулотлар сотиш шаҳобчаси, тўртта муқобил МТП ва тўртта сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди².

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги. Иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, иккинчи китоб, -Термиз. 2001. 3-4 б.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома, 5-хужжат, 2003 йил, март, 26-бет.

Ички хўжалик шартномаларининг тўғри тузилиши ҳамда шартнома шартларининг бажаришини назорат қилиш мақсадида барча туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида мониторинг журналлари очилиб, тузилган шартномаларнинг ижроси бўйича мониторинг ишлари олиб бориш йўлга қўйилди.

2000-2005 йилларда республикаимиз иқтисодиётида ижобий ўзгаришларга эришишда банкларнинг иштироки сезиларли да-ражада ўсиб, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилаётган кредит қўйилмалари, кичик ва ўрта тадбиркорликни молиявий қўллаб қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, замонавий технологиялар асосидаги инвестицияларнинг ортиб бориши билан белгиланди. 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, унга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар банк соҳасини ислоҳ қилиш, бозор шарт-шароитларига мос келадиган банк муассасаларини ташкил этиш йўллари белгилаб берди. Натижада аҳолининг ўтиш даври талабларини қондира оладиган тижорат ва хусусий банк тармоқлари вужудга кела бошлади. 1994 йилда «Ғаллабанк», 1995 йилда «Ўздеҳқонсаноатбанк» негизида «Пахта банк», ундан ташқари «Савдогарбанк», «Мевасабзавотбанк», «Тадбиркорбанк» ва бошқалар ташкил этилди. 2005 йилда «Ғаллабанк» мамлакатимизнинг минтақаларида фаолият кўрсатаётган 32 та филиал, 31 та мини банк, 76 та жамғарма ва 41 та валюта айирбошлаш шохобчаларига эга бўлган банкдир. Улар иқтисодиётининг турли жабҳаларида иш юритувчи 39566 та хўжалик субъекти ҳамда жисмоний шахсларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда¹.

Микрокредит механизми бўйича банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармасидаги қарийб 753,1 миллион сўм миқдоридаги кредитлар кичик ва ўрта тадбиркорлар, микрофирмалар, фермерлар ҳамда деҳқон хўжаликларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги «Кичик корхоналар, деҳқон ва

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 1-ҳужжат, 2005 йил, март, 7-бет

фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш туфайли, банк йилда 8657,0 минг сўм соф фойда олди. Республика «Пахтабанк» томонидан 2002 йилда қишлоқ тадбиркорларига, 5,3 миллиард сўм ёки жами ажратилган маблағларнинг 45 фоиз миқдоридан кредит берди. Республикада фаолият юритилаётган 70 мингдан зиёд фермер хўжаликларидан 50 минггасига ёки 76 фоиз га шу банк орқали хизмат кўрсатилди. Ҳукумат томонидан зарар кўриб ишлаётган 177 та қишлоқ хўжалик корхонасини фермер хўжаликларига айлантириш вазифаси кўйилганлиги муносабати билан 2003 йилда банкнинг хусусий тармоғига молиявий ёрдами янада кўпроқ аҳамиятга эга бўлди. Тадбиркорлик бюджетдан ташқари жамғармалар орқали ҳам молиявий қўллаб-қуватлаб борилди. 2002 йилда мулкдорларнинг кичик корхона, деҳқон ва фермер хўжаликларининг бошланғич сармояларини шакллантириш учун «Пахтабанк» томонидан бизнес фонд йўналиши бўйича 69,6 миллион сўм имтиёзли кредит, деҳқон ва фермер хўжаликларига 75,9 миллион сўм кредит берилди¹.

Сурхондарё вилоятида фермер хўжаликларини ривожлантириш учун 2000 йилнинг 6 ойи давомида 281 та фермер хўжалигига 457960 минг сўм кредит маблағлари берилди.

Шу жумладан, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 370000 млн сўм, нобюджет маблағлари ҳисобидан эса 87960 млн сўмлик кредит қишлоқ хўжалигига ажратилди. 2002-йили Сурхондарё вилоятида янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат қилиш учун ва иккита мини банк ташкил этилди.

Президентимиз И.Каримов қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот борасидаги бир муҳим масалага тўхтатилиб, деҳқон фермер хўжаликлари сонини кескин оширишда меҳнат самарадорлигини оширишда ечимини кутаётган муаммо ва масалалар бор. Шулардан бири фермер (деҳқон) хўжалиги ва шу хўжалик ташкил қилинган ерда фаолият

¹ «Халқ сўзи» газетаси. 2003. 5 апрел.

кўрсатаётган давлат ёки жамоа хўжаликлари савхоз, колхоз, ширкатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқ бир йўлга қўйиш, уларнинг алоқаларини ҳуқуқий замин асосига қуриш зарурлигини таъкидлади.¹ Фермерларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш мақсадида Сурхондарё вилоятида 2002 йилда фермер хўжалиklarининг иқтисодий курси бўйича «интелект» Бизнес инкубаторларида ўқишлар ташкил этилди. Фермер хўжалиklarининг раҳбар ва мутахассисларидан қирқ нафари ушбу курсни ўқиб тугатдилар².

Шу билан бирга, фермер хўжалиklarининг йўлига тўсиқ бўлаётган уни ривожланишига ҳалиқит бераётган қуйидаги ҳолатлар мавжудлигини таъкидламоқ зарур:

- тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи, таъминот идораларининг қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етиштириш юзасидан тузилган контракция шартномаларини ўз вақтида ижро этмаслиги ҳоллари кузатилмоқда;
- Айрим ҳолларда раҳбарларнинг айби билан тадбиркорлар режадан ташқари етиштирилган ҳосилга эгаллик қила олмаяпдилар;
- Фермерларда моддий-техник база етишмаяпти;
- Банкерларнинг фермерларга пул маблағлари ва кредитлар беришда ва улардан эркин фойдаланишга муаммолар мавжуд.

Шунга қарамасдан ўтган йиллар мобайнида Сурхондарё вилояти иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиқ соҳасида олиб борилган ислохотлар ижобий натижаларни берди. Вилоятда оммавий пудратчиларининг деҳқон фермерларнинг ҳуқуқ билимларини ошириш, шартнома шартларини банк томонидан бериладиган мажбуриятларини тушунтириш, чек тизимининг моҳияти ва юритилиши, ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, манфаатдорлигининг тушунтириш мақсадида ҳар бир ширкат хўжалигида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари томонидан 2005-йили ўқув семинарида ташкил қилинди. Вилоятнинг Музрабод, Ангор, Термиз,

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 11-ҳужжат, 2003 йил, июн, 28-бет

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 11-баённома, 8-ҳужжат, 2003 йил, ноябр, 34-бет

Шеробод, Жарқўрғон туманидаги оилавий пудратчиларига деҳқон-фермерларга узвий семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарган маҳсулотларга ҳаридор топиш, узоқ муддатли кредитлар бериш, текин «реклама», янги таклиф ва шартномалар орқали ўз маҳсулотини сотиш каби қулай имкониятларни ўрта ва кичик мулкдорлар синфига, тадбиркор фермерларга яратиб бериш мақсадида чиқарилган фармонлар ўз натижаларини бера бошлади¹.

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик танловининг аҳамияти йилдан-йилга ортиб борди. 1997 йил апрелида Термиз шаҳридаги зобитлар уйида «Ташаббус-96» кўрик танлови ва вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. «Энг яхши деҳқон фермер» Денов туманидаги Ўроқ Қодиров номли фермер хўжалиги биринчи, Қизириқ туманидан Камолхон Комилов иккинчи, Ангор туманилик Исоҳон Баҳромов бошлиқ деҳқон фермер хўжалиги учинчи ўринни қўлга киритди. Бу танловда Биринчи ўринни олганлар учун 6,5 миллион сўм, иккинчи ўрин учун 3 миллион сўм, 3 ўрин учун 2 миллион сўмгача имтиёзли кредит берилди².

Сурхондарё вилоятида «Ташаббус» Республика кўрик танлови ғолиблари, вилоят тадбиркорлари ва фермерилардан Гулчехра Ҳайдарова Президентнинг юксак мукофоти-«Нексия» автомашинаси билан, «Ташаббус-2002» кўрик танловида эса Денов тумани «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллоев мамлакатимиздаги энг яхши фермер деб тан олинди, кўрик танловининг олтин медали ва Президент совғаси-«Матиз» автомобилни қўлга киритди³. Президент фармони билан 2003 йил 25 августда Аҳмад Нарзуллаев «Ўзбекистон қахрамони» деган юксак мукофотга ҳам

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 4-баённома, 7-ҳужжат, 1997 йил, март, 29-бет

² Сурхон тонги. 1997. 4 март.

³ «Чағониён» газетаси. 2003. 14 феврал.

сазovor бўлди.¹ Қишлоқ хўжалигида эришилган мувафақиятлар билан бир каторда бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Биринчидан, амалдаги қоидаларга кўра ер солиғи икки муддатга: 1-июлгача ва 1-декабргача олинади. Аммо қишлоқ хўжалиги молиявий натижалари йил охиригача бир марта шаклланади. Солиқ олишнинг биринчи муддатига қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ тўлаш имкониятига эга бўлмайдилар. Солиқ органлари эса солиқ тўланмаган ҳар бир кун учун устама жарима солишади ва шу тарзда солиқнинг асосий суммаси тобора ошиб боради. Шунинг учун солиқ қонунчилигига бироз ўзгариш киритиб, ҳар йилнинг якуни бўйича ягона тўлов муддати жорий қилиниши зарур. Иккинчидан, қишлоқ туманлари марказларида жойлашган машина, трактор парклари амалда ўзларини монополистларча тутиб, баъзида сифатсиз хизматлари эвазига жуда юқори тўлов шартларини қўйиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини анча ноқулай аҳволга солиб қўйди. Шунинг учун хусусий муқобил хизмат турларини барпо этиш йўли билан агросервис тармоғида рақобатчилик муҳитини шакллантириш лозим. Учинчидан, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларнинг фикрига кўра қатъий банк тизими бўйича ўтказилаётган молиявий ўзаро ҳисоб-китоблар тизими хўжасизликка йўл қўйилишига ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг соф фойда олишга қизиқилишининг сусайишига сабаб бўлди².

Натижада бу соҳадаги фойда билан ишловчи корхоналар ҳам зарар билан ишловчи корхоналар ҳам ўз маблағларидан эркин фойдаланмаганлиги қайд этилди. Шунинг учун молиявий бақувват қишлоқ хўжалиги корхоналари олдида кўнгдаланг турган бундай тўсқинликка барҳам бериш ва улар ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш чегаралари кўриб чиқилди; Тўртинчидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, сотиш, қайта ишлаш мақсадида юкларни етказиб бериш ва олиб кетиш нуқталари ташкил этилди. Бешинчидан, қишлоқ

¹ «Маърифат», 2003 йил 27 август.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 9-баённома, 1-хужжат, 2003 йил, сентябр, 43-бет

хўжалигида суғориш ишлари такомиллаштирилиб, замонавий жаҳон андозаларига мос илғор технологиялар жорий этилди. Ўзбекистон шароитида ўсимликларни ёмғирлатиб суғориш ишлари усулининг афзаллик томонлари кенг тарғиб қилиниб, ёмғирлатиб суғориш технологияси кенгайтирилди, моддий техника базаси, таъмир ва сервис хизмати кучайтирилди. Ёмғирлатиб суғорувчи аппаратларни ишлаб чиқариш ва унга сервис хизмати кўрсатиш ташкил этилди. Ўзбекистонда кичик хажмдаги қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиб, кичик ва ўрта фермер хўжаликлари оммавий равишда қулай машиналар билан таъминланди.¹ Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигида 2000-2005 йилларда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экилиб, пахтанинг «Юлдуз», «Бухоро-б» каби навларидан 28 центнергача юқори ҳосил олишга эришилди. Республикамизда Сурхондарё деҳқончилик мактаби деган янги фахрли ном вужудга келди. Жарқўрғон, Термиз, Музрабод туманларида жуда яхши ўсадиган қанд лавлаги экиш ва ундан ҳамкорликда шакар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилиб ишга туширилди.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Сурхондарё вилояти иқтисодиётида муҳим соҳа бўлган қишлоқ хўжалиги ўтиш даврининг дастлабки босқичларида муҳим натижаларга эришди. Вилоят қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, янги имкониятларга эга бўлиб, деҳқончилик маданияти анча ривожланди. Қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислоҳотларнинг муҳим натижаларидан бири шу бўлдики, деҳқонлар ерга нисбатан мустақил бўлиб, ишлаб чиқарган маҳсулотини бозорга эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунингдек, эски фикрловчи, боқимандалик кайфиятидан қутилиб, моддий жиҳатдан ўз аҳволини яхшилаб олди. Жамиятда деҳқон хўжаликлари, фермерлар, шахсий деҳқон хўжаликлари ўзларининг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат унумдорлигига эга бўлди. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 5-хужжат, 2005 йил, декабрь, 31-бет

натижасида эски маъмурий буйруқбозлик усулларидан воз кечилиб, деҳқонлар янги техника воситалари ва технологиянинг замонавий йўналишларидан ўз хўжаликларини юритишда кенг фойдаландилар. Ўзбекистон давлатининг қишлоққа нисбатан сиёсати илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва республика учун маъқул бўлган томонларини олиш, ўзбек халқининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасидаги тарихий анъаналарига, миллий хусусиятларига суянган ҳолда, ўзбек модели асосида шаклланмоқда ва тарихан қисқа давр ичида бу соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Шу билан бирга, бозор ислохотлари тобора чуқурлашгани сари иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин бўлган барча усул ва воситалардан самарали фойдаланилмаяпти. Масалан, иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири меҳнат унумдорлигидир. Меҳнат унумдорлигининг ошиши ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, инфляция жараёнларининг олдини олиш, харажатларни камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ташқи ва ички бозорда рақобатбардошлигини ошириш каби ишчи-ходимлар иш ҳақини ошириш учун реал имконият яратади. Лекин, объектив ва субъектив сабабларга кўра, Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги кўпчилиكنинг диққат-эътиборидан четда қолиб келмоқда. Бунинг боиси, баъзи тоифадаги раҳбар шахсларда, шунингдек, айрим олимларда бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлигининг ошириш йўллари тўғрисида нотўғри фикрлар шаклланиб қолганлигидир. Уларнинг фикрига кўра, гўёки бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлиги ўз-ўзидан ошиб бораверар экан. Шунинг учун бу жараёнга давлат органлари томонидан макроиқтисодий таъсир ўтказишга, махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишга зарурат қолмаганлиги таъкидланмоқда.

Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда ЯИМ ҳажмининг 60-70 % меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига оширилади. Мутахассислар ўтказган тадқиқотлар Сурхондарё вилоятида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш

учун кенг имкониятлар борлигини кўрсатди. Масалан, фақат меҳнат интизомини кучайтириш, ишга кечикиш, техниканинг беҳуда тўхтаб қолишларини камайтириш эвазига саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини 30 % га кўтариш мумкин экан¹.

Бу ва бошқа объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра Сурхондарё вилояти ҳозиргача республиканинг дотация бериладиган ҳудудларидан бири ҳисобланади. 2002 йилда маҳаллий эҳтиёжларга сарфланаётган бюджет маблағларининг 30 % ни республика бюджетидан ажратилаётган субсидия ва дотациялар ташкил этди².

Лекин ўтиш даврига хос бўлган бу салбий хусусиятлар республика вилоятларида амалга оширилаётган ислохотларнинг умумий йўналишига, унинг бунёдкорлик тамойилларига таъсир қилмади. Чунки бош ислохотчи бўлиб майдонга чиққан Ўзбекистон давлати, Президент И. А. Каримов амалга ошираётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни бутун халқ қўллаб-қувватлади. Энг муҳими, Ўзбекистон халқи тараққиётимизнинг асосий йўналиши бозор муносабатларига ўтишда эканлигини англаб етди.

¹ Ўша жойда: Сурхондарё бўлимининг 2002 йилдаги илмий, илмий-ташкилий фаолияти бўйича йиллик ҳисоботи материаллари (17/ХП/2002 й.). - Сурхондарё, 2002. - Б. 49-50.

² Пугач И. ва бошқ. Экономика регионів... - С. 17.

II.2. Воҳада маданий ҳаётнинг юксалиши

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги долзарб муаммолардан бири жамиятга муносиб кишиларни тарбиялаш, ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш учун кенг имкониятлар яратишдан иборат эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» китобида «Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят рангбаранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни демократик жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради»¹-деб кўрсатиб ўтган эди.

Маълумки, ҳар бир жамият ўз тарихий тараққиёти давомида сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтишда бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Эски тизим сарқитларини бартараф этиш, бошлаб юборилган ислохотларга тўғаноқ бўлаётган Совет мафкурасига хос маъмурий буруқбозлик тизимидан воз кечиш, миллий урф-одатларни, қадриятларни, анъаналарни тиклаш, миллий маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб, долзарб масала бўлди. Кишилар тафаккуридаги миллий мустақиллик мафкурасини ҳар томонлама мукамал ривожлантириш, кишиларнинг дунёқарашида Совет тузумига хос сарқитларни бартараф этиш учун тинимсиз меҳнат қилиш талаб қилинди. Ўтиш даврида амалга оширилаётган ислохотларда инсон омили биринчи ўринда турса, ислохотлар шу қадар муваффақиятли кечади, чунки ислохотлар инсон манфаатларига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бозор ислохотларининг муҳим таркибий қисми бўлган кучли ижтимоий сиёсатга етарли баҳо берилмаган жойда ижтимоий кескинлик ва қарама-қаршилик вужудга келишини бугунга

¹ И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли». -Т.: «Ўзбекистон». 1992.

кунда ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Бу эса, ўз навбатида, ислохотларни обрўсизлантириб қўйиши мумкин»¹.

Халқнинг маънавий дунёқарашини мукамал ривожлантириш учун аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият манбаларини чуқур ўрганиш, қайта тиклаш, тарғиб этиш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий турмушни яхшилашга, маънавий дунёқарашни ривожлантиришга оид ислохотлар мустақилликнинг даслабки йилларидан бошлаб амалга оширила бошланди.

Маънавиятнинг бойлиги, келажак пойдеворининг мустаҳкамлигидан далолат беради. Бугунги истиқлол дамларида эзгу қадриятлар ва анъаналаримиз асосида яратилаётган мустақиллик мафқураси ҳам бой маънавий меросимизнинг устунидир. Мафкура ва манавиятни бойитишда халқимизнинг асрлар оша асраб ва бойитиб келинган боқий анъаналари ва қадриятларининг ҳам ўзига хос муносиб ўрни бор.

Мустақиллик йилларида вилоятда ўтмишда яшаб ижод этган кўплаб алломаларнинг ҳаётини, меросини ўрганиш, уларнинг асарларини таҳлил қилиш ва нашр эттириш мақсадида ҳам қатор ишлар олиб борилди. Мозийга янгича нуқтаи назардан эътибор ҳамда юртимиз ўтмишини ўрганишга бўлган чанқоқликнинг ошганлиги сабабли олим ва адиблар ташаббуси билан ўтмишда ўтган ўнлаб воҳадошларимизнинг номлари халққа етказилиб, нашр қилина бошланди. Ана шундай алломалардан бири Алоуддин Аттордир. 1994 йил 10 июнда Денов шаҳрида Нақшбандий йўналишининг буюк намоёндаларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 йиллар)нинг биринчи шогирди, куёви ва халифаси Хожа Алоуддин Аттор ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. 1992 йилда вилоят ҳокимлиги шоир Адиб Собир Термизий номини адабийлаштириш ҳамда вилоятда ижод қилаётган қатор ижодкор ва санъаткорларни қўллаб-қуватлаш мақсадида «Адиб Собир Термизий» мукофотини таъсис этди. Ушбу мукофот ҳар йили мустақиллик байрами арафасида жорий йил

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т., «Ўзбекистон» 6-жилд, 1998. 163 бет.

давомида вилоят телевидениясида намоёиш этилган кўрсатув, газеталарда эълон қилинган мақола ҳамда театрда қўйилган асарлар, вилоят тарихи, адабиёти ёритилган рисола ва китоблар учун бўладиган танлов ғолибларига бериладиган бўлди¹. 1993 йилда мукофотнинг биринчи соҳиблари сифатида вилоятнинг йирик адиби Мингзиё Сафаров, рассом Турсунпўлат Узоқов ҳамда бахши Шоберди Болтаевлар тақдирландилар. 1994 йилда эса воҳалик шоир Низомжон Парда, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, «Сурхон тонги» газетасининг маъсул котиби Муҳаммаджон Азимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевлар адиб «Собир Термизий» мукофотининг совриндори бўлдилар².

Мустақиллик йилларида давомида вилоят маданияти ва адабиёти билан бир қаторда театр санъатида ҳам жадал ривожланиш жараёнига ўтилди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 мартдаги «Театр санъатини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг вилоятнинг санъат даргоҳларидан бири Маннон Уйғур номидаги мусикали драма театрининг репертуарлари ҳам рангба-ранг мавзу ва жанрдаги қатор драматик асарлар билан бойиди. Театр жамоаси ўз ишини янги давр талаблари асосида қайта қуриш жараёнида сахнада ижро қилаётган асарларининг кўпроқ миллий бўлишига ҳаракат қилди. Жуда катта ижодий кучни ўз бағрига олган театр жамоаси ўз репертуарини воҳа ижодкорларининг асарларини сахнага олиб чиқди. Вилоят мусикали драма театрида таниқли журналист Норкул Ҳайиткуловнинг «Юлдуз сўнди», Исомиддин Отакулнинг «Қамашган кўзлар», Хуррам Мақсадкуловнинг «Садоқатли арвоҳ» каби асарлари сахналаштирилди³.

Театрнинг ижодий жамоаси 1993-1994 йилларда шоир ва драматург Низомжон Парда қаламига мансуб бўлган адиб Собир Термизий номли

¹ Шониёз Сафаров. Термиз ва Термизийлар. Термиз «Жайхун» 1993. 91-92 б.

² Сурхондарё ВДА 95-ж, 1-р, 25-иш, 225 в.

³ Шониёз Сафаров. Термиз ва Термизийлар. Термиз «Жайхун» 1993. 38 бет.

пьессани сахналаштирди. Театрнинг меҳнат севар аҳли бу асар учун 1994 йилда «Адиб Собир Термизий» мукофоти билан тақдирланди¹.

1995 йил 5 ноябрда Маннон Уйғур номидаги вилоят муסיқали драма театри ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланди. Театрда таниқли драматург Машраб Бобоевнинг «Ўчмасин чироқ» номли асари сахнага кўйилди. Театр жамоаси 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 660 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда ҳам муносиб катнашиб «Темур ва Йилдирим Боязид» номли пьесани театр сахнасига олиб чиқишди. Театрда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист»лар Мансур Равшанов, Гулнора Равшанова, Мариям Махмудова, Тошмуров Эргашев, Амрулло Нарзуллаев каби тажрибали актёрлар, С.Мукимов, Р.Маматалиев, Х.Орипов, М.Шарипов, З.Боқиева, Е.Мирқурбонов каби ижодкорларнинг меҳнати бекиёсдир².

Театрда миллий урф-одатларни тараннум этувчи ва улуғловчи асарлар сахна юзини кўрди. Ф.Мусаждоновнинг «Олифта», Х.Расулнинг «Узоқдан келган куёв», Р.Муҳаммаджоновнинг «Ака-ука совчилар», Ш.Бошбековнинг «Темир хотин», Х.Муҳаммаднинг «Хотинлар ҳазили», Хамзанинг «Жононга бордим бир кеча» асарлари асосида сахналаштирилган спектакллар шулар жумласидандир.

Қадимий урф-одатлар ва қадриятларимизни, фольклор-этнографик санъатимизни, анъана ва удумларимизни тиклаш ва уларни бойитиш, сайқал бериш, томошабин эътиборига етказиш борасида айниқса катта ишлар қилинди. М.Хайруллаевнинг «Олам сеники», М.Ниёзметовнинг «Қорбобо ва ялмоғиз», М.Қодировнинг «Сеҳрли узук», У.Азимовнинг «Бир қадам йўл», Х.Хурсандовнинг «Қайсар чолнинг қилиғи», «Кампир топайми, дадажон», Э.Хўшвақтовнинг «Қаллиқ ўйини», «Чимилдиқ», О.Салимовнинг «Сеҳрли қоп», Ж.Маҳмудовнинг «Осмондан тангга ёққан кун», «Дангсалар салтанати» спектакллари халқимиз томонидан муносиб қадрланди³.

¹ Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармасининг жорий архиви, учунчи китоб, 2000 йил, 18 бет.

² С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: «Шарқ». 2001. 355-б.

³ Сурхондарё ВДА, 95-ж, 1-р, 25-иш, 227 в.

Халқимиз тарихини, маданиятини, адабиётини ва санъатини сахна асарлари воситасида кенг тарғиб қилиш, миллий давлатчилигимиз тарихини ёритиш, буюк аجدодларимиз сиймосини яратишга жиддий эътибор қаратилди. Уйғун, И.Султоннинг «Алишер Навоий», Қ.Абдунабиевнинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязид», У.Азимнинг «Алпомишнинг қайтиши», Н.Парданинг «Адиб Собир Термизий», Т.Зулфқоровнинг «Қафасдаги каклик» асари, Ш.Раҳматуллаев ташаббуси асосида яратилган «Шоҳ ва шоир» спектакллари театр сахнасида намойиш этилди¹.

Бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган терроризм, диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби «Аср вабоси» деб ном олган жирканч иллатларни, уларнинг чиркин кирдикорларини фош этишга, уларга қарши мурасасизлик билан курашишга, огоҳлик ва сергакликка давъат этувчи, миллатимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат, ватанга садоқат, ота-она, ака-ука ва одамларга нисбатан мухаббат, фақат эзгулик сари чорловчи халқимизни, хусусан, ёшларни тўғри йўлга бошқарадиган маънавий-маърифий тарбияга ҳамда сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сахна асарларини яратиш театр жамоасининг ўз олдига қўйган долзарб вазифаларидан бири бўлди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида М.Бобоевнинг «Қўнғироқлар жаранги», Х.Расулнинг «Фаришта», Х.Хурсандовнинг «Қайсар чолнинг қилиғи», «Пагон таққан одамлар», «Мухаббатим қисматим менинг», «Дард кўрмаган эрка болам», Р.Орифжоновнинг «Уйқусиз тунлар», М.Ҳазратқуловнинг «Интизор», Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси лойиҳаси асосида сахналаштирилган «Ҳазон бўлган умрлар» шулар жумласидандир².

¹ Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармасининг жорий архиви, туртинчи китоб, 2005 йил, 35 бет

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 2006 йил, февраль, 44 бет

Театрда сахналаштирилган Н.Парданинг «Адиб Собир Термизий» спектакли учун ижодкорлардан бир гуруҳи «Собир Термизий» мукофотига сазовор бўлдилар. 1994 йилда Х.Расулнинг «Фаришта» спектаклида она образини яратган Ўзбекистон халқ артисти Г.Равшанова «Йилнинг энг яхши аёл»роли «Саҳна маликаси» мукофоти билан тақдирланди. Х.Хурсандовнинг «Ўлдинг азиз бўлдинг» спектакли «Андижон баҳори-2001» фестивалида сахналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистон санъат арбоби М.Равшанов «Режиссурада янги талқин», актёр Р.Раҳматов «Энг яхши рол ижрочиси» номинациялари бўйича мукофотландилар¹.

Қ.Абдунабиевнинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» спектакли учун режиссёр М.Равшанов халқаро театр фестивалининг бош совринини қўлга киритди. Ҳ.Ориповнинг «Амир Темур» роли учун, Р.Маматалиев, «Йилдирим Боязид» роли учун, Б.Рамазонов «Масхара» роли учун кимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. «Ҳазон бўлган умрлар» спектаклининг режиссёри Ф.Болтаев «Дебют-2005» фестивалининг кимматбаҳо совғаси билан мукофотланди. 2002 йилда ўтган «Сарҳисоб» республика театрлар санъати фестивалида режиссёр М.Равшанов «Режиссёрнинг драматург билан ҳамкорлиги учун» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. 2005 йил «Бойсун баҳори» Халқаро фольклор-этнографик фестивалида Х.Хурсандовнинг «Кампир топайми, дадажон» спектакли ғолиб деб топилди ва диплом билан тақдирланди. Шунингдек, театр мунтазам равишда Бойсун шаҳридаги 12-сон меҳрибонлик уйи, ногиронлар санаторияси, Тўпаланг сув омбори ва ГЭСИ, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурувчиларига, чегарачиларга, аскарларга, ўқувчи-талабаларга, қишлоқ хўжалиги ходимларига, хотин-қизлар ҳамда ёшларга ҳайрия спектакллари ва концертлари ташкил этдилар. 2005 йилда театр жамоасида 106 нафар санъаткор ва ишчи ходимлар самарали меҳнат қилиб, жамоа аъзоларидан икки нафари «Ўзбекистон халқ артисти», бир нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», саккиз нафари

¹ Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармасининг жорий архиви, бешинчи китоб, 2006 йил, 49 бет

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», бир нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонлари билан мукофотланди. Жамоанинг фаол аъзоларидан катта гуруҳи Ўзбекистон ордени ва медаллари билан тақдирланди. Жамоа эзгулик йўлида камтарона меҳнат билан банд бўлиб, халқимиз ҳурматини қозонди¹.

Шунингдек, вилоят туманларида ҳам кўплаб драма ва кўғирчоқ халқ театрлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. 1960 йилда «Халқ театри унвони»ни олган Термиз шаҳар маданият уйи қошидаги драма халқ театри; 1968 йили «Халқ театри унвони»ни олган Термиз шаҳар Маданият уйи қошидаги «Буратино» кўғирчоқ халқ театри; 1968 йилда «Халқ театри унвони»ни олган Жарқўрғон тумани Маданият уйи қошидаги драма халқ театри; 1960 йилда «Халқ театри унвони»ни олган Денов тумани Маданият уйи қошидаги драма халқ театри; 1988 йилда «Халқ театри унвони»ни олган Узун тумани маданият уйи қошидаги драма халқ театри; 1989 йилда «Халқ театри унвони»ни олган Олтинсой тумани «Вахшивор» қишлоқ маданият уйи қошидаги «Ёрилтош» кўғирчоқ халқ театри; 1996 йилда «Халқ театри унвони»ни олган Шўрчи маданият уйи қошидаги миллий дарбозлар халқ гуруҳлари шулар жумласидандир².

Жарқўрғон тумани халқ театри 1999 йилнинг апрел ойида «Қайтар дунё» спектаклининг премерасини ижро этиб, ҳаётий воқеалар орқали инсон қадри қиммати, одоб ахлоқ тушунчалари бериш орқали ёшларларимиз тарбиясига муносиб ҳисса қўшди³.

Вилоят маданият ва санъатини ривожлантиришда тасвирий санъатнинг ўрни беқиёс бўлиб, ўнлаб мусаввирларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Рўзи Чориев, Турсунали Қўзиев, Холбой Хасанов, Т.Ўроқов, С.Ахмедов, Х.Турсунов, О.Егай, Ч.Маматқулов, Д.Маматқулов, Д.Йўлдошев, Ш.Йўлдошева каби муйқалам соҳиблари ўзларининг самарали ижодлари билан юртимиз маданият равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 3-баённома 5-хужжат 2006 йил, март, 12 бет

² Сурхондарё вилоят маданият бошқармасининг жорий архиви. туртинчи китоб, 2003. 3 б.

³ «Жарқўрғон ҳақиқати» газетаси. 1999. 22 апрел.

кўшдилар. 1994 йили вилоятнинг таниқли мусаввири Холбой Хасанов «Адиб Собир Термизий» мукофотиغا сазовор бўлди. Х.Хасановнинг «Сурхондарёда баҳор», «Амударё соҳилида», «Куз», «Чегарада оқшом», Т.Ўроқовнинг «Жануб осмони», «Вахшиворда куз», «Жанубий чегара», «Хўжайкон туз кони», О.Егайнинг «Оқшом», «Тоғ дарёси», «Тоғда боғ» каби асарлари яратилди.¹

Сурхондарё вилоятининг табиати, танти одамлари, ноёб осори атиқаларини тарғиб қилишда Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевнинг хиссаси катта бўлди. Рўзи Чориев томонидан яратилган кўплаб тасвирий санъат асарларида вилоят табиати, одамлари акс эттириб берилди. Рассом янги-янги асарлар билан тасвирий санъатимиз хазинасини янада бойитди. Вилоятда Мустақиллик йилларида ижодкор талантли ёш йигит ва қизларнинг иқтидорларини номоён қилиш мақсадида «Ўзбекистон келажаги болалар нигоҳида» номли расмлар чизиш бўйича кўрик танлов ҳам ўтказилди. Кўрик танловда 2003 йилда Жарқўрғон, Музрабод, Сариосиё, Шўрчи, Қизирик туманларининг ўқувчилари юқори натижа кўрсатди ва Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар. Улар Республика босқичида фаол иштирок этишиб, Халқ таълими Вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғаларини қўлга киритишди. 2003 йилда Жарқўрғон туманидаги 28-мактабнинг 7 синф ўқувчиси Сафаров Умиджон Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика босқичидаги «Улуғбек юлдузлари» танловида ўзининг чизган расмлари билан иштирок этиб, энг иқтидорли ўқувчи сифатида тан олинган ҳолда Республика бадиий академиясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинадиган бўлди.²

Мустақиллик йилларида вилоят санъаткорлари воҳа санъатини дунёга ёйишда тинимсиз меҳнат қилдилар. Жумладан, Бойсун туманининг «Шалола» (1969 йилда «Халқ театри унвони»ни олган) дастаси қатор хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, кўп минг сонли мухлислар

¹ С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: «Шарк». 2001. 355-б.

² Сурхондарё ВДА, 95-ж, 1-р, 15 иш, 215 в.

тахсинига сазовор бўлди. «Куралай», фольклор этнографик ансамбли ижодий жамоаси; Узун тумани Б.Омонов номидаги ширкат хўжалигидаги «Роҳат» ашула ва рақс дастаси; Узун тумани К.Алиев ширкат хўжалигидаги «Райҳон», Жарқўрғон тумани Тўхта Шобуров ширкат хўжалиги қошидаги «Дилрабо», Сурхон ширкат хўжалигидаги «Сурхон гуллари», Шўрчи тумани маданият уйининг «Кумуш тола», Олтинсой тумани Пахтакор ширкат хўжалигининг «Оқар булоқ тонги», Хўжаипок ширкат хўжалигидаги «Лола», Денов тумани И.Тўраев ширкат хўжалигидаги «Навнихол» ва Сариосиё тумани маданият уйи қошидаги «Шодиёна» номли ашула ва рақс дасталари ҳам истиқлол йилларида ўз ижодлари билан Республика аҳлига танилдилар. Вилоятнинг Сайёра Қозиева, Ҳосила Раҳимова, Маҳмуд Намозов, Равшан Намозов, Рустам Маҳмудов каби хушовоз хонандалари Республика миқёсида ўтказилаётган барча санъат тадбирларида ва байрамларида ўз репертуарларидаги янги-янги қўшиқлар билан иштирок этмоқдалар.¹

2002 йил 25 майдан бошлаб, Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро очик фольклор фестивали ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиб келинмоқда. 2002 йилда ўнга яқин хорижий мамлакатлардан санъатшунос, фольклоршунослар, тарихчилар, либос дизайнерлари иштирок этаётган санъат анжумани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Бу фольклор фестивали ЮНЕСКО томонидан инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси сифатида эътироф этилди. Бу жаҳондаги шундай нуфузга сазовор бўлган манзиллар ичида ўн тўққизинчисидир. Мустақиллик туфайли маънавий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам вилоятда маънавият ва маърифатни янада юксалтиришга қаратилгандир. Айниқса «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик тўйининг 1999 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО ҳамкорлигида кенг миқёсида нишонланиши вилоят маданий ҳаётида чуқур из қолдирди. Байрам тантаналарида Республика Президенти И.А.Каримов маъруза қилиб, ҳамда Сурхондарёнинг бахшичилик санъати анъаналарига юксак баҳо берди. Президентнинг

¹ Сурхондарё вилояти маданият ишлари бошқармаси жорий архиви.учинчи китоб, 2003 117 бет..

бевосита ташаббуси билан «Халқ бахшиси» унвони таъсис этилиб, бу юксак унвонга биринчи бўлиб Ўзбекистонда Шоберди бахши Болтаев сазовор бўлди. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги муносабати билан «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси томонидан суратга олинган икки қисмли «Алпомиш» бадиий фильмида Сурхондарёлик спорт устаси Азамат али Қаландаров Алпомиш ролини яратди.¹ 1995 йил декабрда «Ўзбекистон ватаним маним» мавзудаги кўшиқ кўрик танлови малакатимизнинг ҳамма вилоят, шаҳар ва туманларида кўтаринкилик билан ўтказилди. 2003 йил март ойида Термизнинг «Баҳор» концерт залида «Ўзбекистон-Ватаним маним»-деб аталган кўшиқ танловининг биринчи босқичи бўлиб, бу Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қаршли муассасалар ўртасида ўтказилди. Кўрик танловда болалар боғчалари тарбияланувчиларидан мамлакатдаги Олий ўқув юртлари талабалари ҳам иштирок этди. Кўрик қатнашчилари она Ватан гўзаллиги, унинг истиқлолини мадҳ этган кўшиқлари, таниқли бастакорлар, шоирлар ва Халқ таълими Вазирлигининг етакчи мутахассисларидан иборат нуфузли хайъат аъзолари томонидан баҳоланди.² Умуман кўрик танловнинг биринчи босқичида 54 мингдан зиёд санъаткор қатнашди. 10 мингдан ортиқ кўшиқлар ижро этилди. Сурхон воҳасида ҳам бу кўрик танлов учун ҳар йили танлов ўтказиш, воҳанинг Жарқўрғон туманида 1999 йилда 3 та жанр бўйича (миллий фольклор эстрада) ҳамда «Бахшилар танлови» бўйича байрам ўтказилиб, туман бўйича «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик танлови ғолиблари аниқланди. Биринчи ўрин Нажмиддин Жононовга («Садо» гуруҳи), иккинчи ўрин Абдулла Саидов (мактаб ўқувчиси), учинчи ўрин Сафар Қўрбонов (шаҳар мусиқа мактабидан), Норбўта Жумаев («Мураббий дастаси»)ларига берилди. Танловда 1-2 ўринни олганлар ва бахшилар ичида ғолиб деб топилган Ўрол Худойкулов Вилоят босқичига йўл олди.³

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 5-ҳужжат, 2000 йил, 20 январ, 62 бет

² Сурхондарё вилоят Халқ таълими бошқармасининг жорий архиви. 25-баённома, 2003 йилги ҳисоботи. 9-б.

³ «Жарқўрғон туман ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 4-ҳужжат 2000 йил, 2-февраль, 38 бет.

2000 йил 26-27 июн кунлари Тошкент шаҳрида Республика Олий ўқув юртлари ўртасида бўлиб ўтган «Ўзбекситон-Ватаним маним» кўшиқлар кўрик танловида Термиз давлат университети талабалари ҳам иштирок этишиб, фахрли 4 ўринни эгаллаб қайтдилар¹. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишларни янада ривожлантириш мақсадида вилоятдаги барча маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган бадиий раҳбарларнинг иш савияси ва билим доираларини кенгайтириш, уларни ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи бадиий раҳбар қилиб камол топтириш, ёш авлодни ғоявий эстетик руҳида тарбиялаш мақсадида олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Жумладан, 2002 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳрида ўтказилган фольклор-этнографик жамоаларининг Республика кўрик танловида Олтинсой тумани Вахшивор қишлоқ клуби қошида ташкил этилган «Шаршара» фольклор-этнографик жамоаси II ўринга, 2003 йилда ўтказилган «Алла» ижрочиларининг олтинчи анъанавий кўрик танловининг вилоят босқичи деб топилган Жарқўрғон тумани бадиий жамоаси кўрик танловининг Наманган шаҳрида ўтказилган Республика босқичида фахрли 2 ўринга сазовор бўлдилар.²

Бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришда қўшган ҳиссалари учун 1998 йилда Жарқўрғон тумани маданият қошидаги «Дилрабо» ашула ва рақс дастаси бадиий раҳбари Норали Алланазаров, 2002 йилда «Бойсун» фольклор-этнографик дастаси бадиий раҳбари Сайёра Қозиеваларга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. 2005 йилда воҳага хос қатор рақслари Республика ва вилоят миқёсида ўтказилган кўплаб оммавий тадбирларда сахналаштирган рақслари ва муносиб ижодий хизматлари учун «Ўзбек рақс» Республика маданият бошқармаси вилоят бўлими бош рақс сахналаштирувчиси Шоира Қурбонова ва вилоят Республикада ўз кўшиқлари билан барчани мамнун қилаётган овоз соҳибаси Денов тумани Маданият уйи қошидаги «Навнихол» ашула ва рақс дастаси

¹ Сурхондарё ВДА 95-иш, 1-р, 18-иш, 92 в.

² Сурхондарё вилояти маданият ишлари бошқармаси жорий архиви, туртинчи китоб, 98 бет, 2003.

хонандаси Ҳосила Раҳимовалар «Шухрат» медали билан, Қизирик туманидан Абдуназар бахши Поёнов «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони билан тақдирландилар.¹

Вилоят аҳолиси маданияти ва санъатининг нафақат Республикада балки чет элларда ҳам тан олинаётганлиги барчамизга маълум. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва тўққизинчи марта ўтказилаётган «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар танлови келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор халқини мадҳ этувчи инсонлар қалбида муқаддас ватанни, истиқлолни кўз қорачиғидек асраб авайлашга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларининг юзага келишига кенг имконият яратди. Мамлакатимизнинг беқиёс саҳнаси бўлиб хизмат қилаётган бу байрам тадбирлари нафақат янги асарларни, балки қўшиқчилик санъатида ўз мухлисларининг меҳр-муҳаббатини қозона олаётган умидли исътедодларни яратмоқда. Мамлакатимизнинг маънавий ҳаёти янада яхшилашда 1994 йил 23-апрелда қабул қилинган «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1994 йил 28-июнда Сурхондарё вилояти ҳокимининг Республика «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказининг вилоят бўлимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.²

Вилоятда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази бўлимининг ташкил этилиши вилоят маънавий ҳаётида ясалган улкан ўзгаришлар, маънавий ва маърифий тадбирлар, ўлка аҳолисини, юрт тарихини ўрганиш, миллий қадриятларни чуқурроқ англаш, кишиларни меҳр оқибатли, инсоф диёнатли қилиб тарбиялаш каби жараёнларга алоҳида ҳисса қўшди. Вилоят аҳлига маданий жиҳатдан хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олишни мароқли ва сермазмун ўтказишда вилоят телевидениеси газеталари ва радиосининг ҳам ўзига хос хизмати катта. Вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида радио

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 14 ҳужжат, 2006 йил, январь, 52 бет

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви.6-баённома, 14 ҳужжат, 1994 йил, 20 июл, 14-бет.

эшиттириш тизими алоҳида ўрин тутиб, Сурхондарёда маҳаллий радио эшиттиришлари 1947 йилда ташкил этилган. Термизлик Қодир Ғуломов ушбу радионинг ташкилотчиси ва биринчи бошловчиси бўлган эди. Вилоят радиосида ўзбек, рус ва тожик тилидаги эшиттиришлар эфирга чиқди.¹

Радио эшиттиришлар 1996 йилдан бошлаб «Қишлоқ ҳаёти», «Маънавият булоқлари», «Аср садоси», «Оламни асранг дўстлар», «Инсон ва қонун», «Дугоналар», «Ёшлик», «Ханда» каби янги рукндаги эшиттиришларни тайёрлаб, тингловчилар эътиборига ҳавола қилинди. Вилоят радиосини воҳа санъаткорларининг ва бадий ҳаваскорлик жамоаларининг, мусиқа санъатининг оммалаштиришдаги ўрни алоҳидадир. Вилоят радиосининг фонотека хазинасида воҳа тарихига оид хужжатли адабий ва бадий мусиқали ҳамда бошқа қимматли ёзувлар сақлаб келинмоқда. Вилоят радио комитетига Озод Авлиёкулов (1963-1980 йиллар), Абдулла Холмирзаев (1989-1996 йиллар) каби жонкуяр журналистлар раҳбарлик қилдилар. Сурхондарё телерадио маркази 1990 йилнинг 16 октябрида иш бошлаб, вилоят аҳолиси ва қўшни Тожикистон Республикасининг жанубий туманлари ҳамда Афғонистон Ислом Республикасининг Балх вилояти аҳолиси хонадонларига Сурхондарё телевединяси орқали ўз кўртувларларини тақдим этди.²

Сурхондарё вилоят телевиденияси билан биргаликда «Ишонч», «Кўзгу», «Адолат», Денов ва Шерабод шаҳарларида нодавлат нотижорат телевидениялар ҳам фаолият бошлади.³

Сурхондарё воҳасида ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий ҳаётни, унда акс этувчи воқеа ва ҳодисаларни халқимизга ўз вақтида етказиб беришда матбуот нашрларининг ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Вилоятда «Жайхун» нашриёти, «Сурхон тонги», «Заря Сурхана», «Халқ йўли», «Эркин сўз», «Садои Сурхон», «Жануб вақти», «Адолат тарозиси», «Маънавият гулшани», «Аёл ва замон», «Термиз Давлат Университети», ҳамда туман

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви. 6-баённома, 14 хужжат, 1994 йил 20 июл 15-бет.

² Сурхондарё вилоят Давлат архиви. 45-фонд. 2-қисм. 14-хужжат. 114-бет.

³ Сурхондарё вилоят Давлат архиви. 45-фонд. 2-қисм. 14-хужжат. 116-бет.

газеталари мамлакатимизда демократик жамиятни такомиллаштиришда, ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа ходисаларни тарғиб этмоқда.¹ Сурхондарё вилоятида Маданият ишлари Вазирлиги тизимидаги 413 кутубхона, Маданият ишлари Вазирлиги тизимига кирмайдиган 869 та кутубхона аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Вилоятдаги 15 та марказлашган кутубхоналар тизимлари бўлиб, 14 таси марказлашган кутубхоналар тизимлари ва 1 таси эса шаҳар марказлашган кутубхоналар тизими ҳисобланади. Ушбу марказлашган кутубхоналар тизимида 407 та кутубхона марказлаштирилган бўлиб, шулардан 20 таси болалар кутубхонаси, 11 таси махсус кўзи ожизлар кутубхонаси ҳисобланади. Шаҳарларда 41 та, қишлоқларда 372 та, Термиз шаҳри аҳолисига 3 та шаҳар кутубхоналари ва 3 та вилоят кутубхоналари хизмат кўрсатмоқда. 2005 йилнинг июл ойида Қизирик тумани марказий кутубхонасида «Кутубхона каталогларини таҳлил қилиш ва адабиётларни ҳисобдан чиқариш» мавзусида, Шўрчи тумани марказий кутубхонасида «Ахборот танлаб тарқатиш» мавзусида семинар машғулотлари ўтказилди.²

Вилоятдаги адиб Собир Термизий номли кутубхона вилоятдаги 413 та кутубхонага услубий марказ ҳисобланиб, уларга услубий ва амалий ёрдамлар бериб келмоқда. 2005 йилда туман кутубхоналарига ёрдам тариқасида «Обод маҳалла-озод ватан таянчи» мавзусида элнинг энг суюкли адиби, шоир Мусо Тошмуҳаммад Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Инсон гўзаллигини ўлчовчи шоир», «Ғафур Гулом 102 ёшда», Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллигига атаб «Борлиғимиз сенга бахшида Ватан» мавзуларида услубий қўлланмалар тузилиб, китоб тариқасида тарқатилди.³

Кутубхоналар ўртасида Республикада ўтказилган кўрик танловда вилоятдаги кутубхоналар мувафақиятли фахрли ўринларни эгаллаб, жумладан, 1995 йилда «Кутубхона ва маҳалла» Республика кўрик танловида

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 11-баённома, 18 хужжат, 2005 йил, 48 бет.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 14-баённома, 3-хужжат, 2005 йил, 22 декабрь 112-бет.

³ Адиб Собир Термизий номли вилоят универсал-илмий кутубхонаси жорий архиви. 12 китоб, 2003. 24-б.

Шўрчи тумани марказлашган кутубхона тизимига қарашли 19 тармоқ кутубхонасичи Мегнора Мўминова биринчи ўринни, 1996 йилда «Кутубхона ёшлар камолотида» Республика кўрик танловида Шўрчи туманидаги марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли 23-тармоқ кутубхонаси кутубхоначиси Зулхумор Холбоева ҳам фахрли биринчи ўринни, 1998 йилда «Ёш кутубхоначи» номли Республика кўрик танловида Денов шаҳар болалар кутубхонаси мудираси Дилрабо Шукурова фахрли иккинчи ўринни, 1999 йилда «Кутубхона оила хизматида» Республика кўрик танловида Узун туманидаги 24 қишлоқ тармоқ кутубхонаси кутубхоначиси Гулсуной Одинаева биринчи ўринни, 2001 йили «Йилнинг энг яхши сценарийси» Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказлашган кутубхона тизими болалар кутубхоначиси Озодахон Турдиева биринчи ўринни, 2002 йилда «Энг яхши оилавий китобхон» Республика кўрик танловида Музrabод тумани марказлашган кутубхона тизими оилавий китобхона Бобокелдиевлар оиласи Республикада рағбатлантирувчи ўринни, 2002 йилда «Президент асарлари билимдони» Республика кўрик танловида Шеробод тумани марказий кутубхонаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими кутубхоначиси Турғун Парпиев фахрли учинчи ўринни, «Энг яхши оммавий тадбирлар сценарийси» номли Республика кўрик танловида Шўрчи тумани марказий кутубхонаси услубият бўлими мудир Эътиборхон Мустафоева биринчи ўринни, 2003 йилда «Маҳалла менинг уйим» деб номланган йилнинг энг яхши сценарийси кўрик танловидаги Республика босқичида Шўрчи тумани марказий кутубхонаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими мудираси Улғўзи Жўраева фахрли биринчи ўринни эгалладилар.¹ Кутубхоначилар 1995 йилдан буён ташаббусни қўлдан бермай, вилоятда кутубхона ишларини юқори савияда йўлга қўйиб, 2005 йилда вилоятда Республика Маданият ишлари Вазирлиги тизимидаги кутубхоналар сони 413

¹ Сурхон тонги. 2004. 1 январ.

тага, китоблар жамғармаси эса 3428825 тани (шундан, 1775223 нусхаси ўзбек тилида) ташкил этди.¹

2005 йилда вилоят маданият ишлари бошқармаси тасарруфида 146 та клуб муассасалари, 14 та туман маданият уйи, 44 та қишлоқ маданият уйи, 49 та қишлоқ клублари, 32 та автодаъватхона, 3 та шаҳар маданият уйи, 2 та шаҳар клублари мавжуд. Вилоятда 74 та ашула ва рақс дасталаридан 10 таси ашула ва рақс халқ дасталари, 4 та драма халқ театрлари, 2 та қўғирчоқ халқ театрлари фаолият кўрсатмоқда.²

Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек адабиётида катта ютуқлар қўлга киритилиб, халққа манзур бўладиган асарлар кўплаб ёзила бошланди. Шоир ва ёзувчилар эркин фикр юритиб, сиёсий ва мафкуравий тазийқлардан халос бўлди. Бадиий асарларни яратишда бадиийлик ва умуминсоний, маънавий-рухий қадриятлар, миллий истиқлол ғоялари бош мезон қилиб олинди.

Халқимизнинг миллий қадриятларини, урф-одатларини тарғиб этишда халқимизнинг сеvimли ижодкорлари Менгнор Олломурадовнинг «Юрагимда йиғлаб турган қиз» (1993) ва «Севги дарахтининг гули» (1997) шеърий тўпламлари, наср уфқида кескин бурилиш ясаган, ҳатто бу соҳада чиникам ирмоқ бунёд эта олган забардаст бир ижодкор Намоз Эргашевнинг «Ўзанбий авлодлари» (1996), «Ҳалокат жари» (1997) романлари ўзбек адабиётида муҳим ҳодиса бўлди. Унинг қаҳрамонлари қисмати ўта содда ва ўта мураккаб қирраларни номоён этади.³ Шунингдек, Махмуд Абулфайзовнинг «Оти қолган дунё» (1992), «Мард қолур ичинда»(2000), журналист ва ижодкор Абдурасул Жумақулнинг «Юракка сиғмаган гаплар» (1993) китобида воҳанинг бугунги кунига ижобий кўз билан қараган. Ҳикояларининг қаҳрамонлари асосан болалар, ёшлар, ўсмирлар бўлган, ёшларнинг сеvimли ёзувчиси, ўта сермахсум ижодкор. Содда ва самимий халқ тилида асарлар ёзган Қўзибой Абдужалилованинг «Зулайҳо» (1991), «Сенсан севарим»

¹ Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармасининг жорий архиви, тўртинчи китоб, 2005 йил, 33 бет

² Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармаси жорий архиви, тўртинчи китоб, 2005. 25-б.

³ С.Н.Турсунов ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: «Шарк». 2001. 361-363 б.

(1992), «Туташ қалблар» (1997) китоблари, миллий адабиётимизни ва шеърятимизни тарғиб қилишда ўз услубига эга бўлган. Жамила Эргашеванинг «Изҳор» (1992), «Интиком» (1997), «Таназзул» (1998) номли ҳикоялари кишиларнинг ҳаёт ташвишлари, меҳнати юмушлари, урф-одатлари, оддий турмуш тарзи воқеаларига бағишланган.¹

Хуррам Райимнинг «Хур халқлар шарафи шонисан диёр» номли кўшиғи Деновлик истеъдодли хонанда Кибриё Оқилова ижросида «Ўзбекистон-Ватаним маним» Республика кўрик танловида ғолиб деб топилди. Яна унинг «Интизор боқаман йўлингга» номли лирик ашуласи танловда биринчи ўринни эгаллади.

Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб ўтказилган Республика кўрик танлови иштирокчиси Гулимоҳ Мелибоева ижросида «Китобим-офтобим» шеъри «Ўқиш китоби»га киритилди. Халқимизнинг севимли шоири Шафоат Раҳматулло Термизийнинг асарлари Республикамизда машхур. Унинг «Жануб шамоли» (1981), «Умид остонаси» (1988), «Гулоб» (1992) номли шеърий тўпламлари, 2003 йилда эса «Озод сўз» сайланмаси босилиб чиқди. 1998 йилда «Шухрат» медали, 2003 йилда «Эл юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.² Булар янги давр адабиётининг нодир намуналари бўлиши билан бирга, янги ҳаёт, янги турмуш тарзи ва истиқболга янги қарашнинг шаклланаётганидан, миллион-миллион халқимизни истиқлолдек буюк неъматдан баҳраманд этаётганидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида, маънавий-маърифий соҳаларда ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, маънавий меросимизни ўрганишга ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга, ўзликни англаш, қадрият ва анъаналарни тиклаш, тилга эътиборни кучайтириш, халқ оммаси онгига демократия руҳини сингдириш масаласида катта ишлар амалга оширилди.

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 12-баённома, 7-ҳужжат, 2003 йил 14 декабрь 13-бет.

² Сурхон тонги. 2004. 1 январ.

Мустақиллик йилларида маънавий-мафкуравий ғояларни кенг халқ оммасига сингдиришда, шубҳасиз, маданий оқартув муассасаларнинг роли юксак даражада кучайиб, мустақиллик йилларидаги амалга оширилган ислохотлар туфайли, маданий оқартув муассасаларига алоҳида эътибор берилди. Кутубхоналар, клублар, матбуот, телевидения ва радио эшиттиришлар учун етарли миқдорда моддий имкониятлар яратилиб, замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Бадиий ҳавскорлик жамоалари, халқ театрлари, ашула ва рақс ансамбиллари, миллий-маънавий кадриятларимизни тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшдилар. Мустақиллик йилларида Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, ўқув юртларини моддий техник таъминотини мустаҳкамлаш, илмий-услубий ютуқларни оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш, таълим беришни жаҳон таълим ютуқларига мослаштириш ҳамда миллий таълим тарбияни тиклаш ва ривожлантириш масаласида катта ютуқларга эришилди. Мустақиллик йилларида Республикаимизнинг ажралмас қисми бўлган Сурхон воҳасида таълим, маданият, маърифат ва маънавият соҳалари улкан тараққиёт босқичига қадам қўйди. Бу давр ичида воҳада истеъдодли ёш олимлар, ёш ижодкорлар сафлари янада кўпайди. Бугунги кунда улар мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

III боб. Халқ таълими ва тиббиёт соҳасининг тубдан ислох қилиниши ва унинг натижалари

III.1. Халқ таълимида таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш ва унинг натижалари.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий муаммоларининг ечими, кадрлар тайёрлаш тизимининг раванк топиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамият қуриш вазифасини ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган, маркетинг, менежмент, молия, кредит ва савдо масалаларини тушунадиган, ишбилармон мутахассис-миллий кадрларга эга бўлмасдан муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири-буларнинг барчаси, авваламбор замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»¹. Маълумки таълим тизими жаҳондаги барча мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий, ғоявий маданий ҳаётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Республикаимизнинг миллий мустақилликни қўлга киритиши натижасида халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлиб, ёш авлодни тарбиялаш усуллари ва йўналишларида миллий имконият ва руҳиятимизга мос тамойиллар ишлаб чиқилди. Ёш авлодни тарбиялашнинг янги тизими қарор топди. Президент И.Каримов мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар тўғрисида тўхталиб, «Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 6-жилд, 1998. 325 бет

мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир», -деб таъкидлаган эди¹.

Шундай қилиб, халқаро миқёсда ва мамлакатимизда тўпланган тажриба таълим соҳасини ислоҳ қилишнинг учта муқобил йўналиши мавжудлигидан далолат берарди.

Биринчи йўналиш – «мобилизациялашган йўналиш» деб аталиб, ёриб ўтиш стратегиясини назарда тутарди. Бу йўналиш таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлса-да, уни мамлакатдаги ички сиёсий вазиятдан келиб чиқиб қўллаш қутилган натижани бермаслиги равшан эди. Чунки жамият бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида таълим ислоҳоти жараёнини жадаллаштиришга, моддий эҳтиёжлардан ташқари маънавий эҳтиёжлар учун ҳам маблағ ажратишдек қўшимча қийинчиликларни енгишга тайёр эмас эди.

Бинобарин, таълим тизимининг фақат муҳим элементлари сақлаб қолинишини таъминлаб берувчи иккинчи, яъни «минимал» йўналишни танлаш ҳам жамият ривожига таҳдид солиши табиий эди. Кўплаб мамлакатларда синовдан ўтган ушбу стратегия таълим соҳасида миллий даражада тежаш сиёсатини қўллашни назарда тутарди. Шунингдек, бу йўналиш ижтимоий ривожланиш муаммоларининг ечимини топишда муддатини кечиктириш сиёсатини илгари суриб, ўз олдига, биринчи навбатда, янги шароитга мослашишни инобатга олган, модернизациядан воз кечган консерватив йўналиш ҳисобланади. Демак, бу йўналиш вақт ўтиши билан иқтисодий, ҳатто ижтимоий харажатларнинг кўпайишига ва охир-оқибатда мамлакат ҳаётида янги ларзаларнинг юзага келиш хавфини туғдирарди.

¹ И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли». -Т.: «Ўзбекистон». 1992. 23 б.

Шунинг учун мустақил ривожланишнинг дастлабки босқичида таълим соҳасининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган, шунингдек, нафақат эришилган даражани сақлаб қолиш, балки уни модернизациялаш имкониятини яратиб беришга қаратилган эҳтиёж ва талабларни қондира оладиган энг мақбул йўналиш танланди. Шундай қилиб, таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон йўли келишув йўналиши эмас, балки ривожланиш ва ўсиш, мувозанатни сақлашнинг янги йўллари кидириш имконини берувчи йўналиш сифатида эътироф этилди ва таълим ҳамда кадрлар тайёрлаш сиёсатини босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Умуман, ҳозирги давргача таълим соҳасида ўтказилган ислохотни иккита йирик босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич 1992 йил ўрталаридан 1997 йил ўрталаригача давом этди. Бу босқичда таълим тизимидаги мавжуд имкониятларни сақлаб қолган ҳолда, миллий таълим-тарбия тизимига асос солинди. Энг муҳими шундаки, бу давр ичида таълим соҳасида янгиланиш жараёни кузатилиб, кейинги босқич учун шарт-шароитлар яратилди. Бу борада қилинган дастлабки ишлар сирасига янги турдаги таълим муассасаларининг ташкил қилинишини, ёшларнинг чет элларда ўқиши йўлга қўйилганлигини, лотин имлосига асосланган янги алифбонинг жорий этилганлигини, буюк кадриятларимиз ва маънавиятимиз асосида янги дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилганлигини, тест усули жорий этилганлигини ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль Қонуни таълим соҳасидаги ислохотнинг биринчи босқичини бошлаб берди. Унда миллий ва умуминсоний кадриятлар, халқимизнинг тарихий тажрибаси, фан соҳасидаги кўп асрлик анъаналари, жамиятнинг истиқболдаги ривож хисобга олинган. Ушбу ҳужжат республикамизда миллий таълим тизимининг вужудга келишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур қонун «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва

кўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1993 йил 7 май қонунида янада такомиллаштирилди. Ушбу қонунда: «Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси ҳисобланади»¹, - деб таъкидлаб ўтилди.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига асосан республикада умумий таълим уч босқичда, яъни: бошланғич (I-IV синфлар), таянч (V-IX синфлар) ва ўрта (X-XI(XII) синфлар) босқичдан иборат бўлиб, бошланғич, таянч ва ўрта мактаб, гимназия ва лицейларда амалга оширилиши кўзда тутилди².

1996 йилга келиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туб ўзгаришлар юз берди. Мамлакат иқтисодиёти илдамлаб боришининг таъминланиши йирик ижтимоий лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқарилишини таъминлади. Бу эса кун тартибда долзарб бўлиб турган таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш муаммосини ҳал қилиш имконини берди. Шундай қилиб, 1997 йил ўрталаридан бу соҳадаги ўзгаришларнинг *иккинчи босқичи* бошланди ва у, ўз навбатида, учта босқичда амалга оширилиши режалаштирилди.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси «Таълим тўғрисида» янги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни қабул қилди³. Қонунга биноан, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. Янги қонунга асосан, 9-синфни битирган ёшлар, уч йиллик академик лицей ёки касб-хунар коллежларида республика халқ хўжалиги учун бирон-бир мутахассис бўлиб етишадиган бўлдилар.

«Таълим тўғрисида»ги янги қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг энг муҳим хусусияти ҳамда 1992 йилдаги «Таълим тўғрисида»ги қонундан фарқи шундаки, янги қонунда республикада узлуксиз таълим тизимига асос солинди. Узлуксиз таълим: мактабгача таълим; бошланғич таълим (1-4 синфлар); умумий таълим (5-9 синфлар); ўрта махсус билим ва

¹ ЎзР Олий Кенгашининг ахборотномаси. - Т., 1993. - № 6. - Б. 175- 176.

² Ўша жойда.

³ Ўзбекистон овози. - 1997. - 30 авг.

касб-ҳунар таълими (академик лицейлар, коллежлар); олий таълим (бакалаврлик (4 йил); магистратура (2 йил); аспирантура (3 йил); докторантура (3 йил) каби тизимларни ўз ичига олган бўлиб, республика ёшларини уч ёшдан бошлаб (аспирантура ва докторантурани ҳисобга олмаганда) то 24-25 ёшгача ўқитиб, олий маълумотли ва яхши касб-ҳунар эгаси қилиб тарбиялашни ўз олдига қўйган.

Бу даврда таълим соҳасида бошланган ислоҳот аввалги давр таълим тизимидан ва ўша даврда ўтказилган ислоҳотлардан тубдан фарқ қилиб, тўпланган тажриба асосида мутлақо янги, ягона, узлуксиз таълим тизимига асос солинди. Таълим соҳасидаги бу янгиланиш асосан шўролар замонидан қолган мафкуралашган таълим-тарбия саркитларидан қутулишга, унинг миллий заминини мустаҳкамлашга, таълимнинг бошқарув тизимларини такомиллаштиришга, унинг моддий-техника базасини замон талабларига мослаштиришга, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш тизимига асос солишга қаратилди. Бу ислоҳотнинг муҳим жиҳати шундаки, кадрлар тайёрлашнинг мактабгача тарбиядан тортиб то мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни қамраб олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини вужудга келтириш вазифасини қўйди.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида қабул қилинган янги қонунлар асосида мамлакатимизда ягона узлуксиз таълим тизимини яратиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар бошлаб юборилди. У мактабгача тарбия, умумтаълим мактабидан ташқари, таълим, ҳунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълим, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш тармоқларини ўз ичига олди.

Дастлаб асосий эътибор мактабгача тарбия тизимида туб ўзгаришлар қилишга қаратилди. «Мактабгача тарбия концепцияси», «Соғлом авлод учун» дастури, «Олти ёшли болаларни саводга ўргатиш концепцияси ва дастури» мактабгача тарбия муассасалари ишини янги йўналишга солишда муҳим омил бўлди.

Мактабгача тарбия тизимидаги ислохотлар вилоятда 400 га яқин мактабгача тарбия муассасалари марказларини қамраб олган. Бу тарбия муассасаларининг асосий вазифалари болаларни мактабга ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларнинг шахсий қобилиятларини шакллантиришдан иборат бўлди.

Шу билан бирга, мактабгача тарбия тизимининг ривожланиши салбий томонга қараб кетаётганлигини таъкидлаш керак. Аҳоли сонининг ўсиш суръати юқорилиги сақланиб қолган ҳолда, мактабгача тарбия муассасаларининг сони ва уларга жалб этилган болалар сонининг қисқариши кузатилди. Масалан, вилоят бўйича болаларнинг мактабгача тарбия муассасаси билан таъминланиш даражаси 1990 йилда тегишли ёшдаги болалар сонидан 30,2 % ни ташкил қилган бўлса, 1993 йилда у 24 % ни¹, 1995 йилда - 17,8 % ни, 1998 йилда эса 11,2 % ни ташкил қилди², холос. Шу билан бирга, ушбу турдаги тарбия масканларининг сони ҳам қисқариб борди. Масалан, турли вазирлик ва ташкилотларга қарашли бўлган мактабгача тарбия масканларининг сони 1995 йилдаги 842 тадан 1998 йилда 702 тагача қисқарди³. Уларнинг фақат 49 % замонавий биноларда жойлашди⁴. Агар ушбу турдаги масканларни 1990-2001 йилларда ишга тушириш жараёнини кузатадиган бўлсак, юқоридаги рақамлар янада ойдинлашади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор ислохотлар туфайли, ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг кўплаб ижобий усуллари, миллий онгимизда ва имкониятларимизга ҳамоҳанг бўлган тизими қарор топа бошлади.

Жамиятнинг қанчалик даражада ривожланганлиги шу жамиятда истиқомат қилаётган ёшларга берилаётган таълим – тарбиянинг қай аҳволда эканлиги билан белгиланади. Халқимиз кўлга киритган истиқлол шарофати билан республикамиз халқ таълими тизими ҳам ҳар томонлама янгиланиш жараёнини бошидан кечирди. Таълим-тарбия масканларининг миқдор ва

¹ 1993 йилда ЎзР халқ хўжалиги... - Б. 205.

² Образование в Республике Узбекистан 1998: Стат. сборник. Т., 1999. - С. 22.

³ Образование в Республике Узбекистан 1998: Стат. сборник. Т., 1999. - С. 18.

⁴ Халқ сўзи. - 1998. - 5 дек.

сифати ўзгариб, умумий мактаблар билан бир қаторда махсус ихтисослашган мактаблар, лицей ва гимназиялар ташкил этилди. Мустақиллик йилларида, Сурхондарё вилоятида ёшларга таълим ва тарбия берадиган умумий таълим мактабларининг миқдори йилдан-йилга ортиб борди. Вилоятда 1991 йил 563 та мактабгача таълим муасасалари бўлиб, уларда 56490 нафар бола тарбияланган. Мавжуд боғчаларнинг 136 таси бюджет ҳисобидан фаолият кўрсатган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги 453-сонли «Идорага қарашли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлири балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида бошқа ташкилот корхона ва хўжаликлар ҳисобидаги болалар боғчаларини ўтказиш ҳисобига 2000 йилда халқ таълими тасарруфидаги мактабгача таълим муасасалари сони 320 тани, умуман вилоят бўйича мавжуд боғчалар сони 529 тани ташкил этди. Мазкур боғчаларга мавжуд мактабгача ёшдаги болаларнинг 11,4 %и, яъни 33759 нафар ўғил қизлар қамраб олинган.

1990–1991 ўқув йили Сурхондарё вилоятида 652 та умумий таълим мактаблари фаолият кўрсатган бўлса, 1992 – 1993 ўқув йилида эса уларнинг сони 685 тага етди¹ Вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари 1993 йил апрель ойида чақирилган сессиясида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов вилоятда йиғилиб қолган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммолар қаторида таълим тизимидаги муаммоларни рўй-рост кўрсатиб, вилоятдаги 43 та мактабнинг аҳволи хароб эканлигини, 483 та мактабда эса ўқиш икки сменада олиб борилаётганлигини қаттиқ танқид остига олган эди. 1993 йилдан 1994 йилга қадар ўтган бир йил мобайнида вилоят миқёсида 38 та мактаблар қурилиб, бу мактабларнинг 10 таси илгари хароб ҳолатда бўлган мактаблар ўрнида қурилди, 43 та мактаб қошида эса 3820 ўринли қўшимча синф хоналари қурилди. Шунингдек, яроқсиз холга келиб қолган 14 та мактаб янгидан таъмирланди². 1993-1994 йиллар

¹ Сурхондарё ВДА 313-ж, 1-р, 12-иш, 28 в.

² Сурхондарё вилоят Ҳокимлиги жорий архиви, 1-баённома, 3-ҳужжат, 1994 йил, 116-бет.

оралиғида қурилган мактаблар бутун республикада бунёд этилган мактабларнинг тўртдан бир қисмини ташкил қилиши ҳам ушбу бир йил мобайнида вилоят халқ таълими тизимиға катта эътибор берилганидан далолат беради.

Янги турдаги таълим муассасаларини очишға ҳам алоҳида эътибор берилди. 1993 – 1994 ўқув йили мобайнида вилоятда ташкил этилган олти интернат лицейда 1250 нафар ўқувчи, 443 та мактабда эса чуқурлаштирилган режа асосида 1696 нафар ўқувчи таҳсил ола бошлади. Бу даврда вилоят мактабларида ёш авлодға таълим-тарбия бериб келаётган ўқитувчилар сони ҳам йилдан-йилға ортиб, 1990 – 1991 ўқув йилида вилоятдаги жами умумий таълим мактабларида 25200 нафар ўқитувчи меҳнат қилган бўлса, 1992-1993 ўқув йилида бу кўрсаткич 27700 нафарни, 1993-1994 ўқув йилида эса 29100 кишини ташкил қилди.¹ Шунингдек, ўтган давр мобайнида вилоят мактабларида фаолият кўрсатадиган ўқитувчиларнинг маълумот даражаси анчагина юксалиб борди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳаётға кенг қўлланиши натижасида янги замонавий ҳамда жаҳон талабларига мос тарзда ёшларға таълим берадиган ўқув даргоҳлари бунёд этилди. Ана шундай ўқув даргоҳларидан лицей, гимназия ва чуқурлаштирилган мактаб-интернатларнинг очилиши юқоридаги фикрларимизнинг исботидир. Масалан, Ал-Хаким ат-Термизий номидаги вилоят ёш математиклар ва физиклар мактаб-интернати мураббийлари ёшларға аниқ фанларни самарали усуллар асосида ўргатди. Термиз иқтидорли болалар лицейи мураббийлари эса вилоятнинг юзлаб илмға чанқоқ болаларига жаҳон тили ҳисобланган инглиз тилини, информатика асосларини ҳамда иқтисодий билимларини ўргатишда қатор ютуқларни қўлга киритдилар.

1995 йилда Денов шаҳридаги М.Ломоносов номи 1-ўрта мактабда вилоятда биринчи марта марказий ўқув мактаб боғча, мактаб-гимназия синфлар ташкил этилди. Гимназия синфи ўқитувчилари билим савиялари ва

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 9-баённома, 2-хужжат. 1994 йил., 122-бет.

иктидорлари бўйича айниқса, бадиий тасвирий санъат, информатика ва ҳисоблаш техникаси ҳамда инглиз тили бўйича болаларга чуқурлаштирилган билим бера бошлади. Таълим беришнинг янги шакли ҳисобланган лицейлар ташкил қилиш борасида ҳам анчагина ишлар йўлга қўйилди¹.

Жумладан, 1995 йилда Термиз шаҳридаги А.Навоий номли 11-ўрта умумий таълим мактабида Кимё-биология фанларига ихтисослашган махсус лицей синф ташкил қилинди².

Мустақиллик шарофати туфайли, жаҳонга юз тутаётган юртимиз учун ўзга халқлар тилларини, хусусан, жаҳон тили бўлмиш инглиз тилини она тили сингари чуқур биладиган ёшларни тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида тузилган «Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлиги» (АКСЕЛС) ташкилоти вакиллари вилоятда, инглиз тилини пухта ўрганган болаларнинг зеҳнлиларини синовдан ўтказиб, АҚШга турли муддатларга ўқишга жўнатдилар.

1994 йил вилоятда инглиз тили бўйича ўтказилган кўрикда уч нафар ўқувчи, 2005 йилда 10 нафар ўқувчи муваффақиятли синовдан ўтиб АҚШга ўқишга жўнади³. Хорижда ўқиб келаётган ёшлар мамлакатнинг ривожланиши учун ўз билимларини сафар этдилар. Чунки, мустақил Ўзбекистонимизнинг таълим жараёнида дунё таълими тажрибасига мурожаат қилаётгани, уларнинг илғор ва мақбул жиҳатларини ўрганишга киришаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг куюнчаклик билан айтган гаплари жуда ўринлидир: «Ўзбек миллатининг ўз фарзандларининг қобилият, зеҳн, заковат ва тиришқоқлик бобида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишаётган жойимиз йўқ, фақат мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланиб, уларни мукамал тарзда ишга солишимиз зарурдир».

¹ Сурхондарё ВДА, 313-ж, 1 р, 12 иш, 22 в

² Термиз шаҳар Халқ таълими жорий архиви, 14-баённома, 2-хужжат. 1995 йил декабр . 5 б.

³ Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви, 15-китоб, 114 бет., Термиз-2005

Хориж таълимини олиб қайтаётган ўқувчиларга мамлакат равнақи учун ўз билимини ва малакаларини сарфлаш, улар томонидан янгиликлар таклиф қилинганда, уларни тўғри бўлса рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ортирилган билимларининг фақатгина қоғозларда қолиб кетмаслиги учун уларни амалга тадбиқ этиш ва шу йўлда сарфланган маблағни оқлашлари учун шароит яратиб бериш ҳам зарур вазифалардан биридир. Мустақиллик йилларида Республика миқёсидан таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни вилоят халқ таълимида ҳам чуқур сифат ўзгаришларни вужудга келтирди. Бу хайрли ишларни амалга ошириш борасида таълимнинг мазмунини янгилашга, таълим ва тарбия жараёнида илғор педагогик технологияларни кенг қўллашга алоҳида эътибор берилди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради. Одамлар онгида демократик кадриятлар қарор топади. Инсон жамиятдаги ўрнини ўзи белгилайди»¹.

1997 йил вилоятда 798 та умумий таълим мактабларида 417,8 минг ўқувчилар таълим тарбия олган бўлса, 219 та ўрта таълим қошидаги мактаб, лицейларида 2689 ўқувчи таълим тарбия олди. Вилоят халқ таълимининг асосий тармоғи ҳисобланган мактабгача тарбия муассасаларнинг сони 453 та бўлиб, унда 31,1 минг болалар тарбияланди. Мактабгача тарбия муассасаларида 21620 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, вилоятда мавжуд 31 та касб-ҳунар техника ўқув билим юртларида 13,1 минг ўқувчи таълим олди.² 1997 йилда вилоятда халқ маориф ривожига оид муҳим амалий ишлар бажарилиб, қатор ижобий тадбирлар бажарилиши туфайли ижобий ютуқларга эришилди. 1997 йилда вилоятда 18682 ўқувчи мактабларга, 7,2 минг болалар мактабгача таълим муассасаларига, Денов туманида 11141 ўқувчи мактабларга, 2,6 минг болалар мактабгача таълим муассасаларига, Бойсун туманида 5964 ўқувчи мактабларга, 1 минг болалар

¹ Сурхондарё Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқ. «Сурхон тонги». 2000 й. 24 март.

² Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иктисодий ва статистика бош бошқармаси. 1998й. 02.98. 14 бет

мактабгача таълим муассасаларида, Жарқўрғон туманида 8688 та ўқувчи мактабларга, 3 минг бола мактабгача таълим муассасаларида, Қумқўрғон туманида 6420 та ўқувчи мактабларга, 2700 та болалар мактабгача таълим муассасаларида, Шеробод туманида 92092 ўқувчи мактабларга, 1700 та болалар мактабгача таълим муассасаларда, Шўрчи туманида 7140 ўқувчи мактабларга, 3200 бола мактабгача таълим муассасаларида таълим олди¹.

1999-2000 ўқув йилида таълим-тарбия ишларини ислоҳ қилиш, вилоятдаги мавжуд 778 та умумий ўрта таълим мактаблари 19 та ихтисослашган мактаб интернат, учта мактаб футбол интернати, иккита санатория мактаб интернати, иккита махсус мактаб интернати ва битта меҳрибонлик уйида самарали тарзда изчил давом эттирилди. Ушбу ўқув йилида мавжуд таълим муассасаларида жами 453 минг 981 нафар ўқувчи таълим-тарбия олишди. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга мўлжалланган 19 та мактаб интернатда 3644 нафар ўқувчи турли фанлар бўйича кенгайтирилган дастур асосида билим олишди. Президентимиз И.Каримов Сурхондарё халқ депутатларининг вилоят кенгаши сессиясида сўзланган нутқида (2000 йил, март) вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларига 1589 нафар ўқитувчи етишмаслигини таъкидлаган эди³.

Йил сайин таълим муассасаларининг ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжи ошиб бораётганлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиб олиш мумкин: Агар 1997 йилда бу эҳтиёж 1276, 1998 йилда 1306 нафарни ташкил қилган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 1589 нафарга етди. Ўқитувчилар билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш борасида бир қатор, тадбирлар: масалан, 2004 ўқув йилидан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртини битирувчи талабаларни 3 йил давомида ўз мутахассисликлари бўйича ишлаб беришлари зарурлиги тўғрисида»ги қарори эълон қилинди⁴.

Вилоят халқ таълими муассасалари Республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари, турли хил кўрик танловлар ва мусобақаларда ҳам фаол

¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодий ва статистика бош бошқармаси. 1998й. 11.02 12 бет

³ Сурхондарё Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқ. «Сурхон тонги». 2000 й. 24 март.

⁴ Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 2-китоб. 35-бет. Термиз-2004

иштирок этмоқдалар. Республика фан олимпиадасида вилоят халқ таълими муассасалари ўқувчилари 17 та фан бўйича иштирок этиб, фахрли бешинчи ўринни эгаллашди. Республика «Китобхон» танловида Шеробод туманидаги 17-мактабнинг «Маънавият» гуруҳи биринчи ўринни эгаллади¹.

Таълим муассасаларидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсадида вилоятдаги кўплаб мактабларда мониторинг марказлари ташкил этилди.

1999-2000 ўқув йили якунида умумтаълим мактабларини таъмирлаш ишларига 41 миллион 300 минг сўм маблағ, вилоят ҳокимлиги яна қўшимча 40 миллион сўм маблағ ажратди. Айниқса, вилоятда маориф ва маърифатни кўллаб-қуватлаш борасида ҳомийлик ёрдами алоҳида аҳамиятга эгадир. Денов туманидаги фермер А.Нарзуллаев ўз ҳисобидан 9,5 миллион сўмга икки қаватли мактаб биносини қуриб берди. Қумқўрғон туманидаги Н.Нормуродовлар оиласи 620 ўринли 24-мактаб биносини таъмирлашга 700 минг сўм миқдорида ёрдам берди. 2000 - ўқув йилида Қумқўрғон тумани халқ таълими ходимлари ҳомийлигида 13-мактабга қўшимча 6 та синфхона, 38-мактабда қўшимча 8 та синфхона қуриб берилди².

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги фармониغا асосан, Сурхондарё вилояти ҳокимининг 1997 йил 28 октябрдаги 308-сонли қарори қабул қилинди. 1999-2000 йиллар мобайнида вилоятда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Мавжуд 808 та таълим муассасаларини 2000-2001 ўқув йилига тайёрлаш бўйича махсус штаб ташкил этилди, режа ва тадбирлар аниқ ишлаб чиқилди. Мавжуд 778 та мактабнинг 89 тасини капитал, 689 тасини жорий таъмирлаш ишлари

¹ Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 2-китоб. 15-бет. Термиз-2004

² Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 2-китоб. 48-бет. Термиз-2000

режалаштирилди. Шунингдек, 23 та мактабга тоза ичимлик суви ўтказиш, 46 та мактабни газлаштириш, 20 тасини телефон ва 37 тасига радио ўтказиш ишлари олиб борилди. 1999-2000 ўқув йилида фаолият кўрсатган 778 та умумий-таълим мактабларининг 70фоиз да, яъни 556 тасида дарслар 2 сменада олиб борилди¹.

Вилоятдаги мактабгача таълим муассасаларида 2548 нафар педагогик ходимлар мудира, услубчи, тарбиячи, мусиқа раҳбарлари ва психологлар ишлаб турибди. 2000 йил Термиз давлат университетини 10 нафар, Денов педагогика билим юртини 35 нафар талабалар битириб, мактабгача таълим мутахассислиги бўйича боғчаларга ишга келишди. Мактабгача таълим муассасаларини ўқув-услубий қўлланмалар, ўйинчоқлар, техник воситалар билан таъминлаш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Вилоятдаги 7 та мактабгача таълим муассасаларида компьютер билан таъминланди. 1999-2000 ўқув йилида вилоятдаги 30 та мактабгача таълим муассасаларида «Болалари ривожлантириш ва мактабгача тайёрлаш таянч дастури» тажриба синовдан ўтказилди. Тажриба синов ишлари натижалари бўйича 2000 йил февраль ойида Сарийосиё туманида, шу йилнинг май ойида Қашқадарё вилоятида Республика минтақавий семинарлари ўтказилди. Унда Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти мактабгача таълим ходимлари дастур юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

Боғчаларни турли ўйинчоқлар, ўйинлар билан бойитиш, болаларга миллий қадриятларимизни, бой маданий-тарихий меросимизни, урф-одатларимизни ўргатиш, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги илғор иш тажрибасига эга бўлган педагогик ходимларни аниқлаш, уларнинг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Севимли ўйинчоқлар», «Йил тарбиячиси», «Соғлом авлод учун», «Ўзбек тили фестивали» каби кўрик танловлар ўтказилди.

Вилоятда ўтказилган «Севимли ўйинчоқлар» кўрик танлови ғолиби бўлган Жарқўрғон туманидаги 1- сон «Алпомиш» номли болалар боғчаси

¹ Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 1-китоб. 23-бет. 2000.

тарбиячилари танловнинг республика босқичида иштирок этиб фахрли биринчи ўринни эгалладилар. «Йил тарбиячиси» вилоят танлови Ғолиби Денов туманидаги 19-сон болалар боғчаси тарбиячиси Орипова Лутфия республика танловида иштирок этиб, «Зехни ўтқир тарбиячи» номига ҳамда «Халқ таълими аълочиси» нишонига сазовор бўлди.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлашни яхшилаш, уларни боғчаларга жалб этиш фойзидани ошириш мақсадида ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда.

1999-2000 ўқув йилида боғчаларда 5014 нафар, боғчалар қошидаги саводхонлик марказларида 7200 нафар, мактаблар қошидаги тайёрлов марказларида 31382 нафар, мактабдан ташқари муассасалар қошида 1213 нафар, якшанбалик гуруҳларида 1221 нафар болалар махсус дастур асосида мактабга тайёрланадилар. Айни вақти 35 та боғчада инглиз тилини, 1 та боғчада француз тилини ўргатиш йўлга қўйилган. Боғчаларда турли тўғараклар шахмат, шашка, каратэ, ёш рассом, ёш табиатшунос, болалар фольклор дасталари каби гуруҳлар ишлаб турибди.

Моддий база-ҳал этувчи омил маълумки, таълим самарадорлиги нафақат ўқувчи қобилияти, ўқувчи меҳнатига балки кўп томонлама ўқув-моддий негизининг аҳволига ҳам боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида таълим муассасалари ўқув-моддий негизини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. 2000 йилда фаолият кўрсатаётган 780 та умумий ўрта таълим мактабининг 521 таси замонавий, 259 таси мослаштириш биноларида жойлашган. Замонавий биноли мактаблар салмоғи ортиб, мактабларнинг 66,8 % ташкил қилди. Мактабларнинг 243 таси газлаштирилган. 777 таси электр тармоғига уланган. 563 таси ичимлик суви билан таъминланган. 423 тасида телефон алоқаси йўлга қўйилган. 1999-2001 йиллар давомида 94116 нафар ўқувчи ўрнига эга мактаб бинолари, қўшимча синфхоналари қурилганлиги, 167 мактаб газлаштирилганлиги, 120 мактабда ичимлик суви қурурлари ўрнатилганлиги, 226 та мактабда телефон алоқаси йўлга қўйилганлигини

таълим муассасалари ўқув-моддий негизини мустаҳкамлаш бўйича маълум даражада ишлар қилинганлидан далолат беради.

Шунингдек, халқ таълими вазирлиги яқинда 8 та туман учун 8 дона компьютерлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишга эришиш устида катъий режа асосида иш олиб бормоқда.

Шу мақсадида 2000 йилда Денов туманидаги 82 мактабда Республика миқёсида «Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш» мавзусида илмий-амалий анжуман, вилоят бўйича ўқувчилараро «Компьютер-шоу» танловлари ташкил қилинди. 2000-2001 йилларда таълим муассасаларидаги таъмирга муҳтож компьютерларини таъмирлаш бўйича ишлар олиб борилди.

Шунингдек, ўқувчиларимизнинг тўлақонли билим олишлари учун 5677 та Фан ўқув хоналари, 149 та лингафон хонаси хизмат кўрсатмоқда. 2000 йилда таълим муассасаларига 5 млн сўмлик спорт анжомлари, 2000 та парта, 3900 та юмшоқ жиҳозлар олиб берилди.

Вилоят мактабларида таълим самарадорлигини ошириш мақсадида 773 та киноаппарат, 664 та телевизор, 821 та магнитофон, 42 та автомобиль, 128 та трактор, 197 та радиоузеллардан, уларга меҳнат таълими бериш ва касб танлашга ўргатишда 102 та металлга ишлов бериш, 240 та ёғоч ишлов бериш устахоналаридан фойдаланилди.

Мустақиллик йиларида таълим муассасаларининг замонавий компьютер техникалари билан таъминлаш борасида зарур ишлар амалга оширилди.

Вилоят мактабларини компьютер билан таъминлаш мақсадида 2000-2001 ўқув йили бошлангунча қадар ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ҳомийлар ҳисобига мактабларга биттадан компьютер олиб берилди.

2005 йилда вилоят халқ таълими муассасаларида 33,143 нафар педагог ходимлар меҳнат қилдилар. Тоифалар бўйича ўқитувчиларнинг 1491 нафари (4,5 фоиз) олий, 9110 нафари (25,5 фоиз) 2-тоифали ўқитувчилардан иборат

бўлган бўлса, 1361 нафари (41,1 фоиз) мутахассис ўқитувчилар ташкил этди¹. Халқ таълими моддий техника базасини мустаҳкамлашиб бориши ҳамда кадрларга бўлган талабнинг бевосита давлат томонидан назоратга олиниши натижасида янги таълим тарбия соҳасида мутахассисларни тайёрлашга имконият яратилди. 2005 йилга келиб вилоятда мактабгача тарбия муассасаларнинг сони 409 тага етиб, улардаги ўринлар сони 42200 тани ташкил этди. Шунингдек, вилоят умумтаълим мактаблари сони 2005 йилда 835 тага етиб, ўқувчилар сони 501,1 мингтани ташкил этиб, мактабларнинг ўқув-услубий имкониятлари замонавий ҳолатга жиҳозланди. Мактаблар ўқув-услубийнинг жаҳон андозаларига мос моддий техника билан ҳамда ўқув воситалари билан таъминланди².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4-сонли қарорига мувофиқ вилоят халқ таълими тизимида маълум ишлар амалга оширилиб келинмоқда. 2005 йилда вилоятдаги мактаблар кутубхоналари захираларидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари сони 5 миллион 466 минг нусхага етди³.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни ҳал этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги ф-1910 сонли фармойиши билан тузилган махсус комиссия⁴ ва ишчи гуруҳлари Республикамиз минтақаларида бўлиб, барча умум таълим мактабларидаги мавжуд аҳвол ўрганиб чиқилиб, мактабларни қайта таъмирлаш борасидаги ишларнинг мезонлари ишлаб чиқилганлиги ва аниқ вазифалар белгилаб олинганлиги янада яхши бўлди. Бунга «2004-2009 йилларда мактаб таълимини

¹ Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 1-китоб. 25-бет. 2005.

² Сурхондарё вилоят иқтисодиёт бошқармаси жорий архиви, 4 китоб, 114 бет, 2006.

³ Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 1-китоб. 37-бет. 2000.

⁴ Халқ сўзи. 2004. 22 май.

ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 2004 йил 21 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асос бўлди¹.

Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунларини бажара бориш, шунингдек, ёш авлодни ҳар томонлама етук, жисмоний жиҳатдан бақувват қилиб тарбиялаш мақсадида, вилоятда 17 та махсус спорт мактаби мавжуд бўлиб, уларда 8000 минга яқин ўқувчи тарбияланди. 1995 йилнинг 1 ярмига қадар ўтган давр мобайнида ушбу спорт мактабларининг иштирокчилари халқаро мусобақаларда иштирок этиб, улар орасида 1 нафари спорт устаси, 25 нафари спорт усталигига номзод ва 100 нафари биринчи разрядли спортчи бўлди.

Денов тумани халқ таълими бўлимига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2002 йилда спортнинг 9 тури бўйича гуруҳларда машғулотлар олиб борилди. Бу спорт турлари қуйидагилардан: Миллий кураш, эркин кураш, дзю-до, волейбол, футбол, кўл тўпи, баскетбол, теннис, стол теннисларидан иборат².

Юқорида номлари кўрсатилган спорт турлари бўйича жами 31 нафар мураббийлар гуруҳларда машғулотлар олиб бордилар. Бу мураббийларнинг 22 нафари олий ва 7 нафари эса ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Спорт мактабида спортнинг 9 тури бўйича жами 89 та гуруҳлар ташкил этилиб, бу гуруҳларда жами 1378 нафар ўқувчи спортчилар ўзларининг маҳоратларини оширди. Бу спорт мактаби Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Узун ва Сариосиё туманлари спорт мактабларининг жамоалари билан кўп маротабалаб ўртоқлик учрашувлари ўтказди. Спорт мактаби вилоят финал босқичида (2001-2002 йилги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида) 5-7 синфлар ўртасида фахрли 1-ўрин, 8-11 синфлар ўртасида III-ўринни эгалладилар. Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган Республика финал босқичидаги мусобақаларда спортчилардан 8 нафари спортнинг уч турида (кураш, белбоғли кураш, волейбол) иштирок этишиб, кураш бўйича II-ўринни

¹ Халқ сўзи. 2004. 22 май.

² Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 2-китоб. 26-бет. 2002.

эгаллашди. Спорт мактаби малакали спортчилар тайёрлаш бўйича қуйидаги натижаларга, спорт усталигига номзодлар-2, 1-разрядли спортчилар-25, 3-разрядли ёшлар-286 таги эришдилар¹.

Жарқўрғон тумани мактаблари ҳам Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб «Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур» шиори остида ўтказилган «Олимпиада умидлари-2001» спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашди. Туманда умум команда бўйича 1-ўринни 21-мактаб, 2-ўринни 6-мактаб, 3-ўринни 4-мактаб ўқувчилари эгалладилар. Туман ҳокимлиги ғолибларга телевизор, холи гилам, палас, волейбол тўпи, кўл тўпи ва мактов ёрликларини топшириб, вилоят, республика босқичига муваффақият тиладилар. Спорт учун автоуловлар ташкил қилиб берилди. Вилоятда тумандаги 3-мактабнинг енгил атлетикачилари, 6-мактабнинг баскетболчилари 1-ўринларни кўлга киритишиб, Республика мусобақаларида қатнашдилар². Жарқўрғон туманидаги спорт мактаби ва умумтаълим мактабларида 2003 йилга келиб, спортнинг 14 тури бўйича 12190 нафар ўқувчилар мунтазам равишда шуғулланиб келди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида 8-11 синф ўқувчилари спортнинг 12 йўналиши бўйича вилоят финал босқичида иштирок этиб, енгил атлетика бўйича-1, стол тенниси бўйича-4, бадий гимнастика бўйича-1, кураш-1, волейбол бўйича қизлар-1, футбол бўйича-3, кўл тўпи бўйича қизлар-2, сузиш бўйича-3 ўринни эгалладилар. Туман ўқувчилари «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида вилоятда умумий команда ҳисобида 2-ўринни эгалладилар³.

2005 йилда Ўзбекистон аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланди. Юртимиз вакилларининг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон биринчилиги мусобақаларида юқори натижаларга эришаётгани,

¹ Денов тумани ХТБга қарашли Болалар ва ўсмиралар спорт мактабининг 2002 йил якуни бўйича тайёрланган ҳисобот. Жорий архив 1-3 б.

² Жарқўрғон ҳақиқати газетаси. 2001. 17 август.

³ Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 2-китоб. 26-бет. 2003. 21 август. 3-4 б.

Республикамизнинг спорт салоҳияти янада ошаётгани, марказда ва жойларда жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт мажмуалари, замонавий стадион ва кортлар барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» ўйинлари тобора оммалашиб бораётган, айниқса эътиборлидир. Шу билан бирга, оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ўрнини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асосини тарғиб ва ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга ўз қобилият ва исътедодини рўёбга чиқаришда унинг аҳамиятини очиб бериш, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада ошириш борасида оммавий ахборот воситалари ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилаётган катта ишлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.¹ Қарорда «Ўзтелерадиокомпанияси»га «Спорт» телеканали кўрсатувларини 2004 йил 1 январдан бошлаб кунига 6 соат ҳажмида, апрель ойидан бошлаб 8 соат ҳажмида, Ўзбекистон радиоси спорт эшиттиришларининг эфир вақтини 2 соатга узайтириш, Маданият ишлари Вазирлиги «Маънавият ва маърифат» маркази, ёзувчилар, бастакорлар уюшмаси, Бадиий академияси олдига оммавий спортнинг муҳим аҳамиятини ҳаётий мисоллар орқали акс эттирувчи бадиий асарлар яратиш ва бошқа бир қатор муҳим вазифалар белгилаб қўйилди. Бу қарор шундан далолат берадики, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида мамлакатимизда тарғиб этиш, энг муҳим, вазифалардан бирига айланди.

¹ Халқ сўзи. 2003 йил 5 ноябр.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳунар таълими тизими ҳам ислоҳ қилинди. Чунки ҳунар билим юртлири ишчи кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Айниқса, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган Сурхондарё вилоятида ҳунар-таълим тизимини ривожлантириш ижтимоий аҳамиятга эгадир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида, иқтисодий қийинчиликка қарамадан, вилоятдаги мавжуд ҳунар-техника билим юртлири сақлаб қолинди ва янгилари ташкил қилинди.

Таълим тўғрисидаги қонунга асосан, вилоятда ўрта махсус таълим йўналиши бўйича бизнес мактаблари, кичик ва ўрта мактаблар учун касб-ҳунар курслари очилди, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислар (фермер, солиқ ва боғхона ходими, аудит ва менежмент ва ҳ.к.) тайёрлашга киришилди.

Аммо таълим тизими фаолиятини тубдан ўзгартирмасдан туриб қутилган натижага эришиб бўлмас эди. Маълумки, олдинги даврларда Ўзбекистонда (Ўзбекистоннинг умумиттифоқ тақсимоотида тутган ўрнига, яъни хомашё етказиб боровчи базиси эканлигига қараб) турли ихтисосликка эга бўлган кадрлар тайёрлашга қаратилган билим юртлири етарли даражада ташкил қилинган эди. Республика иқтисодиёти умумий ўрта таълим ва касбий билимларга эга бўлган кадрлар билан қарағидан ортиқча таъминланган эди. Лекин улар янги шароитларга мос бўлган, айниқса бизнес соҳасидаги билим, малакага етарли даражада эга эмас эди. Шу билан бирга, шаклланган узлуксиз таълим тизими, янги шароитларга мослашиб боришига қарамадан, ҳудудлар, тармоқлар ва қорхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига, умуман иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришига, кичик бизнеснинг ривожланишига ҳисса қўшадиган ёлланувчи ва иш боровчи мутахассисларни тайёрлашда ожизлиги сезилиб борди.

Умуман олганда, шўролар тузуми даврида ташкил қилинган бу ҳунар-техника билим юртлири ночор аҳволда эди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Қаримов ҳунар-техника билим юртлирига баҳо берар экан, шундай деган эди: «Уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан қараганда,

моддий-техника базасининг ночорлиги, улар бераётган билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган жуда тор ихтисос-мутахассислиги, шу билан бирга, тарбиячи-ўқитувчилар малакасининг пастлиги, бу билим юртларининг умуман бугунги кун талабига жавоб бермаслиги барчамиз учун аниқ бўлиши керак»¹.

Қолаверса, шаклланган таълим тизими меҳнат ёшига кириб келаётган ёшлар ўртасида ишсизларнинг кўпайишига ҳам ўз ҳиссасини қўшган эди. Бу борада Президент И. А. Каримовнинг 1997 йил 29 августда иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қилган маърузасидаги айрим маълумотларини келтириш мумкин. Масалан, 9-синфни битираётган 450 минг нафар боладан 250 минг нафарга яқини, яъни 55 % 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари хунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса - 100 минг нафар болалар, ҳисоб-китобларга қараганда, умуман кўчада қолмоқда. 11-синфни битираётганлардан 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб 10 % олий ўқув юртларига ўқишга кириши мумкин. Қолган 90 % эса на аниқ ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-ҳунарни эгаллай оляпти².

1998 йилда Сурхондарё вилояти ўрта мактабларини битирган 42 мингга яқин ёшларнинг фақат 2,4 минг нафари, шу йил давомида ўрта махсус ва олий ўқув юртларини битирган, 2,7 минг мутахассисдан фақат 1,3 минг нафари ишга жойлаштирилган. Қолган 1,4 минг нафари (50 %) ижтимоий ҳимояга муҳтож³. Демак, республика мактабларининг 9 ва 11-синфларини битирган ва ҳаётда ўз ўрнини тополмаган минглаб ёшлар бусиз ҳам ижтимоий аҳволи (айниқса ишсизлик масаласида) мураккаб бўлган ижтимоий аҳволни янада қийинлаштирди.

Шунинг учун ҳам республика бўйича ўрта махсус таълим тизими ва ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган янги турдаги ўқув юртларини

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т., 1998. - Б. 333.

² Ўша жойда. - Б. 332-333.

³ Халқ сўзи. - 1998. - 5 дек.

ташқил қилиш, мавжуд ўқув юртларининг моддий-техника базасини, ўқув йўналиши ва ихтисослигини тубдан янгилаш борасида бир қатор ишлар қилинди.

Умуман, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 1992 йилдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун ва бу соҳада дастлабки ислохотлар хато ва камчиликлар билан амалга оширилган бўлса-да, жамиятимизга мустаҳкам сингиб қолган собиқ мустабид тузум таълим тизимини синдиришда, муҳим тажрибалар орттиришда, айниқса янги узлуксиз таълим тизимини барпо қилиш учун муҳим тарихий босқич бўлиб хизмат қилди.

1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, таълим тизимидаги ана шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилди.

Шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар асосан билим олиш эмас, балки юқори ва барқарор даромад келтирувчи аниқ бир касб, хунар эгаллаш учун интилади. Шу билан бирга, улар керакли касб эгаси бўлиши учун имконияти борича кам вақт сарфлашни ҳам истайдилар. Ислохотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш вилоятда янги иқтисодий муносабатларнинг қарор топиб боришига сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, вилоятда қўшма корхоналар, кичик ва ўрта корхоналар ҳамда фермер хўжаликларининг ташқил этилиши ва мавжуд корхоналар салоҳиятининг янгича талаблар асосида қайта ташқил этилиши уларнинг бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган малакали мутахассисларга бўлган талаби ортишига олиб келди.

Талаб, албатта, таклифни келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда зарур мутахассислик ва касб эгаси бўлиш учун ёки мавжуд ихтисослик бўйича малакани оширишга кенг имкониятлар очилган. Ишсизлар учун қайта тайёрлаш жараёни меҳнат биржалари орқали амалга оширилмоқда. Ўз ишини бошламоқчи бўлганлар учун турли бизнес мактаблар ва бизнес инкубаторлар фаолият кўрсатмоқда. Кадрлар тайёрлаш

миллий дастури бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежлари тармоғи кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида мактаб таълими билан биргаликда ўрта махсус ўқув даргоҳлари фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди, хусусан, халқ хўжалигининг турли ташкилот ва муассасаларини ҳар хил ихтисосдаги малакали мутахассислар билан таъминлашда вилоятда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус ўқув юртларининг ҳам аҳолида ўрни ва роли мавжуд. Вилоятдаги мавжуд барча ўрта махсус ўқув юртлари истиқлолнинг яратиб берган қатор имкониятлари туфайли янгилана бошлаган жамиятимиз ривожига ўзларининг алоҳида хиссасини қўшиш билан бир қаторда ўз фаолиятига ҳам қатор ижобий ўзгаришлар, бурилишлар ясамоқдалар.

Буни қуйида келтириладиган далиллар ва мисоллар ҳам тасдиқлаши табиий: Чунончи, Термиз қишлоқ хўжалик техникуми Агротадбиркорлик коллежи сўнгра эса маиший касб-хунар коллежи, Музрабод туманидаги қишлоқ хўжалиги техникуми ҳам ўз ишини янги давр талаблари асосида ташкил қилиб, Коммерция техникумига айлантирилди ва янгидан-янги ихтисосликлар ташкил этилди. Вилоятдаги барча ташкилот ва муассасаларнинг ҳуқуқшунос маслаҳатчиларига бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда Термиз политехникуми қошида 1996-1997 ўқув йилидан Ҳуқуқшунослик бўлими ташкил этилди.

Вилоятда 16 ўрта махсус ўқув юртларини халқ хўжалигининг турли соҳаларига кўплаб мутахассислар етиштириб бераётган-лигини қуйидаги далиллар ҳам исботлайди: Агар 1990-1991 ўқув йилида ўрта махсус ўқув даргоҳларида жами 10092 нафар йигит-қизлар (шундан 7494 нафар кундузги 314 нафар, кечки 2284 нафари сиртқи бўлимда) таҳсил олишган бўлса, 1991-1992 ўқув йилида эса 9832 нафар йигит қизлар таълим олдилар¹.

1994 – 1995 ўқув йилида вилоятдаги хунар техника билим юртларининг сони 29 тани ташкил этган бўлса, 1995 – 1996 ўқув йилида уларнинг сони 30

¹ Вилоят Халқ таълими бошқармаси жорий архиви. 2-китоб. 37-бет. 2001 й.

тага, талабалар сони эса 12800 тага¹, 2003 йилда 54 та ўқув муассасаларида 41,489 нафар ўқувчи (шундан 9 синф ҳажмида 31,502, 11 -синф ҳажмида 9997 нафар)лар 80 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Уларга 3110 нафар ўқитувчи ва муҳандис – педагог (2806 нафар олий, 27 нафар тўлиқсиз олий, 277 нафари ўрта махсус маълумотли, 4 нафар фан доктори, 30 нафар фан номзоди) таълим бермоқда².

2003 йил мобайнида коллежлар учун 170,1 миллион сўмлик маҳаллий бюджетдан ва бошқа манбалардан, жами 144376 донадан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари сотиб олинди: 2003 йил «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг иккинчи сифат босқичида (2001-2005 йиллар) амалга оширилаётган ишлар анча қувонарлидир. Дарс машғулоти янги илғор педагогик технологиялар асосида, ноанъанавий усуллардан фойдаланиш машғулоти мунозара тарзида ўқувчилар тайёрланган ва берилган саволларнинг мазмун моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш, саволлар сифатига қараб уларнинг муайян мазмунлар бўйича тайёргарлик ҳолатини аниқлаш, ўқувчиларга фикрлаш, мустақил билим олиш, мавзуга оид адабиётлар топиш ва фойдаланиш ҳамда таҳлил этиш кўникмларини шакллантиришга эришилади. Жумладан, 2002-2003 ўқув йилида Термиз академик лицей ўқувчиси Азиза Шаймардонова «Зулфия мукофоти сазовор бўлди».

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказилган умумтаълим фанлари бўйича фан олимпиадаларининг биринчи босқичида 4825 нафар (академик лицейлардан 306, коллежлардан 4519 нафар) шаҳар ва туман босқичларига коллежлардан 1595 нафар, вилоят босқичига 203 нафар (лицейлар 62, коллежлардан 141 нафар) ўқувчилар қатнашдилар. Фан олимпиадаларида (2004 йил 6-9 январь) 203 нафар ўқувчиларнинг 12 нафари

¹ Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жорий архиви. 6-китоб. 118-бет. 2001 й.

² Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси 2003 йил учун ҳисоботи жорий архиви. 7-китоб. 123-бет. 2003.

1-ўринни, 9-нафари 2-ўринни, 15-нафари 3-ўринни (жами 36 нафар) эгалладилар¹.

Республика босқичларига академик лицейдан 3 нафари (инглиз, кимё, математика), касб-ҳунар коллежларига 2 нафар (рус, иқтисод) 3-курс ўқувчилари йўлланма олдилар. Бу кўрсаткичлар 2005 йилги фан олимпиадаси натижасига нисбатан жами ўринларнинг 17 нафарига, Республика босқичига йўлланма олган ўқувчилар сони бўйича эса 4 нафарга ошганлигини кўрсатди. Ўқув муассасаларидан спортнинг 14 тури бўйича ташкил этилган тўғаракларнинг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Республика «Баркамол авлод» мусобақасида 3 та кумуш, 8 та бронза, ат-Термизий хотираси турнирида Рустам Бобомуродов 73 кг вазнда олтин медални, жаҳон Таэквандо Фестивалларида Қумқўрғон енгил саноат касб-хунар коллежлари ўқувчиси Ғаниева Дилноза олтин ва унинг мурабийси Абдужаббор Ботиров кумуш медалларини қўлга киритдилар. Бундан ташқари иқтидорли ижодкор ўқувчилар ҳам Республика миқёсида ўтказилган турли хил кўрик танловлар ҳамда интеллектуал шоуларда фаол иштирок этиши натижасида «Энг яхши китобхон», «Ўзбекистон кўшиқ байрами», «Сиз қонунни биласизми?», «Конституциямиз бахтимиз пойдевори» каби кўрик танловларда ҳам фаол қатнашиб, фахрли 3 ўринни эгалладилар². Республикамиз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг зарур ва мажбурий шарти сифатида маълум соҳани ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширди. Белгиланган мақсадга эришиш учун «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилиб, ушбу дастур бутун Республикани касб-хунар таълими тизимини тўла қамраб олишини таъминлашга, ўқувчиларнинг умумий таълим билан бир қатор аниқ бир касбни эгаллаб олишларига қаратилган. Дастурга мувофиқ принциплари янги турдаги ўрта касб-хунар муассасалари тармоғи шаклланди. Замонавий ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 533 та касб-хунар коллежи ва 54

¹ Вилюят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси жорий архиви. 1-китоб. 9-бет. 2004 й.

² Вилюят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси жорий архиви. 6-китоб. 115-бет. 2005 й.

та академик лицейлар барпо этилди. Янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди¹.

Сурхондарё вилоятида академик лецей ва касб-хунар коллежлари куриш ҳамда замонавий моддий техника билан жиҳозлаш, етук мукаммал билимга эга бўлган мутахассислар билан таъминлаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган ижобий ишлар амалга оширилди. 2005 йилга келиб, вилоятдаги академик лецейлар сони 2 та бўлиб, уларга 550 та ўқувчи қабул қилинган. Шунингдек, вилоятда 65 та мавжуд касб-хунар коллежларида 25603 минг ўқувчи қабул қилиниб, уларга таълим-тарбия бериш масаласига жиддий эътибор берилди. Академик лицей ва касб-хунар коллежларини ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ва мутахассис сифатида тарбиялаш масаласига жиддий эътибор берилиб, уларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам давлат назоратига олинди².

Вилоят халқ таълими тизими бўйича амалга оширилаётган ўзгартиришларда вилоятда ягона бўлган олий ўқув юртининг ҳам хиссаси катта бўлмоқда. Термиз Педагогика институтнинг 1992 йилдан эътиборан университетга айланиши муносабати билан бу даргоҳдаги ўқув ва тарбиявий ишларнинг ҳар томонлама ижобий томонга қараб юз тутишига имкон берилди³.

Маълумки, вилоят иқтисодиётига аграр соҳа муҳим ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш вазифаси аввало, ушбу соҳа учун малакали мутахассислар етказиб беришни инобатга олган ҳолда Термиз давлат университетида тайёрланаётган мутахассисларни жойлардаги эҳтиёж ва талаблар асосида тайёрлаш мақсадида қатор ихтисосликлар ташкил этилди. Жумладан, университетнинг ташкил этилиши билан бевосита халқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган мутахассислар тайёрлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, агрокимё ва тупроқшунослик, экология каби бўлимлар очилди. Шунингдек, ҳаётимизнинг

¹ Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси жорий архиви. 6-китоб. 119-бет. 2003 й.

² Сурхондарё вилоят иқтисодиёт бошқармаси жорий архиви, 4 китоб, 114 бет, 2006

³ Термиз Давлат Университети жорий архиви. 1992 йил. 1-китоб. 29-бет.

иқтисодий жихатидан раvнақ топиши учун жон куйдираётган малакали ихтисосчилар ва ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар тайёрлаш борасида ҳам амалий ишлар қилиниб, университетда иқтисод, молия ва менежментлик факультетлари ташкил этилди. Шу каби Тошкент давлат Автомобил йўллари институтининг Термиз филиали ҳам 1994-йили «Муҳандис техника» факультети сифатида университет ихтиёрига ўтказилди. Университет талабалари жаҳон талабларига мос равишда билим олишларини ташкил этиш мақсадида уларнинг тил ўрганиши, хусусан, жаҳон тили бўлган инглиз тилини ўрганиши учун чет эллар факультети қошида махсус тил ўрганиш маркази ташкил этилди. Ушбу тил ўрганиш маркази нафақат университет талабаларига, балки вилоятдаги барча ташкилот ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг жаҳон тили ҳисобланган инглиз тилини ўрганишга доир эҳтиёжлари ҳам қондирилди¹.

Термиз давлат университети вилоятдаги ягона олий ўқув юрти сифатида алоҳида мавқе ва обрўга эга бўлиш билан бир қаторда илм ва зиё маскани ҳамдир. Университет томонидан вилоят халқ таълими, хўжаликининг турли соҳаларига ҳар йили кўплаб мутахассислар етказиб берилди. Албатта, ушбу мутахассисларни тайёрлаш учун университет улкан илмий салоҳиятга эга бўлиб, унинг 13 та факультет, 55 та кафедрасида 450 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар хизмат қиладилар. Агар истиқлол арафасида вилоятда олий ўқув юрти М.Т.Ойбек номидан Термиз давлат педагогика институти сифатида фаолият кўрсатиб, унда жами (кундузги, сиртки) 7167 талаба таҳсил олган бўлса, 1991-1992 ўқув йилига келиб, ушбу олий даргоҳда таълим олаётган талабалар сони 7811 тага етди. 2001 йилга келиб Термиз давлат университетининг мавжуд 13 факультети, 50 кафедрасида 30 фан доктори, профессорлар, 150 дан ошиқ фан номзодлари ва доцентлари фаолият кўрсатди. Университет қошида 1993-йили аспирантура бўлими ташкил қилиниб, Аспирантура бўлими фаннинг Лазерлар физикаси, Гельмонтология, география, Ватан тарихи, Аналитик кимё, экология, қиёсий адабиётшунослик

¹ Термиз Давлат Университети жорий архиви. 1994 йил. 1-китоб. 23-бет.

ва тилшунослик каби соҳаларида тадқиқотлар, илмий изланишлар олиб борди. Университет олимлари вилоят халқ хўжалигини ривожлантиришда, ижтимоий-иқтисодий равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб, кўплаб илмий асарлар яратдилар. Жумладан, профессор Э.Й.Тўраев «Тўраев Серёгин эффекти» сифатида фанга киритилган. Янгиллиги учун халқаро «Сорее» мукофотининг соҳиби бўлди. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Республика Президентини фармони асосан «Урушда ҳалок бўлган Сурхондарёлик аскарлар тўғрисида»ги икки жилдлик «Хотира» китоби Республика фахрийлар кенгаши ва Термиз Давлат Университети олимларининг ҳамкорлиги асосида дунё юзини кўрди «Муаллифлар: Қ.А.Авлиёқулов, Ҳ.Кичкилов, Б.Б.Ёриев ва бошқалар». Тарих фанлари доктори, профессор С.Н.Турсунов ва тарих фанлари номзоди Т.Р.Пардаевларнинг Сурхондарё вилояти аҳолисининг уруш йилларида кўрсатган жасоратига бағишланган «Унутилмас жасорат», профессор Р.А.Қулматов «Орол ҳавзасидаги дарё сувларида захарли элементларнинг тарқалиши ва милиорация қонуниятлари» номли асарлари нашрдан чиқди¹.

Термиз давлат университети қатор халқаро илмий анжуманлар ўтказиладиган илмий даргоҳ ҳамдир. 1995 йил май ойида Халқаро халқ педагогика асосацияси билан ҳамкорликда «Зараутсой-95» халқ педагогикаси бўйича 1-Халқаро симпозиум, 1998 йилда «Зараутсой-98» 2-Халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Симпозиумга бағишлаб 4 та маърузалар тўплами ўзбек, рус, немис ва тожик тилларида чоп этилди².

1995 йилда илмий симпозиум, яъни аналитик кимё муаммоларига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. 1995 йил декабр ойида Университет ва Ўзбекистон ФА Археология институти олимлари ташаббуси билан ҳамдўстлик мамлакатлари ва хорижий олимлар ҳамкорлигида «Бақтрия-Тохаристоннинг шаҳар маданияти», 1997 йилнинг сентябр ойида

¹ С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.; «Шарқ» 2001 й. 347-бет.

² С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарихи». -Т.; «Шарқ» 2004 й. 540-бет.

«Термиз Бақтрия-Тохаристон шаҳарлари» мавзуида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманлар тарих фани ривожига муҳим роль ўйнади.

2001 ўқув йилида Университет профессор-ўқитувчилари томонидан Франция, Япония, Украина, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва бошқа мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликда ҳам халқаро илмий педагогик тадқиқотлар олиб борилди. Чет эл ҳамда МДХ мамлакатлари олимлари иштирокида халқаро симпозиум ва конференциялар ўтказилди. Жумладан, 1999 йилда «Инкувация-99» ва «Тилларни қиёсий типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди. Чет элда ўтказилган халқаро анжуманларда ҳам Университет профессор-ўқитувчилари самарали иштирок этишди. Жумладан, назарий физика кафедраси мудири, физика фанлари доктори Ш.Жўраев 1999 йил июл ойида Франциянинг Страсбург шаҳрида ядро физикаси бўйича ўтказилган халқаро симпозиумида иштирок этди. Филология фанлари доктори Д.С.Қулмаматов Канада давлатида ўтказилган «Осиё ва Африка тилларини ўрганиш» мавзусига доир 36-чи Халқаро симпозиумда иштирок этиб қайтди. Умуман олганда мустақиллик йилларида ўрта, махсус ва олий таълим соҳасида вилоятда қатор ўзгаришлар амалга оширилди¹.

Термиз давлат университети вилоятда халқ таълими, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда халқ хўжалигини мутахассислар билан таъминлаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга ошириб, мустақиллик йилларида университетнинг моддий техника базаси мустаҳкамланиб, ўқув-услубий, илмий йўналишда мамлакат миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган ютуқларга эришди. 2005 йил университетда 1897 нафар талаба ўқишга қабул қилиниб, уларга таълим тарбия бериш масаласида зарур имкониятлар яратиб берилди.

Хулоса қилиб шуни қайд қилиш мумкинки, кадрлар тайёрлаш, танлаш, уларнинг қобилияти, имкониятларини ҳисобга олиш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилиб, вилоят халқ хўжалиги учун

¹ Турсунов С.Н ва бошқалар. «Сурхондарё тарихи». -Т.; «Шарк» 2004 й. 542-бет.

зарур мутахассислар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор берилди. Таълим муассасалари, ўқув дастурлари ва дарсликлар билан мунтазам таъминланиб, уларга ўқитишнинг янги педагогик технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган моддий техник имкониятлар яратиб берди. Мактабгача таълим муассасалари қайта таъмирланиб, мутахассисларга бўлган эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, зарур бўлган ўқув-услугий имкониятлар яратилди. Ўқувчи ёшларни маънавий, соғлом, ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялаш масаласига жиддий эътибор берилди. Айниқса, халқ таълими ва ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимларида сифатли дарсликлар билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал қилинди. Таълим тизимини қайта ислоҳ қилиш жараёнлари босқичма-босқич олиб борилиш натижасида вилоятда мавжуд камчиликлар бартараф этилди.

Бундан ташқари, таълим муассасалари ўқув дастурлари ва дарсликлари билан етарли даражада таъминланмади. Айниқса олий ва ўрта махсус таълим тизимларида бундай камчиликлар яққол кўзга ташланди. Чоп этилаётган дарсликларнинг сифати баъзи ҳолларда тегишли талабларга жавоб бермади¹.

Юқорида қайд этилган хато ва камчиликларга, муаммоларга қарамасдан, шуни алоҳида таъкид этиш жоизки, кадрлар тайёрлаш жараёни бу узоқ давом этадиган жараён, чунки, собиқ Иттифоқ доирасида таркиб топган иқтисодий муносабатлар ва шаклланган иқтисодий тизимни ҳамда одамлар онгини бир зумда ўзгартириш мумкин эмас.

Таълим муассасалари ўқув дастурлари ва дарсликлари билан етарли даражада таъминланмаган айниқса олий ва ўрта махсус таълим тизимларида бундай камчиликлар яққол кўзга ташланмоқда. Чоп этилаётган дарсликларнинг сифати баъзи ҳолларда тегишли талабларга жавоб бермайди².

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, янги типдаги кадрлар тайёрлаш жараёни бу узоқ давом этадиган жараён, чунки собиқ Иттифоқ доирасида

¹ Халқ сўзи. - 2002. - 24 апр.

² Ўша жойда.

таркиб топган иқтисодий муносабатлар ва шаклланган иқтисодий тизимни ҳамда одамлар онгини бир зумда ўзгартириш мумкин эмас.

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ўтиш даврида вилоятда кадрлар сиёсатида янгилик ҳосил қилиш керак эди. Кадрлар танлашда асосий эътибор, аввало ёш, соғлом фикрдаги, мустақилликнинг моҳиятини англаб етган ва унга хизмат қиладиган шахсларга қаратилиши лозим эди. Чунки раҳбар кадрлар орасида нафақат вилоятда, балки республика бўйича ҳам, совет даврида онги шаклланиб, ўша давр руҳияти сингиб кетган, бозор муносабатларини чуқур англаб етган шахслар камчиликни ташкил қиларди. Умуман, ислохотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири авваламбор кадрларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, фидойилигига боғлиқ.

Умуман, ҳозирги даврда республика, жумладан, вилоят халқ хўжалигининг ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжи асосан ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрланмоқда, яъни бевосита ишлаб чиқариш жараёнида тайёрланаётган ишчи кадрлар ҳажми коллежларда тайёрланаётганларига нисбатан деярли 1,5 баравар кўпдир.

Лекин мустақилликнинг дастлабки йилларида хунар-техника билим юртлигини ислоҳ қилиш борасида қилинган ишлар ҳали етарли эмас эди. Амалга оширилган ишларда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Масалан, хунар-техника билим юртлиги негизида юзага келган янги ўқув масканлари кўп ҳолларда шошма-шошарлик билан, етарли моддий-техника ва молиявий имкониятларга эга бўлмасдан ташкил қилинди. Янги йўналишдаги ўқув масканлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари етишмас эди. Ўқув юртлигининг номи ўзгаргани билан педагог ходимлар эса эскича билим, эски ўқув воситалари билан қолган эди. Буларнинг барчаси хунар-техника таълим тизимида туб ўзгаришларнинг янада самарали бўлишига таъсир қилмай қўймади.

Олий таълим - кадрлар тайёрлаш тизимида асосий бўғин бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида уни ҳам тубдан қайта қуриш талаб

қилинарди. Чунки шўро ҳукумати миллий кадрлар тайёрлаш масаласида риёкорона сиёсат олиб борган эди. Энг муҳим, давлат аҳамиятига эга ва жаҳон мезонларига жавоб берадиган мутахассислар етиштирадиган ўқув муассасалари асосан марказда жойлаштирилган эди. Натижада нафақат Ўзбекистондан, балки бутун Ўрта Осиё минтақасидан ҳам бу даргоҳларга санокли вакиллар қабул қилинган эди.

III.2. Тиббиёт хизматини ислоҳ қилиш ва туб ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилиши.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида бўлганидек, тиббиёт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Республикада мустақиллик йилларида тиббиёт мутахассисларига бўлган эътибор ўсди. Собиқ Иттифоқ ҳукумати даврида Республиканинг ижтимоий соҳасига, шунингдек, соғлиқни сақлашга етарли миқдорда маблағ ажратилмаганлиги натижасида тиббиёт хизмати қониқарли ҳолда эмас эди. Иттифоқда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва соғлиқни сақлаш масалаларига эътиборнинг сусайиши, давлат бюджетида соғлиқни сақлаш улушининг камайишига, унинг моддий-техник базасини янгилаш, янги дорилар ва даволаш усулларини ўзлаштириш жараёнларининг пасайишига олиб келди. Кўпгина касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар ва дорихоналар ихтисослашмаган биноларда жойлашиб, асосий қисмида канализация ва иссиқ сув йўқ эди. Бу ҳолатлар айниқса, қишлоқ жойларда ниҳоятда ачинарли тарзда эди. Республикада соғлиқни сақлашга ажратилган маблағнинг камлиги касалхона ва поликлиникаларни замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш даражасига салбий таъсир кўрсатди. 1980 йилларда шифохоналардаги ўринлар сонини оширишга зўр берилиб, ҳар бир ўринни ускуналар билан таъминлашга ўрта ҳисобда тўрт минг сўм сарфланган бўлса, бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида 2,0 минг сўмни ташкил этди.

Илмий тадқиқотлар даврида Сурхондарё воҳасида экологик аҳволнинг ниҳоят даражада ёмонлашганлигини кўплаб тарихий манбалар асосида илмий жиҳатдан таҳлил қилишга тўғри келди. Тожикистон Республикасининг Турсунзода шаҳри ҳудудида 1975 йилда ишга туширилган Алюминий заводидан чиқаётган захарли кимёвий моддалар аҳолининг соғлиқ ва саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Бироқ Собиқ Совет даврида Алюминий заводнинг захарли кимёвий моддалар

тарқатаётганлиги, Сурхондарё вилояти шимолий туманларда аҳолининг ушбу заҳардан кўплаб касалликлар пайдо бўлиб, айниқса болаларнинг ногирон туғилаётганлиги ҳусусида кўплаб таклифлар, аризалар ва шикоятлар тушишига қарамасдан, ушбу салбий ҳолатни олдини олиш масаласида бирон бир жиддий чора кўринмаганлиги асосли тарзда тарихий жиҳатдан илмий таҳлил этилди. Жумладан, 1980-1984 йилларда Сариосиё туманида туғма касаллар сони 200 фоизга ошиб, туғилган 7 минг боладан, 227 нафари туғма касал бўлиб, Сариосиёда Алюминий заводини заҳарли кимёвий моддаларни тарқалиши оқибатида об-ҳавони заҳарланиш даражаси 4,8 баравар, болалар касалланиши 2,8 баравар, катталарнинг касалланиши 2,2 баравар, гўдакларнинг сут тиши чириши касаллиги 2 баравар, енгил феғозора касалликка чалиниши 8,8 баравар ўсганлиги қайд этилди.¹

Масалан, вилоятнинг айрим жойларидаги аҳолининг ижтимоий шароити оғирлиги туфайли кўплаб юзага келаётган сил касаллигига қарши кураш қониқарли даражада уюштирилмаган. Натижада бу турдаги касалликларнинг фақат 51 фоизни аниқлаш имконияти бўлган². Бошқа турдаги ўткир юқумли касалликлар борасида ҳам вилоят оғир аҳволда бўлиб, 1990 йилда вилоят бўйича ичтерлама касаллиги қарийб 2,5 мартага, қизамиқ 26 фоизга, дифтерия ва кутуриш касалликлари бир неча бараварга ошган³.

Бунинг боиси, ҳатто касалхоналарни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Вилоят бўйича жами касалхоналар, амбулатория ва поликлиникаларнинг фақат 55 фоизда тоза ичимлик суви бор эди. Бу борадаги энг ёмон аҳвол Қизириқда (27 фоиз), Бандихон туманида (22 фоиз), Музработда (38 фоиз) бўлди⁴. Бу эса, ўз навбатида, нафақат юқумли касалликлар, балки бошқа турдаги касалликларнинг ҳам кўпайишига, бунинг натижасида, ўлим кўрсаткичининг ортиб боришига ва, айниқса, она ва болалар ўлимининг авж олишига катта замин яратади.

¹ “Ёш Ленинчи”, 1990 йил, 16 март, 2-варак.

² СВХ ЖА. Вилоят Кенгашининг XXI/XIII сессияси материаллари. - 1992. - 20 январ. - Б. 17.

³ СВХ ЖА. Вилоят Кенгашининг XXI/XIV сессияси материаллари. - 1993. - 2 феврал. - Б. 21.

⁴ СВХ ЖА. Вилоят Кенгашининг XXI/XIII сессияси материаллари. - 1993. - 15 май. - Б. 13.

Тиббиёт соҳасида юқорида қайд этилган ҳамда бошқа нуқсон ва камчиликларга барҳам бериш мақсадида, вилоят ҳокимининг «Вилоят соғлиқни сақлаш ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда тиббий ёрдам сифатини яхшилаш тўғрисида»ги 1993 йил 27 февраль қарори асосида бу соҳада бир қатор долзарб вазифалар белгиланди¹. Унга асосан, аҳолининг соғлиғини сақлаш борасида миқдор ортидан қувиш эмас, балки тиббий хизматнинг пировард натижасига қараб ҳаракат қилиш; амбулатория-поликлиника муассасаларининг моддий-техникавий заминини мустаҳкамлаб, уларнинг нуфузини ошириш; аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларга чалинишнинг олдини олиш мақсадида, диспансеризация сифатини ҳар тарафлама яхшилаш; аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида, барча мутасадди идоралар ходимларининг кўмагида тадбирлар ишлаб чиқиш; энг муҳими, бу соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимининг сифатини ошириш каби вазифалар белгиланди.

Тожикистон Республикасининг Алюминий заводи тарқатаётган захарли моддаларнинг йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида, Узун, Сариосиё, Денов туманларида аҳолининг касалланиши кўпайиб борсада, ушбу касалликни олдини олиш ҳамда даволаш учун зарур тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори-дармонларини етказиб беришга собиқ Совет ҳукумати амалий ишларни бажариш ўрнига ушбу масалани “сирли”гича сақлаб қолишга доимий тарзда ҳаракат қилди. Натижада Сурхондарё вилоятида аҳолини умумий касалланиши ниҳоятда кўпайиб, халқнинг норозилигига сабаб бўлди. 1988 йил Сариосиё районида 8 минг бола туғилган бўлса, шунинг 500 таси туғма касал, 82 таси ўлик бола туғилганлиги қайд этилган. Шунингдек “Айбдор йигит”, “Айбдор келинчак” тушунчаси пайдо бўлиб, ёш авлоднинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Маълумотлар асосида тарихий-илмий таҳлил Сариосиё туманида ушбу кимёвий зарарли об-ҳаво таъсирида 1980 йилда 11 нафар, 1989 йилда 30

¹ Ўша жойда. - Б. 19-20.

нафар бола ногирон ҳолда туғилди. Шунингдек 1980 йил 549 та туғилган боланинг 15 нафари ўлик, 1989 йил 446 нафар бола сепсиз, чала шомоллаган ногирон ҳолда 134 нафар бола чала туғилди. Ушбу Алюминий заводини тўхтатиш, захарли кимёвий моддаларни олдини олиш бўйича мутахассислар фторли водород концентрация, ҳар бир метр ҳавода 0,004 миллиграмми ташкил этганлигини ва Алюминий заводи 700 минг киши яшаётган ҳудудга хавф солаётганлиги ҳақида маълумотни тақдим этди¹.

Мустақилликни дастлабки давридан Алюминий заводи таракатаётган захарли кимёвий моддаларни тарқатишни тўхтатиш, уни олдини олиш ҳамда Сурхон воҳаси аҳолисини ушбу зарарли газдан ҳимоя қилиш масаласига жиддий киришилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, собиқ совет тузуми даврида тиббиёт муассасаларини сонини оширишга эътибор берилиб, уни замонавий биноларга жойлаштириш, янги асбоб-ускуналар билан таъминлаш, янги хизмат турларини шакллантириш масаласига умуман эътибор берилмаган. Ушбу масалани 1989 йил Сурхондарё вилояти Шеробод тумани мисолида таҳлил қилиш мумкин. Зарабоғ қишлоқ кенгаши ҳудудида 12 та, Талашқон қишлоқ кенгаши ҳудудида 9 та, Янги турмушида қишлоқ кенгаши ҳудудида 9 та, Фрунзе қишлоқ кенгаши ҳудудида 8 та, Киров қишлоқ кенгаши ҳудудида 8 та, Сеплон қишлоқ кенгаши ҳудудида 14 та, Оққўрғонғон қишлоқ кенгаши ҳудудида 11 та тиббиёт хизмат нуқтаси бўлган. Шеробод туманида 72 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 11 та врачлик амбулаторияси, 3 та участка касалхоналари эски яроқсиз биноларда жойлашган бўлиб, улар зарурий тиббиёт асбоб-ускуналари, замонавий хизмат кўрсатиш воситалари билан таъминланмаган эди².

1990 йил текширувларга кўра Сариосиё туманида йиллик текширувларга кўра бир минг киши ҳисобига 364,4 нафар одам нафас олиш аъзоларининг касаллиниши, 248,3 нафар киши асаб тизими касалликларига учраган³.

¹ “Ёш Ленинчи”, 1990 йил, 13 январ, 2-варак.

² Сурхондарё ВДА . 1-ж, 18-р, 1-иш, 76 варак.

³ Сурхондарё ВДА . 313 ж, 1 р, 11-иш, 13 варак.

Шеробод районида 1989 йил 72 та тиббиёт хизмат нуқтасининг биттаси ҳам замонавий бинода жойлашмаган. Зарабоғ қишлоқ советидаги 12 та тиббиёт хизмат нуқтасини 11 таси, Таллашқондаги 19 та тиббиёт хизмат нуқтасини 17 таси, Янги турмушдаги 9 та тиббиёт хизмат нуқтасини 8 таси, Сеплондаги 14 та тиббиёт хизмат нуқтасини 9 таси, Оққўрғондаги 11 та тиббиёт хизмат нуқтасини ҳаммаси эски биноларда жойлашган бўлиб, тиббиёт хизмат нуқтасига ҳар бир кварталда ўртача 45 рубл, йилига 180 рубл пул ажратилган¹.

Республикамизда аҳоли манзиллари тиббиёт ташкилотлари билан фақат 66 фоизгина таъминланган бўлиб, амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати ҳам белгиланган нормативлардан икки баробар кам эди.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида мустақилликнинг дастлабки йилларида ижобий ўзгаришлар юз берди. Чунки, собиқ СССР даврида вилоятнинг айрим жойларидаги аҳолининг ижтимоий шароити оғирлиги туфайли, кўплаб юзага келаётган касалликларга қарши кураш қониқарли даражада уюштирилмаганлигини қуйидаги манбалар асосида таҳлил этиш мумкин. Натижада вилоят аҳолисининг 55 фоизига тиббий ёрдам бериш имконияти мавжуд бўлиб, ўткир юқумли касалликлар кенг тарқалган эди. 1990 йил вилоятда тиббиёт хизмат қурилиши учун 10,7 мил. сўм маблағ ажратилиб, уни 8,2 млн сўм ўзлаштирилди ёки режа 76,7 % га бажарилди. Қишлоқ жойларида 725 та фельдшер-акушерлик пунктларидан 688 таси, 106 та қишлоқ врачлик амбулаториясидан 83 таси, 39 та қишлоқ ҳудудидаги касалхоналар бинолари талаб даражасида эмас эди. Вилоятда мавжуд 12 та район касалхоналардан 11 таси, 38 та қишлоқ ҳудудий касалхоналардан 23 таси, 106 та қишлоқ врачлик амбулаториларидан 85 таси, 725 та фельдшер-акушерлик марказларидан 580 таси қайта таъмирлашга муҳтож эди. Бундан ташқари фельдшер-акушерлик марказларидан 77 таси ва қишлоқ врачлик

¹ Ленин байроғи, 1989 йил. 13 сентябрь.

амбулаториларнинг 41 фоизи алоқа билан таъминланмаган. 1991 йил қишлоқ тиббий хизмат учун 2 млн 969,5 минг рубл шифохона, поликлиника, фелдшер-акушер куриш учун сарфланди, холос¹.

1989 йилнинг 1 июлига Бойсун, Гагарин, Денов, Сариосиё, Термиз, Шеробод районларида 11 та ФАП (фелдшер-акушер марказлари) лари ва 19 та қишлоқ врачлик амбулаторияси қурилмасдан қолди².

Албатта, бунда вилоятда 90-йилларгача тиббий хизмат соҳасида эришилган даражани ҳам сақлаб қолиш орқали уни ислоҳ қилиш талаб қилинади. Жаҳон амалиётининг далолат беришича, тиббий хизмат кўрсатиш сифати фақат касалхоналардаги ўринлар ва врачлар сони билангина ўлчанмайди. Масалан, 1992 йил маълумотларига кўра, вилоятда ҳар 10 минг аҳолига 32 та врач тўғри келган бўлса (республикада 34 та), бу рақам Туркияда - 10 та, Англияда - 19 та, Францияда - 24 та, АҚШда - 26 та, Германияда - 31 тани ташкил қилган. Касалхоналардаги ўринлар сони вилоятда ҳар 10 минг аҳоли ҳисобига 115 та бўлса (республикада - 121 та), бу рақам Туркияда - 21 та, АҚШда - 55 та, Англияда - 75 тани ташкил қилган³. Демак, бу соҳада илғор давлатлар қаторидан ўрин эгаллашимизга қарамасдан, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг даражаси бунга номутаносиб эканлиги аён бўлди. Шунинг учун тиббиёт соҳасида ислохотлар асосан амбулатория-поликлиника, қишлоқ врачлик пунктларини ривожлантиришга қаратилиши лозим эканлиги англаб етилди.

1991 йил врачлар сони 3315 нафар, ҳамширалар сони 11153 нафарга етиб, мавжуд 107 касалхонада 1576 ўрин бор⁴.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт тизимида чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берди ва у 3 та шаклда ривожланиши белгиланди. Тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг асосини давлат таъминотидаги муассасалар ташкил этди. Шу билан бир қаторда, пулли тиббиёт ёки суғурта тиббиёти бу борадаги имкониятлар даражасини

¹ Сурхондарё ВДА .454 ж, 3-р,256-иш, 7-в.

² Сурхондарё ВДА . 313-ж, 1-р,11-и, 13 в.

³ СВХ ЖА. Вилоят Кенгашининг XXI/XIII сессияси материаллари. - 1993. - 15 май. - Б. 4.

⁴ Ленин байроғи, 1991 йил, 29.08, №131, 2 бет.

кенгайтирди ва бу ҳақда республика Олий Кенгашида қонун ҳам қабул қилинди. Биргина 1992 йилнинг ўзида вилоятда пулли тиббий ёрдам кўрсатувчи даволаш профилактика муассасалари томонидан 31 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди¹. 1991-1993 йилларда вилоят бўйича ичтерлама касаллиги қариб уч мартага, қизимик 32 фоизга, дифтерия ва қутириш касалликлари 4,5 фоизга ўсди².

Кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятида ҳам ўзгаришлар содир қилиш давр талабига айланди. Чунки, юқоридан маълумки, ўтиш даврида, айниқса унинг дастлабки йилларида барча ижтимоий муаммолар каби тиббиёт соҳасида ҳам муаммо ва камчиликлар кўзга ташлана бошлади.

Сурхондарё вилоятида асосан тиббиёт мутахассисларига бўлган эътибор мустақиллик йилларида бир мунча ўсди. Уларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, Республика илмий-услубий марказлари билан алоқаси мустаҳкамланди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида 1990 йилда 3399 нафар олий маълумотли шифокор ишлаган бўлса, 1991 йилга келиб бу кўрсаткич 3549 нафарга етди. Жумладан, Олтинсой туманида 1990 йилда 157 та олий маълумотли врач ишлаган бўлса, 1995 йилга келиб уларнинг сони 170 тага етди³. Тиббиёт ходимларининг сони ошиб бориши аҳолига бўлган хизматни яхшилаш билан бирга, янги даволаш бўлимларининг ташкил топишига, тиббиёт хизмати сифатини оширишга ҳам имконият яратди.

1990 йилда Олий маълумотли врачлар Ангор туманида 123 та, Бойсунда 131 та, Музрабодда 131 та, Деновда 357 та, Жарқўргонда 230 та, Қумқўрғонда 208 та, Қизирикда 104 та, Сариосиёда 331 та, Шеработда 146 та, Шўрчида 248 та, Термиз шаҳрида 885 та, Денов шаҳрида 179 тани ташкил этган бўлса, 1991 йилга келиб Ангорда 128 та, Бойсунда 144 та, Музрабодда 110 та, Деновда 365 та, Жарқўрғонда 221 та, Қумқўрғонда 313 та, Қизирикда 105 та, Сариосиёда 271 та, Термизда 152 та, Узунда 165 та, Шеработда 171

¹ Ўша жойда. - Б. 16.

² Сурхондарё вилояти хокимлиги жорий архиви. 2-баённома, 3-хужжат, 1994 й, 9 бет.

³ Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ривожланишидаги айрим кўрсаткичлар тахлили. 1991-2000. ВХИСБ. 2-китоб. 111-бет.

тани ташкил этди. 1991 йилда касалхоналар сони 107 та бўлиб, улардаги ўринлар сони 16185 тани ташкил этди¹.

1992 йил тиббиёт соҳасига бўлган эътиборнинг кучайиши натижасида вилоятдаги кўпгина касалхоналар қайта таъмирдан чиқарилди. Аҳолига бўлган тиббиёт хизматини яхшилаш мақсадида хорижий мамлакатлардан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди. Япония, Филландия, Франция, АҚШ ҳамда Германиядан келтирилган тиббиёт соҳасидаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш, биохимик анализаторлар ва бошқа замонавий аппаратуралар шифокорларга янада самарали ишлашлари учун қулай имкониятлар яратди. Шунингдек, Германиянинг «Сименс» фирмасидан келтирилган «Сераскоп СХ» модели ренгенодиагностик апаратидан икки дона олиб келиб ўрнатилди. Энг муҳими вилоят аҳолисининг соғлиғини сақлаш учун сунъий буйрак, гемадиализ, сувни филтирлайдиган ва одам организми учун мос суюқлик етказиб берадиган филтрлаш аппаратлари бир неча ўнлаб авто клавлар, кардиомонитор ва стоматологик комплекслар қуриб фойдаланишга топширилди².

Ўрта маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилди. Бу ишларни амалга оширишда Термиз, Денов, Шеробод тиббиёт билим юр்தларининг хиссаси катта бўлди. Ўз навбатида Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари малака ошириш ва услубий ишлари билан ёрдам берди. 1992 йил вилоятда ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 13 минг 283 тани ташкил этди. Туманларда бу ҳолат қуйидагича бўлди: Олтинсой туманида 678 та, Ангор туманида 676 та, Бойсун туманида 514 та, Бандихон туманида 44 нафарни, Музрабод туманида 597 тани, Денов туманида 530 тани, Жарқўрғон туманида 787 тани, Қумқўрғон туманида 625 тани, Қизриқ туманида 443 тани, Сарийосиё туманида 107 тани, Термиз туманида 923 тани, Узун

¹ Сурхондарё вилояти хисоблаш маркази маълумоти 1990-1993 йй. Термиз-1994 й. 121-б.

² Вилоят хокимияти жорий архиви. 1998 йилги маълумотнома. ВХИСБ. 2-китоб. 34-бет.

туманида 602 тани, Шеробод туманида 852 тани, Шўрчи туманида 826 тани, Термиз шаҳрида 2456 тани Денов шаҳрида эса 421 тани ташкил этди¹.

1991-1992 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш ишларига 1 миллион 220 минг сўмдан зиёд пул ажратилди. Шифохоналарнинг моддий-техник аҳволи яхшиланди. Япония фирмаларида ишлаб чиқарилган 5 та ультра товушли, 85 та эндаскопик аппарат, «МТ322» маркали автокардистограф, чақалоқлар учун интенсиф терапия блоки, «БХ-5» маркали аксиметрлар ўрнатилди. 1991-1992 йиллардан бошлаб тиббиёт хизматини яхшилаш мақсадида пуллик хизмат жорий этилди. 1991 йили меҳнат аҳлига 2086100 сўмлик пуллик хизмати кўрсатилган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 1,7 фоизга ошди. Энг муҳими шарқ табобатининг қадимги тажрибалари асосида даволаш мақсадида 1991 йилдан «Шарқ табобати» маркази очилди. Албатта, собиқ Иттифоқнинг чекка ўлкаларида бошқа соҳаларда бўлганлиги каби, тиббиётга кам эътибор берилиб, тиббий муассасалар моддий-техника баъзасининг етарли ривожланмаганлиги, дори-дармонлар ва тиббий асбоб-ускуналар, билан етарли таъминланмаганлиги натижасида жойларда профилактика даволаш ишларини кўнгилдагидек ташкил этишнинг имконияти бўлмади. Натижада аҳоли ўртасида сариқ касаллиги 1990 йилга нисбатан 1991 йил июнь ойида 78 фоизга кўпайиб, 4372 нафар киши сариқ касал билан касалланди. Оғир экологик шароит, турли кимёвий дорилардан кўп фойдаланиш туфайли аҳоли орасида жигар, буйрак, ўпка касалликлари кўп тарқалди. Вилоятнинг Термиз, Денов, Шеробод ва Шўрчи туманларида бу ҳолат оммавийлашди. 1991 йилнинг июнь ойига келиб вилоятда вирусли гепатит 32, сил касаллиги 31 фоизга, бундан ташқари педикулез, бруцелёз касалликлар сони ўсди². Нафақат соғлиқни сақлаш ходимлари, балки барча зиёлилар олдига ушбу хасталикларни келтириб чиқарувчи манбани аниқлаш ва унга қарши аниқ чоралар кўришдек муҳим масала қўйилган эди. Жойлардаги маҳалла кўмиталари, давлат ташкилотлари тиббий

¹ Сурхондарё вилояти ҳисоблаш маркази маълумоти 1990-1993 йй. ВХИСБ. Термиз-1994 й. 123-124 б.

² С.Н. Турсунов, Э.О. Қобилов ва бошқара «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.: «Шарқ». 2001. 368 б.

муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, махсус муассасаларни малакали ходимлар билан таъминлашга эътиборни кучайтиришга киришди¹.

1991 йилнинг охирида вилоятда ҳар ўн минг аҳолига тўқсон нафар тиббиёт ходимлари тўғри келди ёки меъёрига нисбатан 29,5 фоизни ташкил этди, холос. Бойсун, Музрабод, Қизирик, Олтинсой туманларида ахвол ачинарли бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатувчи мутахассислар етишмас, тажрибали мутахассислар кам эди. 1992-1993 йилларда вилоят аҳолисининг ўсишида, аҳолининг соғлиги масаласида кўпгина ишлар амалга оширилди. Беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратила борилиб, 1992 йилда вилоят аҳолисининг ҳар ўн минг кишисига 81,5 фоиз ўриндиклар тўғри келган бўлса, 1993 йилга келиб 79,3 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни вилоят туманлари мисолида кўрсак, 1992 йилда Олтинсой туманида 56,6 фоиз, Ангор туманида 61,3 фоиз бўлган бўлса, 1993 йилда Олтинсой туманида 65,5 фоиз, Ангор туманида 58,6 фоиз ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, Вилоятда аҳолининг ўсиб бориши натижасида ўриндиклар сони фоиз ҳисобида аҳоли жон бошига кам ўринни ташкил этган эди².

Юқорида қайд этилган рақамли кўрсаткичлар вилоятнинг қолган туманларида қуйидаги ҳолатда жойлашган: 1992 йилда Бойсунда 65,3 фоиз, Бандихонда 66,6 фоиз, Музрабодда 56,1 фоиз, Деновда 63,9 фоиз, Жарқўрғонда 63,0 фоиз, Қумқўрғонда 52,2 фоиз, Қизирикда 75,4 фоиз, Сарисийёда 87,3 фоиз, Термизда 172,1 фоиз, Узунда 43,3 фоиз, Шерабодда 63,6 фоиз, Шўрчида 53,5 фоиз, Термиз шаҳрида 264,3 фоиз, Денов шаҳрида 72,4 фоиз ни ташкил этган бўлса, 1993 йилга келиб Бойсунда 55,9 фоиз, Бандихонда 59,8 фоиз, Музрабодда 53,3 фоиз, Деновда 61,5 фоиз, Жарқўрғонда 57,1 фоиз, Қумқўрғонда 54,2 фоиз, Қизирикда 71,6фоиз, Сарисийёда 87,1 фоиз, Термизда 176,6 фоиз, Узунда 47,3 фоиз, Шерабодда

¹ С.Н. Турсунов, Э.О. Қобилов ва бошқара «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.: «Шарқ». 2001. 368 б.

² «Сурхон тонги» газетаси. 1991. 5 декабр

61,2 фоиз, Шўрчида 51,5 фоиз, Термиз шаҳрида 259,9 фоиз, Денов шаҳрида 67,6 фоиз ни ташкил этди¹.

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бу масалада жиддий ўзгаришлар қилишни кун тартибидаги асосий масала деб тушуниб, бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. 1993 йили вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида катта амалий ишлар бажарилиб, 605 беморга мўлжалланган касалхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 100 ўринли касалхона қайта жиҳозланиб, унинг атрофида 200 минг дона турли хил гул ва мева кўчатлари экилди. Термиз, Денов шаҳарларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари юқори даражада олиб борилди. Вилоят кўз касалликлари касалхонаси айниқса иборатли ишларни бажариб, 5000 туп гул ва турли хил дарахт кўчатлари ўтказди.

Вилоятнинг 1-сонли касалхонасидаги янги учта катта бинолари мустақиллик йилларида қурилиб, 300 та беморни даволаш имконияти яратилди.² Мустақилликнинг дастлабки даврида тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун 1991-1993 йилларда 30 миллион сўм миқдорида пул ажратилди.³ Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими беморларни соғайтириш билан бирга, маданий-маърифий ишларни ҳам амалга оширди ҳамда бу соҳада қатор ижобий ишлар бажарилди, беморларга хизмат қилувчи маданий бўлимлар ташкил этилди.

1992-1993 йилларда малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар ўтказилди. 1992 йили вилоятда 3318 нафар, 1993 йилда эса 3395 нафар олий маълумотли тиббиёт ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатди⁴.

Бу кўрсаткичлар вилоят туманларида қуйидагича ўсиб борди. 1992 йили Олтинсойда 158 та, Ангорда 136 та, Бойсунда 124 та, Бандихонда 37та, Музрабодда 211та, Деновда 406 та, Жарқўрғонда 220 та, Қумқўрғонда 211 та,

¹ Сурхондарё вилояти ҳисоблаш маркази маълумоти 1990-1993 йй. Термиз-1994 й. 123-124 б.

² Термиз шаҳар ҳокимлигининг жорий архиви. 1995 йил 12 апрелдаги 4-сонли баённомаси, 28 б.

³ Сурхон тонги. 1994. 3 сентябр

⁴ Сурхон тонги. 1994. 28 июн.

Қизирикда 104 та, Сариосиёда 271 та, Термизда 143 та, Узунда 182 та, Шерабодда 152 та, Шўрчида 262 та, Термиз шаҳрида 998 та, Денов шаҳрида 203 тани ташкил этди¹.

Вилоят туманларида олий маълумотли врачлар сони йилдан-йилга маълум даражада ўсиб, мутахассисларнинг ишлаши ва яшаши учун етарли даражада имкониятлар камлиги, моддий манфаатдорликнинг йўқлиги бу соҳада жиддий изланишлар қилишни талаб этди. Айниқса, ёш мутахассисларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши натижасида уларнинг ишга бўлган қизиқиши сусайиб қолди.

Президентимиз И.А.Каримов соғлом авлод Ўзбекистоннинг келажаги эканлигига тўхталиб, қуйидаги фикрни таъкидлаган эди: «Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умубашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз»².

Кишининг тан соғлиғидан, кўпроқ унинг руҳан камол топиб, ўзини соғлом тутиши муҳим эканлиги ҳаммамизга маълум. Бунинг учун касалликнинг олдини олиш жуда зарур эканлигини аҳолига тушунтириш асосий тиббий йўлдир. Бу борада вилоятда тиббиёт маорифи соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Вилоятда 1990-1993 йилларда 2 та Республика миқёсида, 10 та вилоят ва 20 та туман ҳамда шаҳар миқёсида тарғибот-ташвиқот соҳасида катта ижобий ишлар қилинди. Вилоятнинг Тожикистон, Афғонистон ҳамда Туркманистон Республикалари билан чегарадошлиги, бу давлатлардаги оғир иқтисодий вазият ҳамда турли-туман юқумли касалликларнинг тарқалиши, Сурхондарёга хавф солиб турарди. Ана шу хавфли касалликларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик, чора-тадбирлари кўрилиб, тегишли чора-тадбирлар вилоят миқёсида бажарилиб, унинг натижалари мунтазам текширилди³.

¹ Сурхондарё вилояти ҳисоблаш маркази маълумоти 1990-1993 йй. Термиз-1994 й.

² С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарихи». -Т.; «Шарк». 2004. 579-бет

³ С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарихи». -Т.; «Шарк». 2004. 579-бет

Бозор иқтисодиёти муаммоларига қарамай, «Вандоб»да вилоят аллергиялогия ва пульминалогия шифохонаси, йигирма беш ўринли «Омонхона» шифохонаси, Денов марказий шифохонасида ўн икки ўринли тирилтириш (Реанимация) бўлими, 1-вилоят шифохонасида ўттиз ўринли аёлларни соғломлаштириш ва ўттиз ўринли аллергиялогия бўлимлари ташкил этилди¹.

1994 йилда вилоятда ўртача умр кўриш 69 ёшга етди, болалар ўлими 1989-1992 йилларга нисбатан 25 фоизга, оналар ўлими эса 20 фоизга камайди.² 1994 йили вилоятда янги замонавий усуллар билан даволаш, кундузги шифохоналар, уйга бориб хизмат кўрсатадиган шифокорлар, амбулатория шароитида хизмат кўрсатадиган жарроҳлик кабинетлари сони ортди. Бироқ, вилоятда 1994-1995 йилларда тиббиёт соҳасида эскича ишлаш ҳолати сақланиб, касалларга эътиборсизлик, дори-дармонларга нисбатан эгрилик, янги асбоб-ускуналар билан таъминлашнинг сустлиги сезилиб турар эди. Ўз навбатида тасодифий ўлим, суиқасд натижасида, оғир тан-жароҳатларидан кейин ҳаёт билан видолашиш, ошқозон ва бачадондан қон кетиш асоратлари туфайли ўлим ҳоллари кўп бўлди. «Экосан», «Соғлом авлод» каби жамиятлар аҳолига намунали хизмат кўрсатмади. Натижада, вилоятда касалликнинг олдини олиш ишлари атига 79,3 фоизга бажарилди³.

Шунга қарамасдан, қишлоқ аҳолисига берилаётган тиббий ёрдам ҳали сифатли ва юқори даражада эмас, болалар ва оналар ўлими юқорилиги, юқумли ва сил касалликлари ҳамда ногиронлар сонининг ўсаётганлиги қайд этилди. Айниқса, сил касаллигининг кўпайиши, оилавий касалланиш қишлоқ аҳолиси орасида меъда-ичак, камқонлик, асаб, таянч бўғин, тери ва бошқа касалликлар мавжуд эди. Республика қишлоқ аҳолисининг 90-95 фоизида камқонлик касаллигининг ҳар хил турлари борлиги, болаларнинг 45-50фоиз да витамин етишмовчиликлари аниқланди. Қишлоқ аҳолисига амбулатория,

¹ Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ривожланишидаги айрим кўрсаткичлар тахлили. (1991-2000 йиллар. Термиз-2000 й.)

² Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ривожланишидаги айрим кўрсаткичлар тахлили. (1991-2000 йиллар. Термиз-2000 й.)

³ Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ривожланишидаги айрим кўрсаткичлар тахлили. (1991-2000 йиллар. Термиз-2000 й.)

клиник ёрдам паст даражада бўлиб, тиббий муассасаларга бўлган 160 миллиондан ортиқ мурожаатнинг 53,4 миллиони ФАПларга бўлган мурожаатлар ташкил килди¹.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан 1994 йилнинг 30-31 май кунлари Андижон вилоятида тиббиёт ходимлари анжумани бўлиб, унда бозор муносабатларига ўтиш даврининг энг долзарб муаммоларидан бири «Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати ва маданияти, савияси, самарасини янада ошириш масаласини» кўриб чиқиб, муҳокама қилинди. Ушбу анжуманда Сурхондарё вилояти шифокорларидан вакиллар иштирок этиб, фикрлар алмашилди. Мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриб чиқилди. 1994 йилда Республика миқёсида 163 та, вилоятларда марказий шифохонасида 26 та, 451 та туман ва қишлоқ участка шифохонасида фаолият кўрсатаётганлиги қайд этилди. Ҳар йили касалхоналарда даволаниб чиқаётган беморларнинг 58-59 фоизи қишлоқ аҳолисини ташкил этди. Уларнинг 70 фоизга яқини марказий туман, қишлоқ ва участка шифохоналарида даво олди. 1993 йилда қишлоқ амбулаторияларига бўлган катнов 20,6 млн. кишига етди².

Мустақиллик йилларида тиббий хизмат соҳасида олиб борилган тадқиқотлар илмий таҳлилга эътибор бериб, қуйидаги фикрлар изоҳланди. Вилоятни инфратузилмасини яхшиланиши туфайли аҳолига тиббий хизматини кўрсатиш, янги замонавий билимга эга тиббиёт ходимлар хизматини ташкил этиш, касалхоналарни замонавий талаб даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада 1995 йил вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Даволаш масканлари сони ошиб, шифохоналардаги ўринлар сони вилоятда 19 та касалхонада 2100 ўрин, жумладан Денов туманида 4 та касалхонада 350 ўрин, Шўрчи туманида 2 та

¹ Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ривожланишидаги айрим кўрсаткичлар таҳлили. (1991-2000 йиллар. Термиз-2000 й.)

² Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ривожланишидаги айрим кўрсаткичлар таҳлили. (1991-2000 йиллар. Термиз-2000 й.) 20-21 бетлар.

касалхонада 400 ўрин, Шеробод туманида 2 та касалхонада 480 ўрин, Қумқўрғон туманида 3 та касалхонада 490 ўрин, Жарқўрғон туманида 3 та касалхонада 520 та , Бойсун туманида 2 та касалхонада 280 ўрин мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатилди ва касалхоналар замонавий қайта таъмирланиб, янги тиббий асбоб ускуналар билан жиҳозланди¹.

1996 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №182-сонли қарори вилоят соғлиқни сақлаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий ишлар бажарилди. Мустақиллик йилларида аҳолига сифатли ва талаб даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш ташкилот ва муассасалари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги ҳукумат қарорини бажара бориб, яхши натижаларга эришилди. 1996 йилнинг ўзида 13 та ўрнига 16 та янги типдаги қишлоқ даволаш пункти қурилди. Дастурда белгиланганидан ташқари, Ангор туманида 2 та қишлоқ даволаш пункти фойдаланишга топширилди².

Вилоятда 1997 йилда 109 та соғлиқни сақлаш соҳасига хизмат қилувчи касалхоналар бўлиб, даволаш ўринлари сони 8784 тага етди. Вилоятда 10 минг аҳолига ўртача 59,6 касал ўрни тўғри келди. 1997 йилда 6 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 16 та қишлоқ врачлик пунктлари қуриб ишга туширилди. 1997 йилда вилоятда 10 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи амбулатория-поликлиника марказлари ташкил этилди. Бу марказлар 88,4 ўринга мўлжаллангандир³. 1996 йил Бойсун туманида 100 ўринли амбулатория-поликлиникаси ва 30 ўринли янги даволаш касалхонаси, Жарқўрғон туманида 150 ўринли амбулатория поликлиникаси, Қумқўрғон туманида 100 ўринли амбулатория поликлиникаси, Шеробод туманида 50

¹ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва статистика бош бошқармаси. 1991-2002 й. Т. 2004 й. 284 б

² СВХ ЖА. Вилоят Кенгашининг I/VI сессияси материаллари. - 1997. - 10 янв. - Б. 6

³ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси. 1998 й. 10.01.19-бет

ўринли амбулатория поликлиникаси ва 100 ўринли касалхона, Шўрчи туманида 50 ўринли амбулатория поликлиникаси куриб ишга туширилди¹.

Умуман шаҳарларда аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича Соғлиқни сақлаш муассасалари 1997 йили Термиз шаҳрида 4 та, Денов шаҳрида 4 та, Бойсун туманида 2 та, Жаркўрғон туманида 2 та, Қумқўрғон туманида 3 та, Шеробод туманида 3 та, Шўрчи туманида 3 тани ташкил этган².

Бозор иқтисодиёти талабаларидан келиб чиққан ҳода тиббиёт тизимида чуқур таркибий ўзгаришлар рўй берди. Тиббий хизмат кўрсатиш асосини давлат таъминотидаги муассасалар ташкил этди. Шу билан бир қаторда, пулли тиббиёт ёки суғурта тиббиёти имкониятлари кенгайтирилди. Мустақиллик йилларида аҳолига сифатли ва талаб даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича, вилоят ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш ташкилот ва муассасалари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги ҳукумат қарорлари бажарилиб, тиббиёт масканларининг сони ва салмоғи ўсиб борди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тиббиётнинг кўпгина соҳаларида, кўплаб соғлиқни сақлаш муассасалари, Тошкент давлат тиббиёт институтининг бош ўқув биноси ва Республика болалар касалхонаси, Семашко номидаги шифохона, кўп соҳали болалар касалхонаси, микрохирургия, буйрак, юрак, ўпка хирургияси марказлари курилди. 1998 йилга келиб, Ўзбекистонда 1250 касалхона, 177 даволаш ҳамда амбулатория поликлиника муассасаси, 6288 фельдшерлик-акушерлик маркази, 220 санатория-эпидимиология станцияси, 1900 дан ортиқ дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатди³.

Вилоятдаги касалхоналардаги ўринлар сони бўйича 1998 йилда, жами ўринлар сони ва ҳар 10 минг кишига ўртача Термиз шаҳрида жами ўринлар сони 450 та, ҳар 10 минг кишига ўртача 39,1 ўрин, Денов шаҳрида жами ўринлар сони 400 та, ҳар 10 минг кишига ўртача 65,9 ўрин, Бойсун туманида

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси. 1998 й. 10.01.25-бет.

² Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси. 1998 й. 10.01.26-бет.

³ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 1-баённома, 4-ҳужжат, 1999 й, 21 бет

жами ўринлар сони 330 та, ҳар 10 минг кишига ўртача 45,8, Жарқўрғон туманида жами ўринлар сони 205 та, ҳар 10 минг кишига ўртача 40,3, Қумқўрғон туманида жами ўринлар сони 212 та, ҳар 10 минг кишига ўртача 44,5, Шеробод туманида жами ўринлар сони 225 та, ҳар 10 минг кишига ўртача 51,4, Шўрчи туманида жами ўринлар сони 215 та, ҳар 10 минг кишига ўртача 35,4 касалхона ўринлари тўғри келган¹.

Сурхондарё вилоятида соғлиқни сақлаш ишлари 1999-2000 йилларда янада яхшиланиб борди. Бу борада Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари изчил ҳаётга қўлланилди².

1999 йилдан Сурхондарё вилоятида 63 та тиббиёт муассасаси нодавлат секторда фаолият кўрсатиб, ушбу даволаш профилактикасининг 19 таси ўзини-ўзи маблағ билан таъминлади.³ Илмий тадқиқотлар давомида олиб борилган таҳлиллар натижасида вилоят, туман ва шаҳарларида тиббий хизмат кўрсатиш замонавий асосда ташкил этилганлиги қайд этилди. Масалан, Бойсун шаҳрида аҳоли соғлиқни сақлаш масаласида ибратли ишлар қилиниб, кенг тармоқли даволаш усуллари жорий этилди. Бойсун шаҳрида аҳолига хизмат кўрсатиш учун 1998 йил 2 та касалхонада 90 та врач, 250 та ўрта тиббиёт ходимлари бўлиб, касалхоналардаги ўринлар сони 150 тани ташкил этган. Шаҳарда тез ёрдам станцияси, фаолият кўрсатиб, ҳар 10 минг аҳолига 16,3 врач, 61,3 ўрта тиббиёт ходимлари, 27,5 касалхона ўринлари аҳолига хизмат кўрсатган³.

Вилоятнинг битта шаҳар ва ўн тўртта туманида 1999 йили 1740200 киши истиқомат қилган бўлса, 2000 йилнинг ўрталарида 1758600 нафарни ташкил қилди. Шулардан, 816200 нафари эркақлар, 926000 нафари аёллар, 715155 нафари ўн тўрт ёшгача бўлган болалардир. Вилоят аҳолисига 1999 йили 290 та амбулатория, поликлиника муассасалари хизмат кўрсатган бўлса, 2000 йилнинг олти ойи ичида бу муассасалар сони 281 тани ташкил этди. Вилоятнинг даволаш профилактика муассасаларида ўринлар сони 9035 та

¹ Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси. 1998 й. 10.01.124-бет.

² С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.; «Шарқ». 2001. 374-бет

³ Сурхон тонги, 2000 йил, 13 феврал, №13.

³ Бойсун шаҳар ҳокимлиги, иқтисодиёт ва статистика бошқармаси 2000 й 20.01. 27 бет

бўлган бўлса, 2000 йилнинг олти ойи ичида 8823 тани ташкил қилди. Шифохоналарда 1999 йили 211861 бемор даволанган бўлса, 2000 йилнинг олти ойи ичида 142908 бемор даволанган¹.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида, биринчи навбатда, даволаш-профилактика муассасаларнинг моддий-техника базасини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Янги қуриб фойдаланишга топширилаётган муассасаларни замонавий тиббиёт жиҳозлари ва ускуналари, дори-дармонлар билан таъминлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, Германиянинг «Сименс» фирмаси билан ҳамкорликда, «Сироскоп ЦХ» модели рентгендианостик аппаратидан икки дона ўрнатилди. Сунъий бўйруқ, гемодиализ, сувни филтрлайдиган ва одам организми учун мос суюқлик етказиб берадиган филтрлаш аппарати, бир неча ўнлаб автоклавлар, кардиоманитор, стоматологик комплекс фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Финландия, Германия, Япониядан келтирилган биохимик анализаторлар, барокамера ва бошқа замонавий аппаратуралар ишга туширилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури» асосида тиббиёт ходимларидан Мадартов Қувондиқ, Абдуллаев Нодир, Дўсбоев Аҳмад, Тўлаев Комил, Нурматов Ўрал, Давлатов Шокир кабилар фидоийлик билан хизмат қилдилар².

2000 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида вилоят аҳолисига 91 та касалхона (шу жумладан, 85 таси бюджет, 6 таси бюджетдан ташқари, шундан 5 таси хусусий) хизмат кўрсатди. Вилоят маркази Термиз шаҳрида замонавий тез тиббий ёрдам маркази ҳамда она ва бола маркази қуриб фойдаланишга топширилди.

¹ С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.; «Шарқ». 2001. 374-бет

² С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.; «Шарқ». 2001. 375-бет

Бундан ташқари вилоят аҳолисига 345 та қуввати бир сменада 19,4 қатновга мўлжалланган врачлик амбулатория-поликлиникалари (шундан 51 таси хусусий, қуввати бир сменада 1,7 қатновга мўлжалланган) тиббий хизмат кўрсатди.

253 та дорихона (шулардан 325 таси хусусий мулк эгаларига қарашли дорихоналар) аҳолининг дориларга бўлган эҳтиёжини қондириб турди¹.

Илмий тадқиқотлар таҳлиliga асосланиб, вилоят аҳолисини соғлиқни сақлаш, замонавий даволаш масканларни қуриш, қайта таъмирлаш, даволаш ўринларини янгилаш, хоналарни замон талаби асосида жиҳозлаш соҳасида катта амалий ишлар қилинди. Айниқса, 2000 йилга келиб янги тиббиёт асбоб-ускуналарни чет элдан олиб келиб, ўрнатиб халққа тиббиёт соҳасини янги усуллари билан хизмат кўрсатиш яхшиланди. Вилоятдаги даволаш муассасалари ва ўринлари сони 2000 йилда вилоятдаги 16 та касалхонада 1885 ўрин, Денов шаҳрида 4 та касалхонада 470 ўрин, Шўрчи туманида 2 та касалхонада 470 ўрин, Шўрчи туманида 2 та касалхонада 510 ўрин, Шеробод туманида 2 та касалхонада 500 ўрин, Қумқўрғон туманида 3 та касалхонада 520 ўрин, Жарқўрғон туманида 3 та касалхонада 545 ўрин, Бойсун туманида 2 та касалхонада 300 ўрин шаҳар аҳолисини соғлиғини сақлашга хизмат қилди¹.

Вилоятда 2000 йил 61 та врачлик қишлоқ марказлари,² 91 та касалхоналар, шу жумладан ушбу касалхоналарнинг 85 таси бюджет, 6 таси бюджетдан ташқари, 5 таси эса хусусий бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатди.

Вилоятда замонавий тез тиббий ёрдам ҳамда она ва бола “Скренг маркази” қуриб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари вилоят аҳолисига 345 та қуввати бир сменада 19,4 минг қатновга мўлжалланган врачлик амбулатория-поликлиникалари, шундан 51 таси хусусий, қуввати бир сменада 1,7 қатновга мўлжаллаган тиббий хизмат кўрсатилди. Барча тоифадаги тиббий муассасаларда 4,5 минг врач, 16,1 минг нафар ўрта тиббий ходимлари аҳолига хизмат кўрсатиб, жумладан аҳолига 253 та дорихоналар

¹ С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида». -Т.; «Шарқ». 2001. 375-бет

¹ Сурхондарё вилояти хокимлиги ва статистика бош бошқармаси. 1991-2002 й. Т. 2004 й. 285 б

² Сурхон тонги, 2000 йил январь, №1

хизмат кўрсатган бўлиб, шулардан 235 таси хусусий мулк эгаларига қаршли дорихоналардир.

Тиббиёт соҳасида 2000 йилда тиббиёт соҳасида 75 млн. сўмлик ёки 1999 йилга нисбатан 206 фоиз ортиқ миқдорда пуллик хизмат кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли «Республикада 1999-2000 йилларда қишлоқ ижтимоий инфратизимини ривожлантириш ва Давлат дастури тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10-ноябрдаги «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармониغا асосан қабул қилиниган вилоят ҳокимининг 1996 йил 13 июндаги 156-сонли ва 1998 йил 30 ноябрдаги 304-сонли қарорларига мувофиқ 1996-2000 ва 2001-2005 йилларда қишлоқ ижтимоий инфратизимини ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурлари ишлаб чиқилди.

Вилоятда юқоридаги дастурларга асосан 1996-2005 йиллар давомида 149 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 1 та шаҳар врачлик пункти барпо этилди. Шулардан 97 таси янги қурилиш ва 53 таси мавжуд даволаш-профилактика муассасаларини қайта таъмирлаш ҳисобига барпо этилди. Давлат дастури режасига асосан 2005 йили вилоятда 11 та қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш учун давлат томонидан 278 миллион сўм маблағ ажратилиб, қурилиши ишларига 296 миллион 500 минг сўм маблағ сарфланди. Шундан 7 миллион 500 минг сўми асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш учун сарфланди, бундан ташқари «Актет» Халқаро ташкилоти томонидан 18 миллион 100 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, Ангор тумани «Мустақиллик» қишлоқ врачлик пунктида 6 миллион 200 минг сўмлик, Шеробод тумани Пошхўрт қишлоқ участка шифохонасида 4 миллион 700 минг сўмлик таъмирлаш ишларини бажарди. Вилоят аҳолисига ҳозирги кунда 85 та шифохона хизмат кўрсатмоқда, ушбу шифохоналарда ўринлар сони 8625 тани ташкил этди¹.

¹ С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарихи». -Т.; «Шарк». 2004. 584-бет

Вилоят ҳокимининг 2000 йил 5 майдаги 90-Ф фармойиши билан Марказ ва унинг филиаллари учун 20 та «ДАМАС» тез тиббий ёрдам машинаси ажратилди. Шошилинч тиббий тез ёрдам маркази учун 2003 йил 2 та «ДАМАС» автомашинаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан берилди. Германия давлати томонидан ҳомийлик ёрдами тариқасида 12 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Шошилинч тиббий тез ёрдам клиникаси Термиз филиалига Германиянинг Термиз шаҳридаги ҳаво кучлари мутахассислари томонидан 1 миллион Америка доллари миқдорига тенг бўлган Рентген (Филипс фирмаси), 3 та марказ аппарати (Драйгер фирмаси), 4 та монитор, 1 та дефибрлетор, 4 та инфозумат (шприц-насос) ва бир қанча анжомлар ҳамда ушбу анжомларнинг ўрнатилиши ва ишлатиш учун кетадиган материаллар олиб келинди.

2005 йилга келиб, вилоятда тиббиёт муассасаларнинг сони 90 тани ташкил этиб, ушбу муассасаларнинг 87 таси бюджет ва 8 таси нодавлат маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатди. Вилоят касалхоналарида беморларга хизмат кўрсатиш учун 84,25 бемор ўрни сони бўлиб, ҳар 10 минг кишига 43,7 та бемор ўрини тўғри келган. Шунингдек, 2005 йил вилоятда 360 та врачлик амбулатория, поликлиника муассасалари ва 190 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли соғлиғини сақлашга хизмат қилди¹.

Тожикистон алюминий заводининг таъсири туфайли Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Шўрчи туманларида экологик муҳит инсон саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Алюминий заводи таъсир қиладиган ҳудудда 600 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 2005 йилнинг 6 ойи давомида (январь-июнь) 32232 та туғиш ёшидаги хотин-қизлардан 22050 нафари, яъни 67,5 фоизда турли хил экстрогенитал касалликлари аниқланди. Аниқланган касалликлар асосий қисмини кам қонлик-27,1 фоиз, 5,3 фоизда бурак ва эндокрин тизимида, 4,3 фоизда овқат қилиш органлари касалликлари ва бошқа касалликлар билан оғриганлар 5,3 фоизни ташкил қилди. Узун туманида 26 нафар аёлда

¹ Сурхондарё вилоят иқтисодиёт бошқармаси жорий архиви, 4 китоб, 2006 йил, 114 бет.

хомиланинг бевақт тушиш ҳолати аниқланди¹. Ушбу экологик вазиятни яхшилаш ҳамда аҳоли соғлиғи сақлаш, турли касалликларни олидини олиш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар амалга оширилиб, эндокрин, нафас олиш азолари касаллиги, аёллар ва болаларда иммунитет танқислиги олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 августдаги 282 фармони асосида муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар амалга оширилди. 2005 йилда юқорида қайд этилган туманлардаги аҳоли тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, қўшимча 20 млн сўмлик дори-дармонлар билан таъминланди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимига қарашли даволаш-профилактика муассасаларида 2005 йилда 4020 нафар шифокор, 18073 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда, улардан 587 нафари олий тоифали мутахассислардир. 2005 йилда соғлиқни сақлаш муассасаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадидан 1 млрд 92 млн сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ва аппаратлар келтирилди⁶.

Қумқўрғон туманида соғлиқни сақлаш масаласида муҳим тадбирлар амалга оширилиб, замонавий усулда хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Вилоятдаги Марказий шифохонаси тўлиқ қайтадан таъмирланди. Тиббий асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ манбалар билан жиҳозланди. Жами сарфланган 296 млн сўмнинг 78 млн сўми ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилган⁷.

Мустақиллик йилларида мазкур тизимда ҳам муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу хайрли ишлар замирида воҳа аҳлининг саломатлигини сақлаш, келажак авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашдек хайрли ниятлар мужассамлашган. Воҳа соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ишларни амалга оширишда алоҳида фидойилик кўрсатиб, тинимсиз меҳнат қилмоқдалар.²

¹ Хуррамов Ш.Х., Ўташев Ш.П. Талофат, -Т., 2007. «Ниёзов А», 18 варак..

⁶ «Чағониён» 2007 йил 2 март 4 бет

⁷ «Чағониён» 2007 йил 23 феврал 3 бет

² С.Н.Турсунов ва бошқалар. «Сурхондарё тарихи». -Т.; «Шарк». 2004. 585-бет

Умуман, хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, вилоятда бир қатор тиббиёт муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди. Жумладан, шифохоналар қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмасда, 1990-99 йиллар мобайнида 2210 ўринли касалхоналар фойдаланишга топширилди. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда, амбулатория-поликлиника масканларини фойдаланишга топшириш вазифасига асосий эътибор қаратилиб, 1990-2001 йилларда бир сменада 8500 киши қатнаши мумкин бўлган бундай масканлар фойдаланишга топширилди. Айниқса, 1996 ва 1997 йилларда бу борадаги ишлар фаол олиб борилди ва тегишли равишда, бир сменада 1810 ва 1955 киши қатнаш қувватига эга бўлган амбулатория-поликлиника масканлари қуриб битказилди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида, биринчи навбатда, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Янги қуриб фойдаланишга топширилаётган муассасаларни замонавий тиббиёт жиҳозлари ва ускуналари, дори-дармонлар билан таъминлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, кейинги йилларда (90-йиллар ўрталарига келиб), юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида олиб борилган кенг кўламли ишлар натижасида биргина Сурхондарё вилоятида юқумли касалликлардан полиомиелит, қорин тифи, қоқшол, куйдирги ва ўта юқумли касалликлар (вабо, ўлат ва бошқ.) учрамади. Сальмонеллез - 42 фоизга, ичбуруғ касаллиги – 1,8 мартага, вирусли гепатит - 1,6 мартабага камайди. Бунда эмлаш тадбирлари катта аҳамият касб этди ва деярли 100 % га етди¹.

Лекин бозор муносабатларига ўтиш даврида медицина соҳасини ислоҳ қилишда йўл қўйилган хатолар ва тажрибасизлик шифохоналарнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Бир қатор шифохоналарда аҳолига хизмат кўрсатиш борасида жиддий камчиликлар бўлиб, беморлар учун зарур шароитнинг яратилмаганлиги, дори-дармонларнинг етишмаслиги, медицина ходимларининг эътиборсизлиги ана шулар жумласидандир.

¹ СВХ ЖА. Вилоят Кенгашининг I/VI сессияси материаллари. - 1997. - 10 янв. - Б. 8.

Бундан ташқари, вилоятдаги кўплаб шифохоналар мослаштирилган, талабга жавоб бермайдиган биноларда жойлашган. Биргина, Сурхондарё вилояти шаҳарларидаги (90-йиллар ўрталарида) тиббиёт муассасаларининг 60 фоиз мослаштирилган биноларда жойлашган, шунинг учун муолажа ишларини тўлалигича ташкил этиш имконияти чекланди¹.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг моддий-техник базаси талаб даражасида эмас. Баъзи ҳолларда четдан олиб келинган қимматбаҳо ускуналар ишлатилмасидан яроқсиз ҳолатга тушиб қолмоқда. Бунинг сабаби уларни ишлата биладиган мутахассис кадрларнинг етишмаслигидир. Республикамизда она ва бола саломатлигининг муҳофаза қилинишига катта эътибор берилмоқда. Давлатнинг бу сиёсати негизида «Соғлом авлод учун» деган олий мақсад ётибди. Республика ҳукуматининг бу сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш борасида жойларда махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Лекин баъзи ижобий натижалар билан бир қаторда вилоят соғлиқни сақлаш тизимининг фаолиятида ҳомиладор аёлларга яратилган шарт-шароитлар, аёллар соғлиғини сақлаш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас. Қолаверса, вилоятда аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи экологик муаммолар аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги қайд этилган манбаларга асосланиб, мустақиллик йилларида вилоятда тиббиёт соҳасидаги мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш масаласи ижобий ҳил қилиниб, бозор муносабатларига ўтиш даврида мавжуд шифохоналарнинг иш фаолияти тубдан яхшиланди. Энг муҳими аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш жорий этилиб, беморлар учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, дори-дармон ва тиббиёт учун зарур бўлган замонавий техник асбоб ускуналар билан таъминланди. Вилоят марказидаги биринчи касалхона тўла қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларига мос тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Мустақиллик йилларида, вилоятдаги шифохоналар тўлиқ қайта таъмирланиб, соғлиқни сақлаш тизими

¹ Сурхондарё вилояти хокимлиги ва статистика бош бошқармаси. 1991-2005 й. Т. 2006 й. 261 б

муассасалари ислохотлар заминида моддий ва маънавий имкониятларга эга бўлди. Энг муҳими вилоятда она ва бола саломатлигини ҳомоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Давлатнинг бу сиёсати негизида «Соғлом авлод учун» деган олий мақсад шакллантирилиб, ҳомиладор аёлларга шарт-шароитлар яратилиб, аёллар ўртасидаги турли хил касалликларни олдини олишга жиддий эътибор берилди.

ХУЛОСА

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар янги Ўзбекистонни барпо этиши, мустақилликни мустаҳкамлашдан иборат бўлган бир бутун глобал жараённи ўзида акс эттирди. Иқтисодий янгиланишнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда ҳали кўплаб муаммолар сақланиб қолмоқда. Халқ хўжалигидаги трансформацион жараёнлар, иқтисодий тизимни модернизациялаш борасида ҳозирча жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда. Одамлар тафаккуридаги ўзгариш қийинчиликлар остида секинлик билан амалга ошмоқда. Бироқ мустақил ривожланишнинг ўтган ўн етти йили шундан далолат берадики, миллий иқтисодий доктрина ҳаёт синовидан ўтди. Илмий асосланган тизимли ислохотларни ўтказишга интилиш ҳамда ўзбек моделининг мафкуравий самарадорлиги туфайли Ўзбекистон бугунга келиб МДХнинг барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлган давлатларидан бирига айланди. Мамлакатимиз умуммиллий ғоя остида бирлашиб, давр талаблари ва даъватларига тайёр ҳолда янги минг йилликка ишонч билан қадам қўйди.

Давримизнинг характерли хусусияти бозор иқтисодиётига ўтишни тақазо этадиган туб хўжалик ислохотини амалга ошириш, давлат мустақиллигининг иқтисодий негизини яратиш, миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалик тизими билан уйғунлаштиришдир. Ўзбек халқининг тарихий тақдири билан боғлиқ бўлган бу қадар масъулиятли ва ўта долзарб вазифа мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов бошчилигидаги янги ёш ҳукумат зиммасига тушди. Зудлик билан бир қатор янги Қонун ва Фармонлар ишлаб чиқилди. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос Ўзбек йўли танланиб, унинг асосий тамойиллари ва қоидаларини тайёрлаш, энг қийини, кишиларда бозор руҳияти ва кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришга жиддий киришилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш эркин соҳибкорлик ва рақобатни вужудга келтириш эди. Бозор иқтисодиётининг ички ва ташқи асосларини ҳозирлаш, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий негизини яратиш биринчи галдаги вазифалар

этиб белгиланди. Буларнинг ҳаммаси ўтиш даврида амалга оширилиши лозим бўлган жуда мураккаб юмушлардандир. Ўзбекистонда мустақиллик кўлга киритилганидан кейин Сурхон воҳасида саноат, қишлоқ хўжалиги, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. 1991-йилнинг ўзиданоқ барча тармоқларда дадил одимлар ташлана бошлади.

Сурхондарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ва моддий-маънавий соҳада катта ютуқларни кўлга киритди. Айниқса, мустақиллик йилларида вилоятда саноат қолоқлигини бартараф этиш учун бутун республикада бўлгани сингари Сурхондарёда ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Енгил саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, ижтимоий-маънавий турмуш тарзини яхшилаш соҳасида амалга оширилган ишлар мустақилликнинг натижаси бўлди.

Диссертация хулосасида тадқиқотга умумий яқун ясалиб, қуйидаги хулосаларга келинган:

1. Мустақиллик арафасида Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг жанубий вилояти Сурхон воҳасида саноат ишлаб чиқариши нисбатан орқада бўлиб, ўз саноатининг ривожланиши жиҳатидан 1990 йилда республикада ўнинчи ўринда турар ва етиштирилган бойликнинг кўп қисмини хом ашё маҳсулотлари ташкил этар эди. Воҳа ҳудудида арзон хом ашё турлари кўп бўлса-да, уларни ишлаб чиқариш жараёнига киритишни ташкил этилмасдан, фақат собиқ ҳукмрон Марказнинг эҳтиёжи ва манфаатидан келиб чиққан ҳолдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

2. Президент И.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва саноат маҳсулотлари яратиш соҳасини ислоҳ қилиш туфайли Сурхон воҳасини иқтисодий ривожлантиришга эришилди. Саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти тўғри йўлга қўйилди. Иш жойларини камайишининг олди олинди. Янги иш жойлари

яратилиб, ишловчиларнинг моддий ҳаётига зарар етказмасдан иқтисодий жараёнларни давом эттиришга эришилганлиги яққол намоён бўлди.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишни пухта ўйлаб ташкил этган корхоналарда иш ҳажми камаймасдан узлуксиз ўсиб борди. Маҳсулотларнинг сифати яхшиланиб, рақобатбардошлиги узлуксиз ошиб борган бўлса, баъзи бир корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш-масаласи қийинлашди. Ишлаб чиқарган маҳсулотлари харидоргир бўлмаслиги натижасида бозорда ўтмасдан қолди. Охир оқибатда инқирозга учраган шундай корхоналар ва ташкилотлар ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлди.

4. Ўзбекистонда амалга оширилган хусусийлаштириш дастурига биноан турли хил маиший хизмат муассасаларининг, дўконларнинг одамларга сотилиши натижасида кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб борди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг ҳиссаси саноат маҳсулотлари ва ҳалқ истеъмоллари ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига эришилди.

5. Мустабид совет тузумининг зўравонлиги оқибатида ўз фаолиятини деярли йўқотган хунармандлар жамоасига мустақиллик йилларида ўз фаолиятларини эркин ривожлантириш, қадимги миллий хунармандчиликни тиклаш имкониятининг яратиб берилиши натижасида аҳоли гавжум жойларда турли хил меҳнат фаолиятларини давом эттириш учун имконият яратиб берилди.

6. Ўзбекистон ҳукумати, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлади. Ташқаридан вальютага олиб келинадиган хўжалик ва кундалик эҳтиёж молларидан қолишмайдиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши давлат хазинасига тушадиган тушумларни аста-секин кўпайтиришга олиб келди.

7. Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилганидан кейин унинг бевосита халқаро бозорга кириши, жаҳон инфра тузилмаси билан боғланиши объектив воқеяликка айланди. Бизга маълумки, жаҳон бозори ишчи кучи, халқаро капитал ва кредитлар, ёнилғи хом ашёси ва қишлоқ хўжалиги товарлари, саноат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар, сервис хизмати, лицензиялар, муҳандислик хизмати, транспорт хизмати ва бошқа бозорлардан таркиб топади. Ана шу халқаро бозор тизимининг 8-10 тармоғининг деярли барчасида Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон ва унинг жанубий вилояти Сурхондарёда мавжуд бўлган қулай иқлим ва географик шароитлар, чет эллик сармоядорларнинг мамлакатимизга кириб келишини тезлаштирди. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизнинг жанубида халқ хўжалигининг турли соҳаларида чет элликлар билан кўплаб кўшма корхоналар ташкил этилди.

Ушбу корхоналарда ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ва жаҳон андозаларига жавоб берувчи асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши туфайли мазкур саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифати ҳам ошди. Натижада маҳсулотнинг таннархи арзонлашиб, рақобатбардошлик хусусияти ошди ва чет элга экспорт қилина бошлади. Чет элликлар билан ҳамкорликда меҳнат қиладиган маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан ишчи ва хизматчилар хориждан келтирилган машина ва технологияларни ишлатиш салоҳиятига эришдилар.

8. Мустақиллик йилларида Сурхон воҳасида иқтисодий соҳада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида саноатнинг йод, карбит, полиэтилен, ош тузи, кўмир, тўқимачилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи соҳаларининг янги турлари вужудга келди. Янгидан янги кичик, ўрта ва йирик корхоналарнинг қурилиши ишлаб турган корхоналарда янги линиялар ва қувватларнинг ишга туширилиши натижасида янги иш ўринлари кўпайиб, аҳолини иш билан таъминлаш дастурини амалга ошириш жараёни яхшиланди.

9. Мустақиллик йилларида саноат корхоналари, кўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида меҳнат қилган ишчи ва хизматчиларнинг моддий турмуши ва маънавий ҳаёти йилдан-йилга яхшиланиб борди. Уларга кўрсатиладиган хизмат турлари ва бериладиган енгилликлар ва имтиёзларнинг ҳам кўлами йилдан-йилга ортиб борди. Моддий манфаатдорлик ҳиссининг ошганлиги, шароитларнинг яхшиланиши, саноат корхоналарида ишловчи ишчиларнинг қўнимсизлик ҳолатларини кескин камайтирди.

Сурхон воҳаси ҳудудларида нефть ва газ конларидан ёнилғи қазиб олиш мустақиллик йилларида анча кўпайди. Уни қайта ишлашнинг ташкил этилиши туфайли Ўзбекистоннинг ёнилғи мустақиллигига эришишига катта ҳисса қўшилди. Айнан, республикада биринчи бўлиб воҳада нефть оқаваларидан йод олиш йўлга қўйилди.

10. Аграр соҳада амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, унинг натижалари, аграр хўжалик тизимидаги ерга эгалик қилиш, бошқарув соҳасидаги ўзгаришларни ўзига хос хусусиятларини тарихий жиҳатдан асослаш;

11. Мустақиллик йилларида вилоятнинг маданий турмуш тарзидаги ўзгаришлар, шунингдек, маданиятдаги миллий қадриятлар ҳамда унинг маънавиятимиз ривожига ўрнига алоҳида эътибор бериш;

12. Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида таълим тизимида амалга ошираётган ислоҳотлар жараёнида умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълимни ҳам тубдан ислоҳ қилишга эришилди.

13. Хусусан, жанубий вилоятлар халқ хўжалиги учун зарур бўлган ўрта махсус ва олий маълумотли кадрлар билан таъминловчи махсус коллежлар ва университетда эса иқтисодчи, молиячи, педагог, муҳандис-техник ва бошқа кадрларни тайёрловчи мутахассисликларнинг бўлимлари янгидан ташкил этилди. Турли соҳада ишлаб турган касб соҳибларининг малакаларини ошириш тизими ҳам қайта ташкил этилди. Малака ошириш, тажриба алмашишнинг республика тизими анча такомиллаштирилди. Ишчи-

хизматчиларнинг чет эллардаги турдош корхоналарда малака ошириш ишини ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилди.

14. Маиший турмуш ва тиббиёт йўналишидаги ислохотлар самараси, унинг инсон манфаатларини ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳамда яхшилаш масаласидаги натижалар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш соҳасидаги уринишлар ва уларнинг натижаларни илмий-тарихий таҳлил этиб, мукамал илмий хулосалар бериш мавзунинг долзарблигидан иборатдир

Ўтказилган ислохотлар ва амалга оширилган ишлар натижасида:

- Сурхон воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, саноат корхоналарининг ташкил топиши, уларни қайта таъмирлаш, чет эл қўшма корхоналарини қуриш ва ишга тушириш, чет эл инвестициясини киритиш, енгил саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини ошириш билан боғлиқ тарихий манбалар ўрганилди;

- Сурхон воҳасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг билим савиясини ошириш, замонавий технологик талабларга жавоб берадиган ишчи – техник ходимлар тайёрланди;

- Сурхон воҳасида маҳсулотнинг экспорт қувватини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди;

- Сурхон воҳасида иқтисодий тараққиётнинг юксалиш натижаларини ўрганиш, миллий ўлканинг моддий ва маънавий бойликларини янада кўпайтириш омиллари тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилди;

- Мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари ўрганилиб, вилоят саноат тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари тарихий манбалар асосида таққосланди;

-Хусусан, жанубий вилоятлар халқ хўжалиги учун зарур бўлган ўрта махсус ва олий маълумотли кадрлар билан таъминловчи махсус коллежлар ва университетда эса иқтисодчи, молиячи, педагог, муҳандис-техник ва бошқа

кадрларни тайёрловчи мутахассисликларнинг бўлимлари янгидан ташкил этилди. Турли соҳада ишлаб турган касб соҳибларининг малакаларини ошириш тизими ҳам қайта ташкил этилди. Малака ошириш, тажриба алмашишнинг республика тизими анча такомиллаштирилди. Ишчи-хизматчиларнинг чет эллардаги турдош корхоналарда малака ошириш ишини ташкил этишига алоҳида эътибор қаратилди.

-маиший турмуш ва тиббиёт йўналишидаги ислохотлар самараси, унинг инсон манфаатларини ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳамда яхшилаш масаласидаги натижалар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш соҳасидаги уринишлар ва уларнинг натижаларни илмий-тарихий таҳлил этиб, мукамал илмий хулосалар бериш мавзунинг долзарблигидан иборатдир

- Вилоят ижтимоий инфраструктураси ҳамда аҳолининг маиший турмуш даражаси таҳлил этилиб, бу борадаги муаммолар хусусида фикр юритилди;

- Мустақиллик йиллари мобайнида вилоят маданиятида маълум силжишлар бўлиб, таълим-фан, маданият ва санъатнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Моддий-иқтисодий асосга эътибор қаратилди, мутахассис кадрлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Уларни махсус адабиётлар, дарслик ва ўқув қўланмалари билан таъминлаш ишлари амалга оширила бошланди;

- Мустақиллик йилларида вилоятнинг иқтисодий, маданий, маърифий ва турмуш тарзининг ривожланиши сифат жиҳатидан янги босқичга кирди. Бу ерда саноат ишлаб чиқаришини янгилаш ва ривожлантириш учун моддий техника базаси яратилди. Янги корхоналар қурилиб, эскилари қайта таъмирланиб, янги тармоқлар вужудга келтирилди. Қўшма корхоналар очилиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга имкониятлар яратилди;

- Бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан савдонинг қадимий анъаналари тикланишига кенг имконият яратилиб, уни янги шакл ва мазмун

билан бойитди. Вилоятда спорт мажмуи, кенг спорт анжуманлари, халқаро мусобақалар ўтказилмоқда;

- Вилоятда ёш авлодни тарбиялашга кенг эътибор берилиб, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинган, бу соҳада сифат ўзгаришлари юз берди. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун мутахассислар тайёрлаш тизими ва сифатини ўзгартириш талаб қилиниб, таълим тизимини ривожлантиришдаги асосий йўналиш уларни янги замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда;

-Вилоятда соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, бу соҳада катта амалий ишлар бажарилди. Вилоятнинг қадимий ва юксак маданият маркази эканлигини акс эттирувчи улуғ саналар, яъни Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган курашнинг миллий тури бўйича халқаро мусобақа, Алпомишнинг 1000 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги каби тадбирларининг ўтказилиши шулар жумласидандир;

Диссертация охирида тадқиқот натижаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кун талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Сурхондарё вилоятида бундай кейин ҳам янада ривожлантиришга доир бир қатор таклифлар берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятида ҳам саноат соҳасини ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, чет элликлар билан қўшма корхоналар қуриб, уларни ишга тушириб, янги маҳсулотлар олишни йўлга қўйиш борасида юзага келган муаммоларни ечишни йўлга қўйиш бўйича тажриба яратилди. Ушбу тажрибаларни умумлаштириш, ундан келажакдаги амалий фаолиятда фойдаланишнинг катта ижтимоий, иқтисодий сиёсий ва амалий аҳамияти ортиб боришини ҳисобга олиб, уларни хизматчилар, тадбиркорлар, ишбилармонлар онги ва шуурига етказишни ташкил этиш.

- Қишлоқ туманлари марказларида жойлашган машина трактор парклари амалда ўзларини монополистларча тутиб, ўзларининг баъзида

сифатсиз хизматлари эвазига жуда юқори тўлов шартларини қўйиб, дехқон хўжаликларини анча ноқулай аҳволга солиб қўймоқдалар. Шунинг учун муқобил хизматлар турларини яъни агросервис тармоғида рақобатчилик муҳитини шакллантириш лозим бўлади;

- Қишлоқ хўжалиги бўйича ўтказилаётган ҳозирги молиявий ҳисоб-китоблар тизими хўжасизликка йўл қўйилишига ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг соф фойда олишга қизиқишининг пасайишига олиб келмоқда. Натижада корхоналар ўз маблағларидан эркин фойдалана олмаяптилар. Шунинг учун бизнингча, молиявий бақувват қишлоқ хўжалик корхоналари олдида кўндаланг турган бундай тўсқинликка барҳам бериб ва улар ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш чораларини кўриб чиқиш зарур бўлади;

- Қишлоқ хўжалигида суғориш ишларида яна битта муҳим соҳа бу иложи борича камроқ сув сафлаш ва бу борада илгор технологияларни жалб этиш масаласи ҳам бугунги кунда долзаб вазифалардандир. Бу иш унча катта маблағ талаб қилмайди. Ўзбекистон шароитида ўсимликларни ёмғирлатиб суғориш илгари ҳам синаб кўрилган, натижалар ҳам ижобий бўлган. Шунинг учун ёмғирлатиб суғорувчи аппаратларни ишлаб чиқариш ва унга сервис хизмати кўрсатишни Ўзбекистоннинг ўзида йўлга қўйиш лозим. Энг асосийси кичик ва ўрта фермер хўжаликлари оммавий равишда харид қила оладиган. фойдаланиш учун содда ва қулай бўлган машиналар ишлаб чиқаришга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

-Сурхондарё вилояти кўҳна маданият, нодир санъат, гўзал меъморчилик, шеърят ва адабиёт марказидир. Шунинг учун вилоятнинг қадимий ёдгорликларини ЮНЕСКО ихтиёридаги маконга айлантириш;

- Сурхонадарё вилоятининг буюк намоёндалари, алломалари, маърифатпарварлар, мутафаккирлар, санъат арбобларининг номлари, жаҳон цивилизацияси тарихига ёзилишига имконият яратиш ва алломаларнинг юбилейларини ўтказишни ташкил қилиш;

- Сурхондарё вилоятида моддий ва маънавий ёдгорликларни, у ердаги истеъдодли усталар, мусиқачилар, шоирлар, кўшиқчилар ижодиётини ўз ичига олган тарихий маданият мерос манбаларини ақс эттирувчи ўлкашунослик музейини қуриш ва ишга тушириш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Асарлари:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т-1. - Т., «Ўзбекистон», 1991 йил, 363 бет.
2. Каримов. И.А. Дехқончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи -Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, -Т., «Ўзбекистон»; 1996.
4. Каримов И.А. Халқ билан ҳамнафас яшаш ва ишлаш олий бурч. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқи. Т-8. -Т., «Ўзбекистон» 574 бетлар.
5. Каримов И.А. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ». I Т. -Т.: «Ўзбекистон» 1996. 363-б.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» I -Т.: «Ўзбекистон» 1996. 364-б.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -Т., «Ўзбекистон»; 1997.
8. Каримов И.А.Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари. Т-6. -Т., «Ўзбекистон»,1997 йил, 430 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон, 1999.- 689 б.
10. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. 7-жилд. -Т., «Ўзбекистон»; 1999.
11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т-7. -Т., Ўзбекистон. 1999. 411 б.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т-8, -Т., Ўзбекистон, 2000.-524 б.

13. Каримов И.А. Тадбиркорлик-юксалиш гарови. Т-8. -Т., 2000. 522 бет.
14. Каримов И.А. Соғлом авлод халқимиз келажаги. Т-8. -Т., 2000. 522 б.
15. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш-энг муҳим вазифамиз Т-8. -Т., 2000. 522 б
16. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш-Фаровонлик пойдевори. Т.9. -Т., «Ўзбекистон» 2001. 436 б.
17. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т., «Ўзбекистон» 2001, 437.
18. Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. т-10. -Т., «Ўзбекистон» 2002, 426.
19. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. Т-10. -Т., «Ўзбекистон» 2002, 426 б.
20. Каримов И.А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин. Т-10. -Т., «Ўзбекистон» 2002. 426 б.
21. Каримов И.А. Раҳбар, етакчи, ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. 2001 йил 21 феврал. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-Т. Т.: «Ўзбекистон» 2002. 429-б.
22. Каримов И.А. Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи. 2005 йил, 25 март. “Сурхон тонги”, №60, 1-2 бетлар.

II. ҚАРОРЛАР ВА ФАРМОНЛАР.

1. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг 1991 йил 22 июлидаги «Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи Давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССР нинг ҳуқуқий мобелига ўтказиш» тўғрисидаги қарори // Халқ сўзи газетаси, 1991 йил 24 июль.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи газетаси. 1991 йил 20 ноябрь

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги 745-сонли «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар.-Т., «Ўзбекистон»1994 .7-10 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 февралдаги 93-сонли «Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тўғрисида»ги қарори || Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар.-Т., «Ўзбекистон». 1994 .112-114 бет.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрелдаги 216-сонли «Маҳсулотлар ва товарларни сотиш бўйича республика ярмаркаларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ||Ўзбекситон Республикаси. Фармонлар ва қарорлар, -Т., «Ўзбекистон» 1994 й. 126-128 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 августдаги «Ўззор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари тўғрисида» ги қарори ||Халқ сўзи газетаси, 1995 йил, 19 август.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони || Маърифат газетаси, 1997 йил. 2 апрель.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрельдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора -тадбирлари тўғрисида»ги Фармони || «Ўзбекистон овози» газетаси, 1998 йил. 11 апрель.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори || «Ўзбекистон тарихи» журнали 1999 йил 1-сон, -Т., «Фан», 15 бет.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 февралдаги «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони || Сурхон тонги газетаси, 1999 йил, 2 апрель
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия» номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони. || «Халқ сўзи» гезетаси, 1999 йил 12 июнь.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 июндаги «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Қарори.|| «Маърифат» газетаси, 1999 йил, 30 июнь.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисидаги Қарори || Халқ сўзи газетаси 2000 йил 16 февраль
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори||Халқ сўзи газетаси 2000 йил 24 февраль
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси «Халқ бахшиси» фахрий унвонини бериш тўғрисида» ги Фармони ||Халқ сўзи 2000 йил 16 март.
16. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонуни ||Халқ сўзи газетаси 2000 йил 9 июнь.
17. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги-кафолатлари тўғрисида»ги 2000 йил 25 майдаги. Ўзбекистон Республикаси Қонуни || Халқ сўзи газетаси 2000 йил 15 июнь
18. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни || Халқ сўзи газетаси 2000 йил 21 июнь
19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августдаги «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона

ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»ги Қарори || Халқ сўзи газетаси 2000 йил 15 июнь

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги «Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги Қарори || Ма`rifat газетаси 2002 йил 24 январь

21. Ўзбекистон Республикаси 2002 йил 13 декабрдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни || Халқ сўзи газетаси 2003 йил 23 январь

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 январидagi «Тошғузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори || Халқ сўзи газетаси 2003 йил, 28 январь

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2004 йил. 9 июлдаги «2004-2009 йилларида Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори || Халқ сўзи газетаси, 2000 йил 10 январь

III. Архив ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви

- 3.1. 7-фонд Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги.
- 3.2. 837-фонд Ўзбекистон Республикаси Минстрлар совети
- 3.3. 1619-фонд Марказий статистик бошқарма
- 3.4. 93-фонд Ўзбекистон Молия министрлиги.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ

- 3.5. 1-фонд Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси фонди
- 3.6. 45-фонд Сурхондарё вилоят маданият бошқармаси
- 3.7. 95 фонд Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси фонди
- 3.8. 313 фонд Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси фонди
- 3.9. 404-фонд Сурхондарё вилоят Халқ таълими бошқармаси
- 3.10. 454 фонд Сурхондарё вилоят ижроия кўмитаси фонди
- 3.11. 455 фонд Сурхондарё вилоят Халқ таълими бошқармаси

Сурхондарё вилояти жорий архивлари

- 3.1. Адиб Собир Термизий номидаги вилоят универсиал илмий кутубхонаси жорий архиви 1991-2005 й.
- 3.2. «Жарқўрғоннефть» хиссадорлик жамияти жорий архиви 1991 йил-2005 йиллар.
- 3.3. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси 1991-2005 йил.1-5 китоблар
- 3.4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси 1991-2005 йил 1-2 китоблар.
- 3.5. «Термизнон» хиссадорлик жамияти жорий архиви. 1991 -2005 йиллар
- 3.6. Сурхондарё вилояти маданияти бошқармаси жорий архиви 1991-2005 йиллар.
- 3.7. Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архиви 1991-2005 йиллар
- 3.8. Термиз Давлат Университети жорий архиви 1991-2005 йиллар.
- 3.9. Термиз шаҳар халқ таълими жорий архиви 1991-2005 йиллар
- 9.10. Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси жорий архиви 1998-2005 йиллар
- 3.11. Денов тумани халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг жорий архиви 2000-2005 йиллар.
- 3.12.3-жамғарма. Меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё вилоят Совети ижроия қўмитаси молия бўлими. 1991-2005 йиллар. Жилд сони 2979.
- 3.13.58-жамғарма. Сурхондарё област меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия комитети. 1593. Халқ таълими бўлими, 1991-2005 йиллар.
- 3.14.499-жамғарма. Термиз Давлат педагогика институти. 1947, 1956-1986. 910. Жилдлари. 1991-2005 йиллар
- 3.17.454-жамғарма. Сурхондарё маданият ишлари бошқармаси. 1948-1998. жилдлари. 1991-2005 йиллар

3.18.313-жамғарма. Сурхондарё область санъат бўлимнинг мусиқа-драма театри, 1991-2005 йиллар вилоят маданият бошқармаси. 1956-1995. Жилдлари.

IV. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР ТУМАНЛАР ЖОРИЙ АРХИВЛАРИ

- 1) Ангор туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил
- 2) Бойсун туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил
- 3) Жарқўрғон туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил.
- 4) Олтинсой туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил.
- 5) Сариосиё туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил.
- 6) Термиз шаҳар ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил.
- 7) Узун туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил.
- 8) Шеробод туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил.
- 9) Қумқўрғон туман ҳокимияти жорий архиви. 1991-2000 йил.

V. АДАБИЁТЛАР

1. Алибаева К. Аҳмедов М. Народный музыканты Узбекистана.-Т.: Гослитиздат, 1959.-128 б
2. Аллаберганова Х. Народное образование на подъеме.-Т.:Узбекистан, 1978.-93 с.
3. Абдурахмон Г. Высшая школа и наука в Советского Узбекистон, 1969.-127 с
4. Азимов М. Термиз тарихи (энг қадимги даврлардан XXI аср бошигача) Насаф, 2001. 183 б.
5. Абдуллаев М. Сатторов М. Тоғлар гавҳари. -Т.: Фан, -2001. 128 б.
6. Бердиев Х.Эрматов Х. Сурхондарё тарихидан лавҳалар -Т.1991 й. 70-бет
7. Бердиев О.К., Маҳмудов Х.Б. Сурхондарё ўлкаси табиати. -Термиз., «Жайхун». 1998. 69 бет

8. Бердиев Х. Биринчи одам вилояти. -Т., «Нур», 1991. 79 бет.
9. Жарқўрғон тумани -75 ёшда (кичик тўплам) Жарқўрғон нашриёти-2001 йил. 40 бет.
10. Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши; Республика илмий-амалий конференциялар материаллари. Термиз шаҳри 2006 йил 20-21 апрел.
11. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 439 б.
12. Левитин Л Дональд, С.Корлайл. «Ислом Каримов -Янги Ўзбекистон Президенти». -Т.: Ўзбекистон, 1996. 158 б.
13. Мирзаев З. Қобулов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. -Термиз. 1996. 53 б.
14. Мустабид тузумининг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. -Т.: Шарқ, 2000. 67 б.
15. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Шарқ-Т.: 2000. 558 б.
16. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1988 -Т.: Ўзбекистон, 1989. 161 б.
17. Маврулов А. Культура Узбекистана на современном этапе.-Т.: Фан, 1992.-55 с.
18. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари.-Т.: Фан, 1979.-151 б.
19. Мирзаев Ж. Термиз тарихи. Шарқ. -Т.: 2001. 96 б.
20. Мирзаев С., Шермухаммедов С. Ҳозирги замон ўзбек адабиёт тарихи.-Т.: Ўзбекистон, 1993. -422 б.
21. Назаров П. Тоғлар чорлайди. // Бойсун овози. 1998. 26 август.
22. Нажимов Т.Н. Народные традиции и культура.-Т.: Узбекистан, 1992.-120 с.
23. Нурмухаммедова М.Х. Культура села: проблемы и суждения.-Т.: Узбекистан, 1993.-66 с.
24. Нишанов М.Н. Обновление духовной жизни нации.-Т.: Фан, 1992.-106 с.
25. Ражабов Б., Исомиддинов С. Ер ости бойликларини излаб. Т.: Шарқ. 2002. 58 б.
26. Рафиқов А.А. Геологик муаммолар. -Т. «Ўқитувчи», 1997. 111 бет.

27. Ртвеладзе ЭВ, Аминов М. Сурхондарё. Қомуслар бош таҳририяти. 1996. 220 б.
28. Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти -Т.: Жайхун 1996. 116 б.
29. Рўзиев А.Н. ва бошқалар. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. -Т., «Жайхун» 1997 й. 113 бет.
30. Сурхондарё вилояти Ўлкашунослик музейи 60 йил Термиз: нашриётсиз, 1993.-38 б.
31. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар -Термиз «Жайхун», 1993 й. 115 бетлар.
32. Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. (муаллифлар жамоаси) -Т.: Шарқ, 2001, 101 б.
33. Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: Шарқ, 2001, 382 б.
34. Турсунов С.Н. Денов ёғ-экстракция заводининг тарихидан лавҳалар, Денов. 1992. 60 б.
35. Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш -Т.: А.Қодирий, 1997. 46-б.
36. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: Шарқ, 2004, 605 бет.
37. Турсунов С.Н. Шерободликлар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси. -Т., 2006. 386 бет.
38. Тўқлиев Н. Бозорга ўтишининг машаққатли йўли -Т., «Ўзбекистон», 1999 й. 75 бет.
39. Термиз йилномаси. -Т.: Шарқ, 2001. 126 б.
40. Тўхлиев Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002, 464 б.
41. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун. -Т., «Ўқитувчи», 2003 йил, 324 бет.
42. Халқ ишончи-олий маъсулият. -Т.: Ўзбекистон, 2000, 477 б.
43. Худойбердиев Ў. Мехнатимиз истиқлолининг 6 йиллик тўйига. // Чағониён. 1997. 8 август

44. Холмўминов Ж. Бозор иқтисодиёти шароитида табиатни ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш. -Термиз, «Жайхун», 1994. 153 бет.
45. Чоршанбиев А. Муаммоларни ҳамкорлик билан енгаямиз. // Сурхон тонги. 1995. 11 август.
46. Ўзбекистон тарихи 11-синф учун дарслик -Т., “Шарқ” 1998 йил, 267 бет.
47. Ўзбекистон тарихи 10 синф учун дарслик -Т.»Шарқ« 2000 й.346 -347 бетлар. Қадимий навқирон термиз. // «Фан ва турмуш» журнали. 2001. №4
48. Ўзбекистон Республикаси. -Т.: Ўзбекистон, 1992, 123 б.
49. Ўзбекистон Республикаси. -Т.: Ўзбекистон, 1993, 159 б.
50. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1997, 653 б.
51. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Т.: Шарқ, 2000, II к. 681 б.
52. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. II-Жилд. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти», 2001, 701 б.
53. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Авторлар жамоаси. -Т., «Шарқ», 2000.
54. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Ўзбекистон тарихи. Авторлар жамоаси. -Т., «Шарқ», 2000.
55. Ўзбекистон Республикаси - мустақил давлат / Масъул муҳаррир А. Х. Саидов. - Т.: Адолат, 1994. - 232 б.
56. Ўзбекистон мустақиллик йилларида (1991-1996 йиллар иқтисодий таҳлили). - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 107 б.
57. Ўзбекистон тарихи: Миллий истиқлол даври: 11-синф учун дарслик / Масъул муҳаррир А. А. Азизхўжаев. - Т.: Шарқ, 1998. - 368 б.
58. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар: Даврий тўплам. № 2 / Масъул муҳаррир Д. А. Алимова. - Т.: Шарқ, 1999;
59. Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида / О. Олимжонов ва бошқ. - Т.: Шарқ, 1996. - Б. 208.
60. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: Н. Жўраев, Т. Файзуллаев ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2000. – 688 б.

61. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К. З. Мустақил Ўзбекистон тарихи / Тузувчилар: Н. Жўраев, Т. Файзуллаев ва бошқ. – Т.: Шарқ, 2000. – 688 б.
62. Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. Термиз, 1993. 114-б. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури. 1998-2000 йиллар. -Т. «Ўзбекистон». 1998. 95 бет.
63. Қодиров Б. Сурхондарё олимлари. (Боблиографик маълумотлар). Т.: Меҳнат, 1990.-313 б.
64. Қўшоқов Т. Истиқбол сари одимлаётган корхона // Сурхон тонги. 1995. 10 феврал.
65. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи.-.: Ўқитувчи, 1996.-174 б.

VI. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР.

ДИССЕРТАЦИЯЛАР:

1. Ачилов Н. Культурная строительство в Кашкадарьинской и Сурхондарьинской областях. (1946-1958 гг): Дис...канд.ист. наук.-Т., 1974.- 337 с.
2. Даминова Зулфия Шариповна XIX аср охири-XX аср бошларида Термиз шаҳри тарихи. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация-Тошкент; 2004 йил 182-250 бетлар
3. Ўроқова Нигора Саломовна «Ўзбекистонда мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида)». Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация -Т. 2004 й. 56-95 бет.
4. Ҳамзаева М.К. Ўзбекистон миллий маданиятининг ривожланиш йўналишлари ва муаммолари. (40-50 йй): Тарих фанлари номзоди... дис. автореф. -Т.:2001.-26 б.

VII. ДАВРИЙ МАТБУОТ

Газеталар

- I. «Бойсун овози» газетаси материаллари 1992-2005 йиллар.
- II. «Ишонч» газетаси материаллари. 1995-2005 йиллар.
- III. «Маърифат» газетаси материаллари. 1995-2005 йиллар.
- IV. «Мулоқот» -1993. №10
- V. «Сариосиё ҳақиқати» газетаси материаллари. 1992-2005 йиллар.
- VI. «Сурхон тонги» газетаси материаллари. 1991-2005 йиллар.
- VII. «Халқ сўзи» газетаси материаллари. 1993-2005 йиллар.
- VIII. «Чағониён» газетаси материаллари. 1996-2005 йиллар.
- IX. «Ўзбекистон нефть ва газ» газетаси материаллари. 1991-1994 йиллар.
- X. «Ўзбекистон овози» газетаси материаллари. 1998-2005 йиллар.

- XI. Политическое образование журналы 1989 .№ 1 стр.74-75
- XII. Жарқўргон ҳақиқати 1996-2005 й.
- XIII. Правда Востока 1995-2005 й.

Журналлар

1. «Жайхун»: ТерДУ хабарлари, илмий-назарий ва илмий-услубий журнал. 2004-2008.
2. Мозийдан садо, илмий амалий, маънавий маърифий. 1999-2007 йил.
3. Ўзбекистон тарихи журналы, илмий-назарий журнал, 1992-2005 йиллар
4. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1999-2005 йиллар.
5. «Шарқ юлдузи»-1996. №8.
6. Фан ва турмуш. 2000-2005 йиллар